Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида 2014-2015 ўқув йилида 11 та факультет, 51 та кафедра фаолият кўрсатди. Асосий штатда 732 нафар, ўриндошлик асосида 192 нафар, жами 924 нафар профессор-ўқитувчилар ўқув жараёнига жалб этилди. Профессор лавозимига 101, доцент лавозимига 204, катта ўқитувчи лавозимига 241, ўқитувчи лавозимига 378 нафар педагог ходимлар турли штат бирликларида ишга қабул қилинди [20, 69]. Университетда бакалавриатнинг 1-курсларида 28 номдаги ва 2-,3-,4-курсларида 31 номдаги таълим йўналиши, магистратуранинг 1- ва 2-курсларида 27 номдаги мутахассислик бўйича юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланди. Шулардан 22 номдаги таълим йўналиши бўйича университет Республикада таянч олий таълим муассасаси ҳисобланди. Ўқув жараёнини ташкил этишда асосий ва муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар саналган Давлат таълим стандартлари ва намунавий ўқув режалар 1-курслар учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 10 мартдаги 84-сонли, 2-,3-,4- курслар учун 2011 йил 16 сентябрдаги 387-сонли ҳамда 2012 йил 30 августдаги 355-сонли буйруқлари билан тасдиқланди. Мазкур ўқув йилида университетнинг бакалавриат босқичига 1897 нафар (шундан 1389 нафари қизлар), 503 нафари давлат гранти асосида, 1394 нафари тўлов шартнома асосида, магистратура босқичига 111 нафар (66 нафари қизлар) талабаликка қабул қилинди [20, 70].

Жиззах давлат педагогика институтида 2017-2018 ўқув йили 20 та бакалавр таълим

йўналиши кундузги бўлимида жами 7248 нафар бакалаврлар ва 5 та магистратура мутахассисликларида 23 нафар магистрлар таҳсил олди [21].

Самарқанд давлат университетида 2017-2018 ўқув йилга келиб 12 та факультет, 56 та кафедрада, 34 та бакалавриат таълим йўналишлари, 40 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланди [22, 49]. Таълим жараёни ўзбек, рус ва тожик тилларида олиб борилди.

Ўқув жараёнининг муваффақияти аввало давлат таълим стандарти, ўқув режаси, фан дастури, ўқув адабиётлари, ахборот ресурсларининг қай даражада мукаммал ишлаб чиқилишига боғлиқдир. Ўзбекистонда янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашнинг 1999-2004 йилларга мўлжалланган истиқболли режалари ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилди. Маъруза матнлари тузилиб, 5-10 нусхадан кутубхоналарга топширилди [23, 30-31].

Педагогика йўналиши таълим муассасаларини интернет тармоғига боғланиш тадбирлари қатъий олиб борилди. Интернет билан боғлиқ бўлган ахборот ва коммуникация технологиялари 2001 йил ўрталарига келиб Ўзбекистонда 44 та Интернет провайдер рўйхатга олинган эди. Бу эса Ўзбекистоннинг исталган ҳудудида Интернетга кириш имконини берди. Кўплаб олий ўқув юртлари хусусан, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд ва Андижон шаҳридаги барча олий таълим муассасалари, Бухоро давлат университети, Гулистон, Қарши, Қорақалпоқ, Наманган, Урганч, Фарғона давлат университетлари Интернет тармоғига Онлайн тизими орқали бепул уланди [24, 186].

Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари томонидан 2017-2018 ўқув йили давомида 64 та ўқув адабиётига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатномаси олиниб, шундан, 3 та дарслик, 17 та ўқув-услубий қўлланма жами 20 та ўқув адабиёти чоп этилди [25, 2-3].

Педагогика йўналиши таълим муассасаларида яратилган ўқув адабиётларининг барчасининг электрон вариантлари ахборот-ресурс марказининг электрон ресурслар базасига киритилиб борилди. Профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган адабиётларнинг электрон вариантлари ахборот ресурс марказидаги компьютер хотираларига жойлаштирилиши, талабалар ва ўқитувчиларнинг унумли фойдаланишлари учун қулай бўлди. Масалан, бу даврда Самарқанд давлат университети кутубхонасида электрон дарслик, виртуал лабораториялар, дарс машғулотларининг электрон тақдимотлар шаклидаги электрон адабиётлар сони 1200 дан ортди. Шулардан 150 га яқини мультимедиали электрон дарсликлар, 78 таси гипермурожаатли электрон адабиётлар, 64 таси виртуал лабораториялардан иборат эди [22, 56]. Бу тадбирлар ўқув жараёнини ташкил қилиш, талабаларга ўқув адабиётларидан фойдаланишлари учун шароитлар яратилишида ва босқичма-босқич масофали таълимга ўтиш учун замин ҳозирлади.

Ўқув жараёнининг самарадорлигини янада яхшилаш мақсадида профессор-ўқитувчилар томонидан педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш, лойиҳавий таълимнинг технологияси, кейс технологияси, мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари, илмий фаолиятга тайёргарлик асослари бўйича изланишлар олиб борилди. Маърузаларда инновацион технологияларни қўллаш, учинчи ва бешинчи даражали тестлар асосида ўқув натижаларини баҳолаб бориш, маълум лойиҳалар бериб, шу асосда ўқитиш технологиясини қўллаш, таълимнинг кейс усулидаги замонавий технологиясидан ва турли чизмали органайзерлардан фойдаланиб, талабаларнинг мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантириш, ахборотли муаммоли маърузалар технологиясини ишлаб чиқиш ва қўллаш, ҳар бир дарсда таълимнинг интерактив усулларидан фойдаланилди.

Кейинги йилларда бу борада баъзи силжишлар кўзга ташланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларида сиртқи ва кечки таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 930-сонли қарорида ҳам 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб сиртқи ва махсус сиртқи бўлим талабаларини масофавий таълим орқали оралиқ назорат ва мустақил ишларни баҳолашни йўлга қўйилиши кўрсатиб ўтилди. 2017-2018 ўқув йилида Жиззах давлат педагогика институтда MOODLE тизимида 287 та курс яратилди [26, 2-9].

Жиззах давлат педагогика институтида 2018-2019 ўқув йилида Якуний давлат аттестациясида 91 нафар талаба фақат “5” (аьло) баҳо (5,84%), 484 нафар талаба “4 ва 5” баҳоларга топширган (29,75%), 1047 нафар талаба “3,4 ва 5” аралаш баҳоларга (64,35%),

1 нафар талаба “2” баҳога (0,06%) топширди. Якуний давлат аттестацияси натижаларидан кўринадики, институт бўйича 579 нафар талаба (35,61%) Давлат аттестацияларини фақат “4 ва 5” баҳоларга топширган [27, 3-8].

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўқув тарбия ишлари амалиёт билан биргаликда олиб борилди. 1999-2000 ўқув йилида талабаларнинг ўқув амалиётида 2045 нафар талаба қатнашиб, ўз мутахассислигига мувофиқ университет ўқув базасида, умумтаълим мактабларида тажрибали профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида ўтказилди [11, 25].

Ўқув жараёнининг яна муҳим соҳаларидан бири, таълим соҳаларининг хилма-хиллиги ва хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқув режаларида педагогик амалиёт, ишлаб чиқариш амалиёти, ўқув амалиёти, дала амалиёти, диплом олди амалиётлари каби амалиёт турларини ташкил қилишдир. Масалан, 2013-2014 ўқув йилида Самарқанд давлат университети талабалари мавжуд йўналишлардан 27 тасида педагогик амалиёт, 15 та йўналиш бўйича ишлаб чиқариш амалиёти, 25 та йўналиш бўйича ўқув амалиёти, 9 та йўналиш бўйича эса дала амалиётини ўтади [22, 59].

Амалиётларни давр талабларига янада мувофиқлаштириш мақсадида амалиёт ўтказиладиган муассасалар билан узвий алоқа боғлашни таъминлашга, муассасалар томонидан амалиёт раҳбари этиб тайинланадиган ходимларнинг масъулиятини оширишга қаратилди. Амалиёт тегишли йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган ва зарурий тасдиклардан ўтказилган дастурлар ва ишчи дастурлар ҳамда объектлар раҳбарияти билан келишилган ҳолда тузилган амалиёт жадвалига амал қилинган ҳолда ўтказишга ҳаракат қилинди. Амалиётларни ўтказиш олдидан махсус конференциялар ташкил қилиниб, талабаларга амалиёт олди кўрсатмалари берилди. Педагогик амалиётлар Самарқанд шаҳри ва вилоятининг яқин туманлардаги 43 та таълим муассасалари – ўрта таълим мактабларида, университет қошидаги академик лицей, иқтисодиёт ва сервис институти, қишлоқ хўжалик институти, тиббиёт институти, архитектура-қурилиш институтлари қошидаги лицейларда, Самарқанд саноат, педагогика, касб-ҳунар коллежларида корпоратив шартнома асосида ўтказилди. Шунингдек, дала амалиёти 9 та йўналиш: тарих, биология, экология, география, гидрометерология, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, ўзбек, рус, тожик филологияси йўналишлари бўйича белгиланган бўлиб, биология ва экология йўналиши талабалари университетнинг Ургут туманидаги оромгоҳида, тарих йўналиши бўйича Нурободда олиб борилди. Ўқув амалиётлари 25 та йўналиш бўйича мавжуд бўлиб, бу амалиётларни талабалар кафедралар қошидаги лабораторияларда, шаҳар спорт иншоотларида, ўрта таълим мактаблари, болалар уйларида ўтказилди [22, 59-62].

**4. Хулосалар:**

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўзбекистонда демографик вазият туфайли умумий ўрта таълим тизими тармоғи йилдан-йилга кенгайиб борди. Бу эса педагогик кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш ва ўқитувчилар сонини кўпайтиришни тақозо этди. Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларига ўқиш истагидаги талабгорлар сонининг ортишига олиб келди.
2. Педагогика йўналиши таълим тизимидаги ислоҳотлар натижасида таълим муассасаларида тез-тез таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, янги факультет ва кафедралар фаолияти йўлга қўйилди.
3. Ривожланган давлатларнинг олий таълим муассасалари тажрибасига таянган ҳолда, маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган кадрлар тайёрлашнинг икки даражали, яъни бакалавриат ва магистратура тизимига ўтилди. Ўқув жараёнига рейтинг тизими кенг татбиқ этилди. Умуман Ўзбекистонда педагогик кадрлар тайёрлашда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах, Нукус, Қўқон, Навоий педагогика институтларининг ўрни катта бўлди.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Education of Uzbekistan. Statisticheskiy Sbornik. –Tashkent, 2008. – P.45-46.
2. Annual statistical collection of the Republic of Uzbekistan. –Tashkent, 2015. - B. 85-86.
3. People’s Speech, March 3, 2020
4. Annual statistical collection of Uzbekistan 2008. Statistical collection – Tashkent, 2009. – P.121.

5. Education of Uzbekistan 2008. Statistical collection. – Tashkent, 2009. – P.171.

6. Baxriev D.G. Professionalnaya ustanovka v usloviyax rynochnyh otnosheniy vypusknikov vuzov // Problems of improving the scientific basis of marketing services in higher education. - Samarkand, 2000. - S.49

7. Ergasheva Yulduz Alimovna (2020). Historical Stages of Innovative processes in Heigher Education of Uzbekistan. Solid State Technology, volume: 63 Issue: 6, Publication year: 2020. Page:9825-9826. ***Archives Available @www.solidstatetechnology.us***

8. Saidov M.X. Economics, investments and marketing of higher education. - T., 2002. - p. 5

9. Pugach I. et al.Rating vuzov kak pokazatel kachestva vысshego obrazovaniya ... - S. 11

10. Narodnoe khozyaystvo RUz in 1993 Stat. ejegodnik. - T., 1994. - p. 220 .; Obrazovanie in RUz. 1998. - T., 1999. - p. 142 .; Education in RUz. - T., 2005. - p. 108

11. Tashkent city state archive, fund 640, list 4, case 50, pages 24-25.

12. National Encyclopedia of Uzbekistan. 12 vols. – Tashkent, 2006.– P.382

13. Education and reform // FIDOKOR, May 8, 2003

14. Hamraeva H. Education and the demand of the time // FIDOKOR, 2007, April 12

15. Scientists of Kokand State Pedagogical Institute named after Muqimi. Bibliographic reference dedicated to the 80th anniversary of the Institute. – Tashkent .: Science and Technology Publishing House. – 2009. – P.3-13.

16. Fergana State University // 1-book // History and years of rise. (Editor in Chief H.Sh. Tashmatov) - Fergana, 2015. - P.50-51

17. Current archive of Fergana State University

18. Ҳайдаров М.Э., Турсунов С.Н. Термиз давлат университетининг шонли тарихий йўли: юксалиши ва салоҳияти // Биринчи қисм –Термиз, 2016.–Б.8. (Haydarov M.E., Tursunov S.N. The glorious historical path of Termez State University: its rise and potential // The first part - Termez, 2016. - P.8)

19. Tashkent city state archive, fund 640, list 4, case 51, page 27)

20. Tashkent city state archive, fund 640, list 5, case 581, pages 69-70

21. Current archive of Jizzakh State Pedagogical Institute // From the report prepared by the Institute for the 2017-2018 academic year.

22. Istiqlol and SamSU. Samarkand, -2017

23. OUTMTVA RUz, fund 2653, list 1, case 804, pages 30–31

24. Gulomov S. Power in knowledge and thinking. – T., 2000.– P.186

25. Current archive of the National University of Uzbekistan // Reference folder on the work done on the basis of the action plan. 2-3 sheets

26. Current archive of Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri // From the folder of the Protocol No. 3 of 2018 of the Scientific Council of the Institute. Sheets 2-9

27. Current archive of Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri // From the Protocol No. 8 of 2019 of the Scientific Council of the Institute. 3-8 sheets

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

# СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ЛАШКАРИДА ҚЎШИНЛАР ТАЪМИНОТИ ВА ҚУРОЛ ЯРОҒ МАСАЛАСИ

**Миржалол Ҳимматович Акобиров,**
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари
Кичик мутахассислар тайёрлаш маркази
Гуманитар ва ижтимоий фанлар цикли ўқитувчиси
akobirovmirjalol@gmail.com

**For citation:** Mirjalol H.Akobirov. ISSUES OF SUPPLY AND WEAPONS IN THE ARMY OF SULTAN JALALIDDIN MANGUBERDI. Look to the past. 2021, vol. 3, issue 4, (18-22) pp.

DOI 10.26739/2181-9599-2021-3-3

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф султон Жалолиддин Мангуберди қўшинини таъминот масалалари, жанг давомида қўлланиладиган ҳарбий қуроллари, султон Жалолиддин қўшинининг қуролларини шаклланишида кўчманчиларнинг роли ҳақида маълумотлар келтирган. Жумладан, кўчманчи қипчоқлар асосан, эгри қилич, камон, қалқон ва найзалар билан қуролланган. Қўшин таъминоти масаласи дастлабки вақтларда (1220-1224 йиллар) кириб борган жойларида нол солиғи ва асир тушган ўлжалар ҳисобига ҳал этилган. Султон фаолиятининг кейинги (1224-1231 йиллар) Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия давлатларидаги фаолияти давомида давлат бошқарувини тартибга солиш орқали таъминот масаласида ҳам муаммолар бирмунча ҳал этилган.

**Калит сўзлар:** курол-яроғ, нол солиғи, (даббабат), палахмонлар (манжаниқ), “тошбақалар” (матарис), девор бузувчи мосламалар (жамалуқат)

# ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ И ВООРУЖЕНИЕМ В АРМИИ СУЛТАНА ДЖАЛАЛИДДИНА МАНГУБЕРДИ

**Мирджалол Химматович Акобиров,**
Вооруженные Силы Республики Узбекистан
Центр обучения юниоров
Преподаватель цикла по гуманитарным и социальным наукам

## АННОТАЦИЯ

В данной статье автор приводит информацию о снабжении армии султона Джалолиддина Мангуберди, боевом оружии, применявшемся во время войны, о роли кочевников в формировании вооружения армии султана Джалолиддина Мангуберди. В частности, кочевые кипчаки были вооружены в основном изогнутыми мечами, луками, щитами и копьями. Проблема военного снабжения была первоначально решена (1220-1224 гг.) За счет нулевых налогов и трофеев на пунктах въезда. Во время последующей деятельности султана (1224–1231 гг.) В Иране, Азербайджане, Армении, Грузии проблемы снабжения

также решались путем регулирования государственного управления.

**Ключевые слова:** оружие, нулевой налог, (даббабат), палахманы (манжаник), «черепахи» (матарис), устройства для взлома стен (джамалукат).

---

## ISSUES OF SUPPLY AND WEAPONS IN THE ARMY OF SULTAN JALALIDDIN MANGUBERDI

**Mirjalol H.Akobirov,**
Armed Forces of the Republic of Uzbekistan
Junior Training Center
Lecturer in the Humanities and Social Sciences

**ABSTRACT**

In this article, the author provides information on the supply of the army of Sultan Jaloliddin Manguberdi, military weapons used during the war, on the role of nomads in the formation of the weapons of the army of Sultan Jaloliddin Manguberdi. In particular, the nomadic Kipchaks were armed mainly with curved swords, bows, shields and spears. The military supply problem was initially solved (1220-1224) with zero taxes and trophies at the points of entry. During the subsequent activities of the Sultan (1224–1231) In Iran, Azerbaijan, Armenia, Georgia, supply problems were also solved by regulating public administration.

**Index Terms:** weapons, zero tax, (dabbabat), palachmans (manjanik), “turtles” (mataris), devices for breaking walls (jamalukat).

---

**1. Долзарблиги:**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, халқимиз тарихини янги концептуал-методологик асосларда тадқиқ этишга катта эътибор берилиб, бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига бир неча бора ташрифи чоғида Жалолиддин Мангуберди фаолиятини янада чуқуррок тадқиқ етиш кераклигини таъкидлаб ўтган.

Хоразмшоҳ Ануштегинлар сулоласи вакиллари жумладан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ва Жалолиддин Мангубердининг ўзбек давлатчилик тарихидаги тутган ўрни, уларнинг ҳарбий юришлари, қушин тузилиши ва қўшин таъминоти масалалари муҳим тарихий манбаларнинг мавжудлигига қарамасдан, илмий жамоатчилик томонидан етарлича ўрганилмаган. Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишга жиддий эътибор берилаётган бугунги кунда султон Жалолиддин Мангубердининг қўшин тузилиши, қўшин таркиби, унинг ҳарбий санъати ва султон аскарларининг қурол-яроғлари ҳамда султон Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий қисмларнинг таъминотига доир илмий асарларга эҳтиёж каттадир.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Ўшбу мақола тарихий методлар-тарихийлик, танқидий, қиёсий-мантиқий таҳлил, холислик тамоиллари асосида ёритилган бўлиб, унда султон Жалолиддин Мангубердининг олиб борган оғир шароитлардаги жангларидан олдинги қўшинининг таъминоти масалалари қандай амалга оширилгани ёритилган. Султон Жалолиддин қайғули кечган ҳаёти давомида катта йўқотишларга учради, оиласи давлати, яқинлари қавму-қариндошлари мўғуллар қўлида жон берди. Худди шунингдек унинг аскарлари ҳам мана шундай йўқотишларга учради. Шундай бўлсада султон Жалолиддин иродаси синмади, фожиали ўлимига қадар мўғулларга муносиб рақиб бўлиб қолаверди. Шунингдек мақолада султон Жалолиддиннинг қўшин таъминоти масалалари кириб борган ҳудудларида ўзининг сиёсий ва моддий аҳволининг хусусиятларига қараб ажратилади.

Мустақилликдан олдинги ва мустақиллик давридаги кўп сонли тарихий тадқиқотларда Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий санъти, қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқаруви ҳақида маълумотлар нисбатан кам учрайди. Шундай бўлсада, мазкур тадқиқот мавжуд манбалар ва тарихшунослик маълумотларининг таҳлилига асосланади. Мавжуд адабиётларни ёзилган ёки чоп этилган даврига қараб икки гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. **Биринчи гуруҳ**га XV-XVII асрларда яратилган асарлар киради. **Иккинчи гуруҳ**га XX

асрнинг иккинчи ярмида олиб борилган тадқиқотлар натижалари киради. **Учинчи гуруҳга** истиқлол даврида олиб борилган илмий тадқиқотларни киритишимиз мумкин.

**Биринчи гурух,** XIV-XVII асрларда яратилган асарларда айнан Хоразмшоҳлар давлатининг ҳарбий салоҳияти, қўшин тузилиши, ҳарбий мансаблар ҳақида батафсил маълумотлар берилмаган бўлсада, аммо Жалолиддин Мангубердининг Синд дарёси бўйида булган тўқнашувдаги мағлубиятига қадар бўлган мўғуллар билан тўқнашувлари келтирилган. Ушбу асарлар муаллифлари сифатида Мирзо Улуғбек, Ҳамдаллаҳ Казвини, Банокатий, Ҳофизи Абрў, Мирхонд, Абулғози Баходирхонларни келтиришимиз мумкин.[1]

**Иккинчи гуруҳ** адабиётларини XX асрнинг иккинчи ярмида ёзилган асарлар ташкил этиб, тадқиқот ишлари билан асосан чет эл тадқиқотчилари шуғулланган. Султон Жалолиддиннинг Ҳиндистон, Эрон, Ироқ ва Кавказ давлатларида олиб борган ҳарбий юришларини Багратиони Давид, Гандзакеци Киракос, Парсадан Горгиджанидзе, Степанос епископ, З.М.Буниятов, Ибраҳим Кафасуглилар ўрганганлар.[2]

**Учинчи гуруҳни** истиқлол йилларида Ўзбекистон тарихчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлари мавзуга оид адабиётларни ташкил этади. Бу даврда Хоразмшоҳлар давлати ва султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётига оид бир қанча янги асарлар, илмий мақолалар эълон қилинди. Н.Тошев, И.Жабборов, Ф.Ҳасанов, Н.Т.Полвонов, Ж.Рахимов, Х.В.Дадабоевлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда ҳам мавзуга тегишли бўлган масалалар ўрин олган.[3] Шундай бўлсада, султон Жалолиддин Мангубердининг жанг қилиш усуллари, тактика ва стратегиялари яхлит илмий муаммо сифатида ҳозирга қадар ўрганилмаган.

**3. Тадқиқот натижалари**

Султон Жалолиддин ҳарбий фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, у қўшинни сон жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан яхшилашга уринган. Бунинг сабабини Жалолиддин фаолият олиб борган ҳудудлар у учун бегона бўлганлиги, ёки улкан лашкар йиғиш ва бу лашкарни таъминот масаласини ҳал қилишда муоммоларга дуч келганлиги ҳамда сиёсий вазиятни оғирлиги билан изоҳласак бўлади. Барибир қўшин сони қанча бўлмасин унинг таъминоти лашкарни сифат даражасига албатта ўз таъсирини кўрсатади. Жалолиддин қўшинни курол яроғ ва озиқ овқат билан таъминлаш масаласи турли хилда амалга оширилган. Масалан, душман қўшинлари устидан ғалаба қозонилганда ўлжа сифатида катта бойлик, курол яроғлар ва озиқ овқат заҳиралари қўлга киритилган. Бундай ҳолатни биз султон Жалолиддин 1220 йил Нисо яқинида 300 кишилик отлиқ қўшини билан 700 кишилик мўғул қўшинлари устидан қозонилган ғалабадан кейин уларни ўлжаларини қўлга киритгани орқали, 1221 йил Парвон даштидаги ғалабадан кейин, қолаверса Жалолиддиннинг Ҳиндистондаги фаолияти ёки Ироқ ва Кавказ давлатларидаги фаолиятлари давомида ҳам кўришимиз мумкин.[4] Қўшин таъминоти нол солиғи орқали ҳам амалга оширилган. Манбаларда келтирилишича султон Жалолиддинга Нисо яқинидаги Чораменд қишлоғи, Завзонда ал-Қоҳира қалъаси, Ҳиндистондаги Садусон шаҳри, Форс давлати ҳукмдори Саъд ибн Занги худди шундай солиқни тўлаган. [4] Худди шунга ўхшаш ҳолатни Чингизхон фаолиятида ҳам учратишимиз мумкин. Жумладан, қўшин ўтадиган йўл бўйида яшовчи аҳоли қўшин учун нон ва шароб олиб келишга мажбур этилган.[5]

Султон Жалолиддиннинг ҳарбий фаолияти даврини шартли равишда икки даврга, яъни 1220-1224 йиллардаги Афғонистон ва Ҳиндистондаги фаолияти биринчи давр, 1224-1231 йиллардаги Эрон ва Кавказ давлатларидаги фаолияти эса иккинчи даврга киритишимиз мумкин. Биринчи ва иккинчи даврларда султоннинг жанг қилиш тактикаси, қўшин сони ва таркиби, шу жумладан қўшин таъминотидаги эҳтиёжларни қондиришда ҳам фарқлар сезилади. Масалан, биринчи даврда Жалолиддиннинг қўшин таъминоти масаласи аниқ бир қолипга солинмаган ҳолда, юқорида айтганимиздек қўшин эҳтиёжлари жангда асир тушган ўлжа ва нол солиғи орқали қондирилган. Чунки бу даврда султон Жалолиддиндан норози кайфиятдаги кучларнинг кўп бўлганлиги унинг ҳали ўзининг барча соҳалар тартибга солинган, муқим давлатининг мустаҳкам пойдеворини қуришга улгирмаганлиги билан изоҳласак бўлади.

1224-1231 йиллардаги Эрон ва Кавказ давлатларидаги фаолияти давомида қисқа муддатга бўлсада давлат бошқарувга оид бўлган тизим шакллантирилган. Бу ўз ўзидан қўшин таъминоти учун зарур бўлган чораларни кўришга имконият яратди. Тўғри, қўшинни асир тушган ўлжалар ҳисобидан таъминлаш имкониятидан тўла воз кечилмаган, аммо, мавжуд давлат хазинасидан етарлича маблағ ва от улов билан таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Жумладан, 1227 йилда гуржиларга қарши навбатдаги ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш

чоғида хазинадан қўшин учун етарлича маблағ ажратилади.[6] Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз мумкинки, аввалдан хоразмшоҳлар салтанатидаги мавжуд тартибга кўра, қўшинда хизмат қилган ҳарбийлар маълум бир қийматдаги иқтога эга бўлишган. Иқто эгалари чақирилган заҳоти ўз амирлари қўл остида бирлашганлар. Бу иқтодорлардан ташкил топган кўп сонли суворий қўшин вилоят аскарларини ташкил этарди.[7] Бундан кўринадики, иқтодорлар қўл остидаги қўшин таъминоти ана шу иқто эгасининг зиммасида бўлган.

Султон Жалолиддин армиясининг қуролланиш даражаси ҳақида тўхталадиган бўлсак авваламбор, қўшиннинг этник таркиби ва турига эътибор қаратсак қўшиндаги қуроллар ҳақида малумотлар келиб чиқади. Жалолиддин қўшини этник таркиби хоразмликлар, туркманлар, қипчоқлар, халажлар, қарлуқлар ва ҳарбий ҳаракат зарурати юзага келганда тобе ўлкалардан (Ироқ, Форс, Озарбайжон) етиб келадиган бўлинмалардан иборат бўлган. Бу этнослар турли хил бўлганидек, армиянинг айрим элементларида ҳам уйғунлашиш жараёни юзага келган. Тўғри, Жалолиддиннинг пиёда ва отлиқ аскарлари энг замонавий қуроллар билан қуролланган эди. Энг аввало ўқ-ёй, камон, қилич, найза, қалқон асосий қуроллар ҳисобланган. Қўшин таркибидаги қипчоқлар ўқ-ёй ишлатишда жуда моҳир бўлганлар. Чунки қипчоқлар 2-3 ёшлигидан отга миндирилиб кичик камонлардан ўқ узишга ўргатила бошланган.[8] Бундан кўринадики қўшиндаги моҳир камончилар бўлинмасини шакллантиришда хоразмшоҳлар қўшинида аввалдан хизмат қилган қипчоқларнинг ўрни алоҳидадир. Айнан мана шу камончилардан ташкил топган пиёдалар бўлинмаси Жалолиддинни мўғулларга қарши курашда кўпроқ наф келтирган. Чунки мўғулларнинг камончилари ҳужумидан асосан Жалолиддиннинг отлиқ бўлинмалари кўпроқ зарар кўрган. Шунинг учун у кейинчалик камончилардан ташкил топган пиёда қисмга алоҳида эътибор қаратадиган бўлди.[7] Шунингдек султон Жалолиддин армиясида отлиқ бўлинмалар ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Оғир қуролланган отлиқ аскарлар асосан узун найза билан қуролланган. Чунки узун найза душманни узоқроқ масофада йўқ қилиш имконини берган. Яқин масофада жанг қилиш оғир қуролланган отлиқ аскар учун ноқулайлик туғдирган. Бироқ Ҳиндистонга юриши вақтида султон Шамсиддин элтутмишнинг филлардан тузилган махсус ҳарбий қисм қаршилигига дуч келади. Бундай вақтда от кутилган ғалабани қўлга киритиш учун имконият яратиб берувчи асосий омил бўлган. Жалолиддин қалъаларни қамал қилганда қалъа атрофига аскарларини доира шаклида сафга тортган. Жалолиддин аскарлари қамал вақтида асосан қамал қилиш машиналари (даббабат), палахмонлар (манжаниқ), “тошбақалар” яъни юрадиган миноралар (матарис), девор бузувчи мосламалар (жамалуқат), ҳамда қамал вақтида ишлатиладиган нарвонлардан (салалим) фойдаланган.[9]

Юқорида султон аскарлари энг замонавий қуроллар билан қуролланганиги ҳақида тўхталиб ўтилди. Манбаларда келтирилишича султон Жалолиддин Ихлот қалъасини қамал қилганда рақиблар унга қарши ўзларига ишончи ортадиган даражада қуролланади. Жумладан улар отилганда олов чиқарадиган чўрикни ишлатишган.[6] Бу қурол бугунги замон тили билан айтганда милтиқдир. Кейинчалик султон аскарлари ҳам худди шу қуролдан фойдаланган бўлиши мумкин. Сабаби Жалолиддин барча жанглардаги ғалабаларидан кейин ўлжа сифатида қуролларни, жумладан ушбу қуролни ҳам қўлга киритган бўлиши мумкин. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, султон аскарлари чўрик (милтик)дан фойдаланганиги эҳтимолдан ҳоли эмас. (Муаллиф фикри.) Сабаби улкан ғалабаларни қўлга киритишда фақатгина мукаммал жанг қилиш тактикалари билан чекланиб қолмасдан, балки қурол-яроғларнинг ҳам имкониятларидан унумли фойдаланиш кераклиги, Жалолиддиндек саркарда учун сир бўлмаган.

**4. Хулосалар:**

Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз мумкинки, Султон Жалолиддин қўшин таъминотига ҳам алоҳида аҳамият қаратиб асир тушган ўлжаларни биринчи навбатда аскарларни эҳтиёжи учун сарфлаган. Юқорида қўшиннинг этник таркиби ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтдик. Мана шу масалада кейинги давр тадқиқотчилари сўнги хоразмшоҳлар даврида қипчоқлар армиянинг асосини ташкил қилган бўлса, Жалолиддин уларни умрини охирларига қадар ўзидан узоқлаштиришга ҳаракат қилди деб таъкидлайди.[10] Бироқ, Жалолиддин бутун ҳарбий фаолияти давомида уларни ўзидан узоқлаштиришга ҳаракат қилмаган. Тўғри, қипчоқлар Жалолиддинни ҳокимят тепасига келишига норози бўлишган, аммо султон Жалолиддиннинг ҳарбий ҳаолияти давридаги тарихий зарурат (мўгуллардан ташқари Жалолиддинга қарши бўлган кучлар ҳам мавжуд эди. Булар, халифа, Миср аюбийлари, Кўния салжуқийлари, Аламутдаги исмоилийлар.) шуни кўрсатадики,

Жалолиддин кимлардандир гина сақлаб қўшин таркиби учун аскарларни танлайдиган ҳолда бўлмаган.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**

1. Мирзо Улуғбек Тўрт улус тарихи/ Форс тилидан таржима Б. Аҳмедов, Н. Норқулов ва М. Ҳасаний. Кириш сўзи, изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. -Т.: Чўлпон, 1994. Мирхонднинг "Равзат ус-Сафо асарида" Жалолиддин Мангуберби зикри / Сўз боши муаллифи М. Ҳасаний. -Т.:Фан, 1999. Абулғози Баҳодирхон. Шажараи Турк. Сўз боши муаллифи Б. Аҳмедов. -Т.:Чўлпон, 1992. (Mirzo Ulugbek History of four uluses/ Per. From pers. B. Akhmedov, N. Norkulov and M. Gasaniy. Introduction, comments B. Akhmedov. -T.: Cholpon, 1994. «Ravzat nas-Sappho asarida» Mirkhand Jaloliddin Manguberbi zikri / So'z boshli muallifi M. Gasaniy. -T.: Science, 1999. Abulgazi Bahodirkhan. Shajarai Turk. Foreword B. Akhmedov. -T.: Cholpon, 1992.)

2. Багратиони Давид. История Грузии. // Сост.: А.Рогава. Тб., 1971. 271 с. Гандзакеци Киракос История Армении // Пер.: Е.Е.Харитонова. М., 1976. 355 с. Парсадан Горгиджанидзе. История Грузии. // Пер.: Р.К.Кикнадзе, В.С.Путуридзе. Тб., 1990. 182 с. Степанос епископ. "Летопис" // Армянсие источники (Bagrationi David. History of Georgia. // Comp.: A. Rogava. Tb., 1971.271 s. Gandzaketsi Kirakos History of Armenia // Transl.: E.E. Kharitonov. M., 1976.355 p. Parsadan Gorgidzhanidze. History of Georgia. // Transl.: R.K. Kiknadze, V.S. Puturidze. Tb., 1990.182 s. Stepanos Bishop. «Chronicle» // Armenian sources.)

3. Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди ўз даври ёзма манбаларида. // Ўзбекистон Тарихи журнали 1-сон. - Т.: ФАН, 1999.–Б. 54. Жабборов И. Буюк Хоразмшоҳлар давлати. // - Т.: Шарқ. 1999. Ҳасанов Ф. Турон халқлари ҳарбий санъати. // - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2018. –Б. 282. Полвонов Н.Т. Ўзбекистон тарихидан хрестоматия. // - Т.: Info Capital Group. 2018-Б. 223. Рахимов Ж. Ватаннинг шерюрак баҳодири.// - Т.: Талқин. 2015. Дадабоев Х.В. Ҳарбий санъат тарихи. // - Т.: 2013. Toshev N. Jaloliddin Manguberdi in written sources of his time. // Journal of the History of Uzbekistan Issue 1. T.: FAN, 1999.–B. 54. Jabborov I. State of the Great Khorezmshahs. // T.: Sharq. 1999. Hasanov F. Martial art of Turanian peoples. // - T.: National Encyclopedia of Uzbekistan. 2018. –P. 282. Polvonov N.T. Reader from the history of Uzbekistan. // - T.: Info Capital Group. 2018-B. 223. Raksimov J. Brave hero of the Motherland. // - T.: Interpretation. 2015. Dadaboev Kh.V. History of martial arts. // - T.: 2013.

4. Насавий Шаҳобиддин Муҳаммад. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти / Таржима ва сўз боши муаллифи Матёқубов Камол. – Т.: ФАН, 2018. –Б. 102,128,134,137, 138, 380. Яна қаранг: Мирхонднинг "Равзат ус-Сафо асарида" Жалолиддин Мангуберби зикри / Сўз боши муаллифи М. Ҳасаний. -Т.: Фан, 1999. -Б. 19 (Nasawi Shahobiddin Muhammad. Details of the life of Sultan Jaloliddin Manguberdi / Translation and foreword by Matekubov Kamol. T.: FAN, 2018. - P. 102,128,134,137, 138, 380. See also: Zikr Mirkhanda Jalaliddin Manguberbi in "Ravzat us-Safo" / Foreword by M. Gasaniy. -T.: Fan, 1999. -P. 19)

5. Михаил Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Т.: ФАН, 1994. –Б. 36. (Mikhail Ivanin. Two great commanders: Genghis Khan and Amir Temur. – T.: FAN, 1994. – P. 36.)

6. Алоуддин Атомалик Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо. / Таржима ва сўз боши муаллифи Назарбек Раҳим, Мурсал Ўзтурк. Т.: Мумтоз сўз, 2015. –Б. 395, 400. (Alouddin Atomic Juvenil. Jahongusho's story. / Translation and foreword by Nazarbek Rahim, Mursal Ozturk. T.: Classic word, 2015. –P. 395, 400.)

7. Машарипов Қудрат. Жалолиддин Мангуберди буюк ватанпарвар саркарда. Т.: Наврўз 2019. –Б. 258-259, 266. (Masharipov Kudrat. Jaloliddin Manguberdi is a great patriotic commander. T.: Navruz 2019. –P. 258-259, 266.)

8. Ҳасанов Ф. Турон халқлари ҳарбий саъати Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. –Б. 230 (Hasanov F. The military hour of the peoples of Turan T.: National encyclopedia of Uzbekistan, 2018. –P. 230)

9. Зиё Буниёдов Ануштегин Хоразмшоҳлар давлати/ Таржима ва сўз боши муаллифи А.Аҳмад ва М.Маҳмуд. Т.: Адабиёт ва санъат, 1998. -Б. 122 (Ziyo Buniyodov State of Anushtegin Khorezmshahs / Translation and foreword by A. Ahmad and M. Mahmud. T.: Literature and Art, 1998. -B. 122)

10. Сабурова А.С. Ануштегин-Хоразмшоҳлар даврида Хоразм. Т.: 2008. –Б. 107 (A.S. Saburova Khorezm during the reign of Anushtegin-Khorezmshahs. T.: 2008. –P. 107)

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

# ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Бахтиёр Атаханов,**
Наманган давлат университети ўқитувчиси

**For citation:** Bakhtiyor Atakhanov, COOPERATION BETWEEN UZBEKISTAN AND BELARUS AND THEIR LEGAL BASIS. Look to the past. 2021, vol. 3, issue 4, (23-29) pp.

DOI 10.26739/2181-9599-2021-3-4

## АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон МДҲ давлатлари доирасида олиб бораётган дипломатик муносабаларда Беларусь Республикаси муҳим ўрин тутади. Ўз навбатида Беларусь Республикаси ҳам Ўзбекистон Республикасини Марказий Осиё минтақасидаги асосий ҳамкорларидан бири сифатида дипломатик муносабатларни мустаҳкам олиб боришдан манфаатдордир.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатларга асос солинишига ва ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланишига бағишланган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида иқтисодий, ижтимоий, маданий, илм-фан ва технологиялар ҳамда бирбирига ҳуқуқий кўмак бериш йўналишида тузилган ҳамкорлик шартномалари, келишувлар, битимлар, йўл хариталарига батафсил тўхталиб ўтилган. Икки давлат ўртасида тузилган ҳукуматлараро комиссия фаолиятининг мақсад ва вазифаларининг ҳуқуқий асослари ёритилган.

**Калит сўзлар:** суверенитет, ташқи сиёсат принциплари, халқаро ҳужжат, халқаро ташкилот, манфаатли ҳамкорлик, меморандум, битим, халқаро шартнома, халқаро ҳамкорлик, ҳукуматлараро комиссия, дипломатия.

---

# СОТРУДНИЧЕСТВО МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И БЕЛАРУСЬЮ И ИХ ПРАВОВАЯ ОСНОВА

**Бахтиёр Атаханов,**
Преподаватель Наманганского
государственного университета

## АННОТАЦИЯ

Республика Беларусь играет важную роль в дипломатических отношениях между Узбекистаном и СНГ. В свою очередь,Республика Беларусь, как один из основных партнёров Республики Узбекистан в центральноазиатском регионе, заинтересовано в укреплении дипломатических отношений.

Данная статья посвящена установлению дипломатических отношений между Республикой Узбекистан и Республикой Беларусь, а также формированию и развитию правовой базы сотрудничества.В статье также подробно описаны соглашения о сотрудничестве между

Узбекистаном и Беларусью в области экономической, социальной, культурной, научно-технической, а также правовой помощи, соглашения, договоры и дорожные карты. Описана правовая основа целей и задач межправительственной комиссии, созданной между двумя странами.

**Ключевые слова:** суверенитет, принципы внешней политики, международный документ, международная организация, взаимовыгодное сотрудничество, меморандум, соглашение, международный договор, международное сотрудничество, межправительственная комиссия, дипломатия.

---

## COOPERATION BETWEEN UZBEKISTAN AND BELARUS AND THEIR LEGAL BASIS

**Bakhtiyor Atakhanov,**
Teacher of the Namangan State University

### ABSTRACT

The Republic of Belarus plays an important role in the diplomatic relations between Uzbekistan and the CIS. In turn, the Republic of Belarus, as one of the main partners of the Republic of Uzbekistan in the Central Asian region, is interested in maintaining strong diplomatic relations. This article is devoted to the establishment of diplomatic relations between the Republic of Uzbekistan and the Republic of Belarus and the formation and development of the legal fundamentals for cooperation.

The article also details the agreements on cooperation between Uzbekistan and Belarus in the field of economic, social, cultural, scientific and technological, as well as legal assistance, agreements, treaties and roadmaps. The legal basis of the goals and objectives of the intergovernmental commission established between the two countries are highlighted.

**Index Terms: s**overeignty, principles of foreign policy, international document, international organization, mutually beneficial cooperation, memorandum, agreement, international treaty, international cooperation, intergovernmental commission, diplomacy.

---

**1. Долзарблиги:**

Мустақилликка эришган ҳар бир давлат ўз ташқи сиёсатини амалга оширар экан, унга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар бир омилга жиддий эътибор бериб, уни чуқур ўрганиб таҳлил қилиши, ундан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалардан давлатларнинг ўзаро мулоқоти, қонун-қоидалари ва йўналишларини аниқлаб олиши керак. Халқаро майдонда ўз фаолиятини олиб бораётган ҳар қандай давлат учун бу муҳим ва мураккаб жараён ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш – давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмуш-тарзини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир. Шу жиҳатдан келиб чиқиб Ўзбекистон ҳам мустақил давлат фаолиятнинг асосий тури бўлган халқаро ҳамкорликнинг муҳим аҳамиятини эътироф этиб, ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Мустақил ташқи сиёсатимизнинг асосий тамойиллари 1992 йил 8 декбрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 - моддасида ўз ифодасини топди[1]. Унга мувофиқ республика ташқи сиёсатига тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди ва истиқилолнинг илк йилларидан бошлаб ҳорижий мамлакатлар билан халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва ташқи алоқалар идоралари томонидан халқаро муносабатларнинг умумэътироф этган қоида ва нормалари асосида турли йўналишларда олиб борилмоқда.

**2. Методологияси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси ўз миллий ташқи сиёсатининг тамойиллари асосида амалга оширган фаолияти натижасида қисқа муддатда дунёнинг кўплаб мамлакатлари шу жумладан, Беларусь

Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилиши ва унинг ҳуқуқий асосларини ёритилиши тадқиқ этилган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Албатта мамлакатимизнинг ташқи сиёсати шу юртда яшаётган фуқароларнинг миллий манфаатлари, орзу-истаклари рўёби нуқтаи-назаридан келиб чиқиб олиб борилмоқда. Бу жумлани Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйдаги фикрлари билан изоҳлаш мумкин: “Биз ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни аввало халқимиз, Ватанимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда амалга оширамиз. Бу сиёсатнинг асосини тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш ташкил этади.”[2]

Мустақиллик йилларининг бошлариданоқ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкилотига аъзо мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларни олиб бориш асосий устувор йўналиш эканлиги Ўзбекистон ҳукумати томонидан белгилаб олинди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида МДҲ га аъзо мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш йўналишнинг устуворлигини бир қатор ўзига хос сабаблар билан асослаш ва изоҳлаш мумкин. Мустақилликка қадар Ўзбекистоннинг хўжалигининг барча тармоқлари Совет Иттифоқи мамлакатлари билан узвий боғлиқ бўлган. Мустақилликка эришилган дастлабки даврларда мамлакат иқтисодини ишловчанлиги ва самарадорлигига эришиш, ўтиш даврида мамлакат хўжалигини инқирозга юз тутишини олдини олиш мақсадида янги ташкил этилган МДҲга аъзо бўлиб кирди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ташкилотга аъзо мамлакатлар билан ташқи алоқаларни кўп томонлама йўлга қўйди. Бу мамлакатлар орасида Беларусь Республикаси билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Беларусь билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун Шарқий Европа мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ҳамда ташқи иқтисодий фаолият йўналишларини ривожланишига имкон яратади. Ўз навбатида, Беларусь давлати учун ҳам МДҲ давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкам сақлаш манфаатли химобланади.

Беларусь Республикаси Европа марказидаги давлат. Шарқий Европа текислигининг ғарбида жойлашган. Майдони 207,6 минг км$^2$. Аҳолиси 2019 йил 1 январ ҳолатига 9 475 174 киши. Асосий аҳолиси – белоруслар, руслар, шунингдек, поляклар, украинлар, татарлар, яҳудийлар ва бошқа миллатлар ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги бир квадрат километрга 49,4 киши тўғри келади. 68,9% аҳоли шаҳарларда истиқомат қилади. Давлат тили белорусь ва рус тиллари. Энг йирик шаҳарлари: Минск, Гомель, Витебск, Могилёв, Бобруйск, Гродно, Брест. Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 6 вилоят, 118 туман, 102 шаҳар, 109 шаҳарчалардан ташкил топган. Пойтахти – Минск шаҳри.

Беларусь Республикаси – унитар демократик ижтимоий ҳуқуқий давлат бўлиб. 1996-йилги референдумда қабул қилинган Конституция амал қилади. Конституцияга мувофиқ – Президентлик Республикаси. Давлат бошлиғи – аҳоли томонидан 5 йил муддатга сайланадиган президент. Қонун чиқарувчи органи – Миллат мажлиси бўлиб, у икки палата – 110 депутатдан иборат бўлган Вакиллар палатаси ва 64 депутатдан иборат бўлган Республика Кенгашидан иборат. Миллат мажлисининг ваколат муддати 4 йил. Ижро этувчи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги хукумат – Вазирлар Кенгаши амалга оширади. Бош вазирни Вакиллар палатасининг розилиги биланн президент тайинлайди.

Беларусь ташқи иқтисодиётида МДҲ ва Шарқий Европа мамлакакатларига тўғри келади. Ушбу мамлакатларга Беларусь саноат ва қишлоқ хўжалиги махсулотларини экспорт қилиш билан бирга, мамлакат ички эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган маҳсулотларни айнан шу мамлакатлардан импорт қилади.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонда ҳам, Беларусда ҳам иқтисодий ислоҳотлар ва янгиланишлар, давлат ва жамият бошқарувини демократлаштириш жараёнлари тизимли ва самарали амалга ошириш бошланди. Ёш ва мустақил Ўзбекистон учун яқин, дўстона ҳамкорлик анъаналарига эга бўлган Беларуснинг бугунгача босиб ўтган ривожланиш йўли, демократик тамойилларнинг қарор топиши ва мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш, бозор инфратузилмасини шакллантириш борасидаги тажрибаси ниҳоятда қимматли ва фойдалидир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистоннинг Беларусь билан кўп томонлама ҳамкорлик ўрнатишга ва уни мустаҳкамлашга бўлган интилиши асослидир.

Ўзбекистон ва Беларусь ўзаро дўстона ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантиришни

қўллаб-қувватлашдан манфаатдор бўлгани ҳолда, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга киришдилар.

Ўзбекистон Беларусь билан мустақилликнинг бошлариданоқ ҳамкорлик муносабатларига асос солди. Бинобарин, Беларусь Республикасининг Олий Кенгаши раиси С.Шушкевичнинг 1991 йил 6 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасига расмий давлат ташрифида “Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида”ги шартнома имзоланди[3]. Бу шартномани имзолашда Ўзбекистоннинг 1990 йил 20 июндаги “Мустақиллик декларацияси”, 1991 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигининг асослари тўғрисидаги”ги қонун, шунингдек, Беларусь Олий Кенгаши томонидан 1990 йил 27 июлда қабул қилинган “Беларусь Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларация” ва 1991 йил 25 августдаги “Беларусь Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларациясининг конституциявий холати тўғрисида”ги қонуни асос қилиб олинди.

Икки мамлакат дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга интилиб, ўзаро манфаатларига жавоб берадиган келишувни имзоладилар. Шарномада Ўзбекистон ва Беларусь давлатлараро муносабаларнинг суверен тенглик, ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатишдан бош тортиш, иқтисодий ва бошқа босим усуллари, бахсли ва бошқа муаммоларни муросага келтириш, шунингдек, халқаро миқёсда тан олинган принциплар ва нормалар асосида ривожлантириш зарурлигини акс эттирдилар. Шартномада икки мамлакатда истиқомат қилаётган халқларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлини танлаш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш белгилаб қўйилди.

Давлатлар ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш истагини билдирган ҳолда, ўзаро муносабатларни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чуқур ҳурмат қилган ҳолда ривожлантиришга ишонч билдиришди.

Икки мамлакат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига, Хелсинки Якуний Актига, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка оид бошқа ҳужжатларнинг мақсад ва принципларига содиқ ҳолда ҳамкорлик ва шартномаларни тузишга келишиб олишди. Чунки, юқоридаги халқаро ҳужжатларда давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатларда томонларнинг тенгҳуқуқлилигини, суверенитетини кафолатлайди.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон ва Беларусь томони ўзаро муносабатларни мустаҳкам, кенг кўламли ва абадий олиб бориш мақсадида 1991 йилнинг 6 ноябрида “Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма ҳукуматлараро комиссия тузиш тўғрисида”ги шартномани имзоладилар [4].

Шартнома Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик тамойиллари ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга интилиб, мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма ҳукуматлараро комиссия тузишга келишиб олдилар. [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикаси ва ҳорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар)нинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўрисида” ПҚ-4331 сонли қарорига мувофик [6], Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида тузилган ҳукуматлараро комиссиянинг фаолиятини жонланишига ва икки давлат ўртасида тузилган шартномаларнинг амалда ўз ижросини топишига катта хисса қўшмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон ва Беларусь давлат идоралари ўртасида ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори кўпинча икки давлат раҳбарларининг расмий давлат ташрфларида, турли ташкилотлар доирасидаги учрашувларда шаклланган. Жумладан, 1994 йил 21-22 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг таклифига биноан Беларусь Республикасининг Президенти Александр Лукашенко расмий ташриф билан Тошкентда бўлди. Ушбу ташриф давомида давлатлараро, ҳукуматлараро, ҳамда ҳар икки давлат вазирлик ва идоралари ўртасида 18 та ҳужжат имзоланди [7]. Ушбу шартномалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-“Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақидаги битим”.

- “Ўзбекистон ва Беларусь Республикалари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида”ги битим.

- “Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси ўртасида ўзаро эквивалент асосида маҳсулот етказиб бериш тўғрисида”ги битим.

- Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси халқлари ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилиб, икки мамлакат ўртасида санъат ва маданият соҳасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди [8].

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Беларусь Республикаси ҳукумати ўртасида “Икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва мол-мулкка солинадиган солиқларни тўлашдан бош тортиш ҳолатлари олдини олиш тўғрисидаги битим”, “Ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида”, “Ҳаво транспорти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим”, “Юк ташиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим”, “Сертификатлаш, стандартлаштириш ва метрология соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим”, “Даромад ва мулк солиғига нисбатан икки томонлама солиқ тўлашни олдини олиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қарши туриш тўғрисида”, “Халқаро автомобиль транспорти ҳақида”, “Нотижорий тўловлар тўғрисида”ги битим ва шартномалар имзоланди [9].

- Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ва Беларусь Республикаси Давлат Божҳона қўмитаси ўртасида “Божхона ҳужжатлари ва таърифларини ўзаро тан олиш тўғрисида”, “Божҳона ҳуқуқбузарликлари ва ноқонуний товар айланмасига биргаликда қарши кураш тўғрисида”, “Қурол-яроғ, ўқдорилар, портловчи моддалар, наркотик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига биргаликда қарши кураш тўғрисида”, Маданий бойликларни ноқонуний олиб кириш ва экспорт қилишга биргаликда қарши курашиш тўғрисида” битимлар имзоланган.

2018 йилнинг 12 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларусь Республикасининг Президенти Александр Лукашенко расмий ташриф билан Ўзбекистонга ташрифида ҳам икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун янги келишув ва шартномаларга эришилди [10].

2019 йил 31 июль куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мизиёев Беларусь Республикаси Президенти таклифига биноан ушбу мамлакатга келди. Ушбу ташриф натижасида икки давлат ўртасидаги битим ва шарномаларни амалга тадбиқ этишни самарали йўлга қўйиш мақсадида “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида 11 та ҳужжат имзоланди. Улар ишлаб чиқариш ва илмий-техник кооперация, ҳудудлараро ва инвестициявий ҳамкорлик, таълим, оммавий ахборот воситалари, наширёт ва полиграфия фаолияти, ахборот коммуникация технологиялари, божхона ва бошқа соҳаларга таалуқлидир [11].

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги алоқаларни шаклланиши ва ривожланишига ҳамда ҳуқуқий пойдеворини қуришда икки давлатнинг қонун чиқарувчи органларининг ҳам ўрни бор. Жумладан, 2018 йилнинг 14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Беларусь Республикаси Миллий мажлиси Республика Кенгаши ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум имзоланди. Шу йилнинг 14 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Беларусь Республикаси Миллий мажлиси ўртасида мунтазам равишда ҳудудлар форумини ўтказиш бўйича меморандум имзоланди. 2018 йил 24 ноябрь куни икки давлат қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари, бизнес вакиллари ва тадбиркорлар ўртасида ҳамкорлик учун шарт-шароитлар яратиш тўғрисида меморандум имзоланди.

**4.Хулосалар:**

Ўзбекистон ўз суверенитетига эришиши мустақил дипломатик алоқаларни олиб бориш ва ташқи сиёсат юритишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва амалга ошириш масаласини кун тартибига қўйди. Шунингдек, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ тўғри йўналтирилган, халқаро ҳуқуқ нормаларига оғишмай амал қиладиган, кенг кўламли

ташқи сиёсатни амалга ошира бошлади. Бу жиҳатлар Ўзбекистонга тенг ҳуқуқли давлат сифатида халқаро майдонга тезлик билан кириб, ўз ўрнини топишга имкон берди.

Ўзбекистон халқаро муносабатларда хорижий давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали ҳамкорликни ўрнатишни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олди. Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь ўртасидаги муносабатларининг ҳуқуқий асоси шаклланишида ҳам ўз ифодасини топди, бу эса Ўзбекистон билан Беларусь ўртасида иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратди.

Беларусь Республикаси Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги асосий ҳамкори сифатида қарайди. 2017 йилдан бошланган республикамизда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий islоҳотлар, демократик янгиланишлар жараёни, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг амалга тадбиқ қилинаётганлиги ва бунинг натижасида мамлакатда иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, қонун устуворлигига асосланган ҳукуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда, чуқур ўйланган, прагматик ички ва ташқи сиёсат ва буни амалга ошириш йўлида юзага келаётган қийинчиликларни оғишмай енгиб ўтаётганлиги Беларусь ҳукумати вакиллари, ишбилармон доиралари, инвестор ва тадқиқотчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришга Беларусь томони ҳам катта қизиқиш билан қарамоқда. Бунинг қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан – Беларусь Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ишига қўшаётган улкан ҳиссасини эътироф этган ҳолда мамлакатимизни минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги асосий ҳамкорларидан бири деб билади;

Иккинчидан – Марказий Осиё мамлакатларининг муштарак манфаатлари жуда кўп ва улар дўстона алоқаларга асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Беларусь минтақадаги давлатларнинг ўзаро дўстлиги ва сиёсий барқарорлигидан манфаатдор бўлиб, республикамизнинг халқаро терроризм, диний экстремизм ва фундаментализмга қарши позицияси кўп жиҳатдан минтақада геосиёсий мувозанатнинг сақланишини қўллб-қувватлайди;

Учинчидан – Ўзбекистон Беларусни ташқи иқтисодий фаолият ва инвестициявий сиёсати нуқтаи назаридан ҳам қизиқтиради. Истиқболли иқтисодий салоҳиятга ва табиий-хомашё ресурсларига бой бўлган Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларига инвестициялар киритиш ҳамда республикамизда қўшма корхоналарни ташкил этиш Беларуснинг иқтисодий ҳамкорлик сиёсатига ҳам мувофиқ келади.

**Иқтибослар / Сноски / References:**


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент, 2019 LexUZ (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. T. 2019 LexUZ)
2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 16.( Mirziyoev Sh. We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level. Volume 1 - T .: Uzbekistan, 2017. - p. 16.)
3. Халқ сўзи. №18. 1991 йил 8 ноябрь. 1-бет (The word of the people. №18. November 8, 1991. Page 1)
4. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2007 й., 2-3-сон. 28 бет.( Collection of international agreements of the Republic of Uzbekistan, 2007, No. 2-3. 28 pages.)
5. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссияларнинг Ўзбекистонга оид қисмлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4331 сонли қарори // ҚҲММБ: 07/19/4331/3176-сон 24.05.2019 й. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-4331 on measures to further improve the activities of the Uzbek parts of the intergovernmental commissions on bilateral cooperation between the Republic of Uzbekistan and foreign countries // NDPL No.

07/19/4331/3176 dated 24.05.2019)

6. Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Т.: 2005, 400-бет. (Usmonov Q., Sodiqov M. History of Uzbekistan. Textbook. T .: 2005, p.400.)

7. Договор между Республикой Беларусь и Республикой Узбекистан о сотрудничестве в области культуры и искусства. // ЭТАЛОН. Международные договоры / Нац. центр правовой информ. Респ. Беларусь. – Минск, 2018.( Agreement between the Republic of Belarus and the Republic of Uzbekistan on cooperation in the field of culture and art. // STANDARD. International treaties / Nat. center of legal inform. Rep. Belarus. - Minsk, 2018.)

8. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2007 й., 2-3-сон. 69 бет.( Collection of international agreements of the Republic of Uzbekistan, 2007, No. 2-3. 69 pages.)

9. Протокол о консультациях между Министерством иностранных дел Республики Беларусь и Министерством иностранных дел Республики Узбекистан [подписан в г. Ташкенте 21.12.1994 г.] // ЭТАЛОН. Международные договоры / Нац. центр правовой информ. Респ. Беларусь. – Минск, 2018.( Protocol on consultations between the Ministry of Foreign Affairs of the Republic of Belarus and the Ministry of Foreign Affairs of the Republic of Uzbekistan [signed in Tashkent on 21.12.1994] // ETALON. International treaties / Nat. center of legal inform. Rep. Belarus. - Minsk, 2018.)

10. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон. 2019. – 219 б. (Mirziyoev Sh. The work of a nation with a great intention will also be great, its life will be bright and its future will be prosperous. - Tashkent: Uzbekistan. 2019. - 219 p.)

11. Халқ сўзи № 121. 2018 йил 14 июнь. 1-бет. (People’s Speech № 121. June 14, 2018. Page 1)

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲАТЛАРИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

**Шухрат Тошкентович Боймуродов,**
Қариш мухандислик иқтисодиёт
институти доценти

**For citation:** Shukhrat T. Boymurodov, REFORMS IN THE FIELD OF SECONDARY SPECIAL EDUCATION IN UZBEKISTAN AND ITS IMPORTANCE. Look to the past. 2021, vol. 3, issue 4, (30-36) pp.

DOI 10.26739/2181-9599-2021-3-5

### АННОТАЦИЯ

XX асрнинг иккинчи ярмида таълим тизими жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолганлиги. Бу аҳволни тубдан ўзгартириш Ўзбекистонда ўрта махсус таълими, тизимидаги ўзгаришлар, республикада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва бозор иқтисодиёти талаблари таълим муассасаларининг хуқуқий асосларининг ташкил этилиши, Таълим ислоҳатларининг жадаллашиши бу йўналишда изчиллик ва узликсизликни таъминлашга хизмат қиладиган янги қонун, кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш, таълим тизимини ислоҳ масалалари таҳлил қилинди

**Калит сўзлар:** ўрта буғин, ўрта махсус таълими, касб-ҳунарга ўқитиш, педагогик кадрлар, таълим ислоҳатлар, таълим тағрисида”ги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, кичик мутахассис.

---

## РЕФОРМЫ В ОБЛАСТИ СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ И ЕЕ ЗНАЧЕНИЕ

**Шухрат Тошкентович Боймуродов,**
старший преподаватель Каршинского
инженерно-экономического института,

### АННОТАЦИЯ

Во второй половине XX века система образования была отделена от прогрессивных достижений мировой цивилизации и исторических корней нашего народа. Проанализированы радикальные изменения в системе среднего специального образования в Узбекистане, изменения в системе, демократические изменения в стране и требования рыночной экономики, создание правовой базы для образовательных учреждений, вопросы ускорения образовательных реформ.

**Ключевые слова:** среднее образование, среднее специальное образование, профессиональная подготовка, учителя, реформа образования, закон об образовании, национальная программа обучения, младший специалист.

# REFORMS IN THE FIELD OF SECONDARY SPECIAL EDUCATION IN UZBEKISTAN AND ITS IMPORTANCE

**Shukhrat T. Boymurodov,**
senior lecturer at Karshi Engineering and
Economic Institute,

**ABSTRACT**

In the second half of the twentieth century, the education system was separated from the progressive achievements of world civilization and the historical roots of our people. Radical changes in the system of secondary special education in Uzbekistan, changes in the system, democratic changes in the country and the requirements of a market economy, the creation of a legal framework for educational institutions, the acceleration of educational reforms issues were analyzed

**Index Terms:** Secondary Education, Secondary Special Education, Vocational Training, Teachers, Education Reform, Education Law, National Training Program, Junior Specialist.

---

**1. Долзарблиги:**

Ўтган асрнинг 90 - йилларидан мамлакат ёшларининг тақдирига катта эътибор қаратила бошлади. Чунки, хар қандай давлатнинг эртаси келажак авлодга боғлиқ масала ҳисобланади. XX асрнинг иккинчи ярмида таълим тизими жахон цивилизацисиянинг илғор ютуқлари ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди. Бу аҳволни тубдан ўзгартириш халқимизнинг интеллектуал бойликларини, жаҳон фани ва маданиятининг ютуқларини ўзига сингдириб оладиган янги авлодни камол топтириш керак эди.

Ўзбекистон Республикасига мустамлакачиликнинг ғайри кўзи билан қаралиб, ўзбек ёшларининг миллий билимлилик ва комиллик даражаларини “қўлда бошқарув” тактикаси билан, кетмон сиёсатига боғлаб ташлаш, унинг ривожланиш даражаларига охирги масала сифатида қараш ортида мамлакатимиз мустақилликка эришган бир даврда, ўрта махсус таълимида совет тузумидан меърос қолган, қолоқлик моддий техникавий базанинг ўта қашшоқлиги ўқитувчиларнинг аксарияти рус ва рус тилида сўзлашувчи миллат вакилларидан таркиб топганлиги ўқиш жараёнларининг асосий қисми пахта далаларида коллектив тарбиявий мехнат шиори остида утказилиши, умумий ўрта таълим мактабларидаги 8-9 синфларда ўқиётган, мактаб раҳбарияти томонидан маънавий талабга жавоб бермайдиган, деб ҳисобланган “ноқобил” ўқувчилар мактабдан ўрта махсус таълим билим юртига мажбуран ҳайдаб юборилар ва бундан ўрта махсус касб ҳунар таълим муассасаси ўзига хос “лагер” мақомини утар эди. Жамият ўрта таълим ўқитувчилари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими ўқитувчиларига ўзларига нисбатан поғонада анча паст, иккинчи даражали категория сифатида кўрар эди.

**2. Методлар:**

Мақолада Ўзбекистонда ўрта махсус таълим соҳасидаги ислоҳотлари ва унинг аҳамияти қабул қилинган тарихий ва социологик методлар – тизимли таҳлил, қиёсий-тарихий, тузилмавий, функционал ёндашув, қиёсий-мантиқийлик, таҳлилий, кетма-кетлик, холислик, объективлик тамойиллари асосида ёритилган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Ўрта буғин кадрларни тайёрлаш тизимида ҳам ўзгаришлар қилнишини тақозо этарди натижада “Ҳунар-техника таьлим тизмини янада такомиллаштириш тўғрисида”(1971й) “Ҳунар-техника таьлими тизимида ўқувчилар таьлим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги (1973) қарорлари қабул қилинди. 1984 йилга келиб-ҳунар таьлими ислоҳоти эьлон қилинди. 1990 йилда Республикада 477 та ҳунар-техника билим юртлари фаолият юритаётган бўлсада, уларда республикамизнинг миллий манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожи тулиқ эътиборга олинмаган эди.

1991 йилда мавжуд база асосида 9 та олий ўқув юрти шу жумладан Ўзбекистон олий ва Ўрта махсус таълим вазрлиги тасарруфида 3 та, дорулфунун, 4та умумтехника факълтети худди шунегдек олий ўқув юртлари ва техникумлар бозор иқтисоди шароити учун зарур бўлган қатор мтахассисликлар очилди. Жумладан техникумларда кадрлар тайёрлашнинг

таркиби яхшиланиб 26 та ўқув юртида 15 та мутахассислик шу жумладан 6 та техникумда 0108-“Тижоратни ташкил этиш” мутахассилиги бўйича кадрлар тайёрлаш бошланди[1]. XX-асрнинг иккинчи ярмида таълим тизими жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди. Бу аҳволни тубдан ўзгартириш халқимизнинг ақлий бойликларини, жаҳон фани ва маданиятининг ютуқларини ўзига сингдириб оладиган янги авлодни камол топтириш керак эди.

Ўрта махсус ўқув юртлари бошқармаси томанидан ўқув юрти тайёрланадиган мутахассисларга талаб ва улардан фойдаланиш масаласи, ўқув-моддий базаси ва педагогик ходимлари билан таъминланганлиги ўрганиб чиқилди. Масалан, 1991 йилда қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари бошқармаси Олий таълим вазирлиги билан маслахатлашмай 17 та юртида 7 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлай бошлади [2]. Ўзбекбирлашувга қарашли Андижон матлубот техникуми, Ленинск совет савдоси техникумидан 15км узоқликда жойлашган бўлиб, ўқув-моддий ва услубий базаси бўлмаганлиги холда 2 йил мабойнида ўқувчилар қабул қилган. Бундай далилар Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида яъни Тошкент вилоятида 4 та тиббиёт билим юрти бўла туриб, соғлиқни сақлаш вазирлиги 1990 йили Олмалиқ шаҳрида Ангрен тиббиёт билим юртини филиални, 1992 йил январ ойида эса уни ўқув-моддий базаси ва педогогик ходимлари билан таъминламай туриб янги тиббиёт билим юртини очиш тўғрисида буйруқ чиқарди. Юқорида кўрсатилган даллиллар шуни кўрсатдики, янги мутахассисликлар ёки ўқув юртларини очиш мутахассисларга эхтиёжни аниқламай, Республикадаги оғир иқтисодий вазиятда, хамда мутахассислар тайёрлаш сифатига путур етказади. Ўзбекбирлашув ва Қишлоқ хўжалик вазирлиги ўқув юртлари бошқармалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги Маданият вазирлиги тасаруфидаги ўрта махсус ўқув юртларини фаолиятга салбий таъсир кўрсади.

Таълим тизими соҳасида ўтказилган ислоҳотни иккита йирик босқичга бўлиш мумкин биринчи босқич 1991-1997 йиллар, иккинчи босқич (1997 кейинги даврларга ажратиш мумкин[3] Таълим ислоҳатларининг жадаллашиши бу йўналишда изчиллик ва узликсизликни таъминлашга хизмат қиладиган янги қонунга эҳтиёж сезила бошлади. Юқоридагиларни инобатга олиб хукуматимиз томонидан 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Бу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда таълим тизимини мустақиллик шароитига мослаб тубдан ўзгартиришга замин ҳозирлайди.

Бозор муносабатларининг шаклланиши ҳунар билим юртлари билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўзгартиришни тақозо этди. Натижада 1992 йилда республика ҳунар-техника таълимини ривожлантириш- нинг янги концепцияси ишлаб чиқилди, таълим тарбия жараёнидаги иш услубларининг айримлари ҳамон эскича давом этаётган эди. Айниқса касб-ҳунар таълими соҳасидаги фаолиятда ўзгаришлар деярли йўқ эди. Шунинг учун таълим тўғрисидаги қонун таълим тизимини ислоҳ қилишнинг амалий чора тадбирлари, таълим тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш яъни узлуксизликни таъминлаш муаммоларини бартараф эта олмади.

Натижада республикада ҳунар техника таълимини янада такомиллаштириш ва таълимнинг узлуксизлигини таминлаш мақсадида 1994 йилда “Ҳунар техника таълимини ривожлантиришнинг 1994-1999 йилларга мўлжалланган дастури ” ишлаб чиқилди. Бу ҳол ёшларни турли касб ва ҳунар ўргатишга бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош кичик мутахассис кадрларни тайёрлашнинг ҳуқуқий асосининг яратилишига туртки бўлди.

1995 йили қатор олий таълим муассасаларида бизнес мактаблари очилди. Масалан, 1995 йил 29 августдаги 18-сонили буйруғига мувофиқ Карши Муҳандислик иқтисодиёти институти қошида бизнес мактаби ташкил этилди. Шу турдаги мактаб 1997 йил июль ойида Қарши Давлат университети қошида ҳам очилди. Тинчлик корпуси вакилларидан Тод Миллер, Ян Смит ва Керри Дрессер, Карлсон Дуай бизнес мактабида талабаларга билим берди. 1997 йилда БМТ нинг Ўзбекистондаги вакалотхонасининг бошлиғи Холид Малик Қарши Давлат университетида бўлиб, бизнес мактаб фаолияти билан танишди [4].

Истиқлолнинг дастлабки йилларида касб-ҳунар таълими советларнинг чекланган таълим тизимидан янги ижордкорликка асосланган, таълим мазмуни миллийлашган йўналишларга ўтаётган бўлса, Ўзбекистон таълим тизими эса советларнинг инқирозга юз тутган тизимидан кенг куламдаги педагогик тажрибалар асосида тубдан ўзгараётган ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга киришаётган тизимга ўта бошлади.

Бироқ ўрта касб хунар таълими тизимидаги мавжуд муаммолар катта хажмдаги маблағни, таълимнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилишини унинг жамиятимизни устивор йўналишга айланишини талаб қилаётган эди. Таълим ислоҳотларининг жадаллашуви бу йўналишда изчиллик ҳамда узликсизликни таминлашга хизмат қиладиган янги қонун қабул қилинишни тақозо этаётган бир вақтда 1997 йил 10 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида” қарор қабул қилди.

1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида “Таълим тағрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури қабул қилинди. Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёт соҳасида устивор деб белгиланиши миллий тажрибанинг таҳлили ва ушбу тизимдаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак маънавият эга, умумий ва касб-ҳунар маданиятига асосланган ижтимоий – сиёсий ҳаётда мустақил фикр юрита оладиган жамиятнинг барча соҳаларидаги муаммолрини таҳлил ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилди. Бу дастурни қабул қилиб уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан халос этиш, Ривожланган мамлакатлар даражасида юксак малакали кадрлар тайёрлаш миллий таълим тизимини яратилишга ҳуқуқий замин яратди. Шу йилнинг 6 октябрдаги “Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркомол авлодни тарбиялаш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони натижаси ўлароқ, яқин келажакда соғлом ва баркамол авлод сафларимизга дадил кириб кела бошлади. Бошқача айтганда, истиқлол йилларида ёшларимиз ўзини амалда номоён этишлари учун имкониятлар кенгайди. Буларнинг барчаси таълим тарбия тизимидаги ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилаётгани ва хаётимизда янги таълим моделининг кучли самарасига эришаётганимизнинг ўзига хос далолатидир. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бўлган узлуксиз таълим тизимига киритилган уч йиллик ўрта махсус таълимининг жорий этилиши том маънодаги янгиликдир.

Миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этилиши Республикада ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожланишига олиб келди. «Академик лицейлар ва касб- ҳунар коллежларии ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги[5] қарор Ўзбекистон таълим тизимидаги Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини қайтадан куриб чиқиш ва такомиллаштириш учун имконият яратиб берди. Натижада Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ташкил этилдики, бу ўрта буғин соҳасидаги ташкилий масалаларга ҳам ўзгартиршлар киритшга асос бўлди. “Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг ташкил бўлиш, «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 13 майдаги қарори асосида мамлакатимизда янги типдаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш вазифаларини босқичма –босқич амалга ошириш имкониятлари кенгайди. Академик лицейлар, асосан олий таълим муассасалари ҳузурида ишлаб турган ўрта махсус ўқув юртлари ва янгидан ташкил этиш ҳисобига, касб-ҳунар коллежлари ишлаб турган ўрта махсус ҳунар–техника билим юртлари ва уларга тенглаштирилган таълим муассасалари негизида ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб- ҳунар коллежларии ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарори

касб-ҳунар коллежлари, демократияга, эркинликка асосланган янги ноанъанавий устуворликлар ва қоидалар,таълим тизимида инсонпарварлик, миллий қадриятлар ва бошқа кўп нарсалар аниқланди.тўққиз йиллик умумий таълим мактабида ўқиганидан сўнг, ўқувчилар қонун билан киритилган кейинги уч йилни ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик литсейларда ўқиш билан ўтказди,бу эрда уларнинг ҳар бири лабоуда талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касбий тайёргарликни олди[6].

Ёшларни касб-хунарга ўргатиш, таълим узликсизлигини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кутарилиши янгидан ташкил этилган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини моддий –техник базасини яхшилаш мақсадида ҳам ҳукумат томонидан кенг имкониятлар яратиб берилди. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 23 сентябрда “1999-2005 йилларда Академик лицей, касб –ҳунар коллежларининг моддий –техник базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида”ги қарори республикадаги янги кўринишдаги ўқув муассасаларини

моддий аҳволининг яхшиланишига олиб боришга туртки бўлди. Шуни таъкидлаш кераки дастур қабул қилингандан сўнг ҳар йили Мамлакатимизда янги типдаги касб-ҳунар таълим муассасаларининг қурилаётгани ва уларнинг ҳар бирига катта миқдордаги маблағларнинг сарфланиши, иккинчидан республика ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ажратилиши билан чегараланиб қолмай, давлат томонидан кафолатланган энг нуфизли чет эл грантлари ёки имтиёзли кредитлар асосида қишлоқ хўжалиги, қурилиш, майиший хизмат, саноат ва ахборат техналогиялари соҳасидаги таълим муассасаларининг замонавий ускуналар ва мини технологик линиялар билан жихозланиши том маънода ўрта махсус касб- ҳунар таълимини ривожланиши учун шарт- шароитлар яратиб берилган десак бўлади.

Мамлакатимизда 1998-2008 йиллар мобайнида 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-хунар коллежи бунёд этилгани, реконструкция килингани ва замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари билан таьминланганини, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таьлим тизимида 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб буйича профессионал таьлим олган ва замонавий ва фикрлаш салохиятига эга булган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрланган[7].

Юқорида айтиб ўтканимиздек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўзига хос томони шундаки, унда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларнинг ҳар бир худудда ҳатто чекка туманларда ҳам барпо этилиши ҳамда худудларининг ўзига хос географик ва этник хусусиятлари уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб уларда касб-ҳунар эгаллашни таъминлаш вазифаси белгиланган эди. Бироқ мамлакат таълим тизимидаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, кадрлар тайёрлаш жараёни республикада амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермас эди. Бунинг устига таълим муассасаларининг сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материаллар билан тўлиқ таъмин этилмаганлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги юқори малакали рақобатбардош кадрларга бўлган талабни қондириш имкониятини бермаётган эди. Касб-ҳунар коллежлари, афсуски, аксарият ҳолларда реал талаб бўлмаган касблар бўйича қуруқ диплом берадиган даргоҳга айланиб қолди [8].

Академик лицейларнинг фаолиятини улар жойлашган ҳудуднинг демографик, иқтисодий ва бошқа омилларини ҳамда битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш натижалари нуктаи назаридан олиб борилган таҳлиллар бу соҳадаги ишларнинг қониқарли эмаслигини кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтга келиб академик лицейлар сонини оптималлаштириш, улардаги таълим сифатини ошириш ва мазмунини янгилаш, уларни битириб чиқаётган ёшларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичларини тубдан яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлди

Натижада 2017 йил мобайнида қабул қилинган қарорлар билан иқтисодиётнинг тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш мақсадида бир қатор касб-ҳунар коллежлари тармоқ вазирлик ва қўмиталарига бириктирилди. Хусусан, жорий йилнинг 1 август ҳолатига 132 та коллеж Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, 27 та коллеж Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига, 29 таси ҳарбий таълим муассасаларига кадр тайёрлаш учун Мудофаа вазирлигига, 5 та коллеж Ёнғин хавфсизлиги тизимига, 4 та коллеж Фавқулотда вазиятлар вазирлигига, 14 та коллеж Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига, 4 та коллеж Автомобиль йўллари қўмитасига, 6 та коллеж Давлат геология қўмитасига бириктирилди[9].

12 та академик лицей ва 2 та касб-ҳунар коллежлари Ички ишлар вазирлиги тасарруфига берилди Янги ташкил этилган эркин иқтисодий ҳудудлар Ғиждувон, Ургут, Ҳазорасп, Қўқон учун 1 тадан, жами 4 та коллеж истиқболда зарур бўладиган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида бириктирилди.

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида 10-11-синфлар жорий этилиши, контингент қисқариши муносабати билан 7 та коллеж ва академик лицейлар негизида янги 3 та олий таълим муассасалари филиали ва 1 та Олий таълим муассасаси ташкил этилди Бухорода Ирригация институти, Термизда Тошкент аграр ва техника университетлари филиаллари, Чирчиқда Тошкент вилояти педагогика институти, Олмалиқда Техника университети ва Қўқонда маданият институти филиали, Тошкент шаҳрида жойлашган матбаа йўналишидаги 2 та касб-ҳунар коллежи бирлаштирилиб, Чилонзор матбаа касб-ҳунар коллежи биносида Таълим сифатини назорат қилувчи инспекция ташкил этилди. Жами **1429** та касб-ҳунар коллежлари, **37** та коллеж филиаллари вазирлик, идоралардан касб-ҳунар

коллежларини тасарруфига олиш юзасидан таклифлари берилди. Натижада, **260** та касб-ҳунар коллежларини **41** та вазирлик ва идоралар тасарруфида қолдириш, **39** та касб-ҳунар коллежларини ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга айлантириш ва қолган **1130** та касб-ҳунар коллежлари ва **37** та коллеж филиалларини[10] ўқув ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида ёки умумтаълим мактаби, олий таълим муассасасига қўшимча қувват сифатида берилиши юзасидан таклиф тайёрланди.

**4. Хулосалар:**

1. Кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш ва, энг муҳими, таълим тизимини ислоҳ қилишда энг мақбўл, шароитимизга мос келадиган йўлни танлашимиз кун тартибидаги долзарб вазифалардан бири эди. Бунда таълим соҳасидаги мавжуд ҳолатни, эришилган даражани нафақат сақлаб қолиш, балки уни модернизациялаш бош вазифалардан бири ҳисобланар эди. Натижада, ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларида, жумладан, таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам ислоҳотлар жараёни чуқурлашди.

2.Бутун мамлакат миқёсида таълим тарбия, илм фан, касб-ҳунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга кўрсатиб утилган сабабларга кўра ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Ислоҳатларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда, кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғли жавоб беришига боғлиқ эди.

3.Мустақил мамлакатнинг бугуни ва келажаги муайян маънода мамлакат таълим тизимининг қай даражада ривож топгани билан белгиланади. Зеро ватан тараққиёти, миллат истиқболи ёшлар камоли билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик жамият кўриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир янги авлод кадрларни тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир охирги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратиши шубҳасиздир.

**Иқтибослар / Сноски / References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус таълим вазирлиги ишнинг якунлари ҳамда 1992 йилдаги вазифалари хақида -Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус таълим вазрлиги коллегия қарори 31 январь // ЎзМА 2653-фонд, 1-руйхат, 6460-йиғма жилд, 17-варақ (On the results of the work of the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan and the tasks for 1992 - Resolution of the Board of the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan January 31 /UzNA Fund 2653, List 1, Collection 6460, Page 17)

2. Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус ўқув юртларининг 1991 йилдаги шаҳодатлаш якунлари хақида - 2653-фонд, 1-руйхат, 6460-йиғма жилд, 53-варақ (On the results of certification of secondary special educational institutions of the Republic of Uzbekistan in 1991 - UzNA Fund 2653, List 1, Collection 6460, Page 53).

3. Эргашева Ю.А. Формирование национальной модели образования в узбекистане за годы независимости // Alma mater вестник высшей школы М.,2017 г № 9 сентябрь 86-87 ст. (Ergasheva Yu.A. Formation of national models of education in Uzbekistan for the years of independence // Alma mater vestnik vysshey shkolы M., 2017 g № 9 September 86-87 st.)

4. Boymuradov Sh.T. Cooperation of foreign countries in the sphere of secondary special education of the early years of independence in uzbekistan // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. 91p.

5. Ergasheva Y.A. Historical Stages Of Innovative processes In Higher Education Of Uzbekistan\\Solid State Technology Volume 63 Issue:6 Publication Year: 2020.

6. Каримов И.А.«Инсон манфаатлари устуворлигини таьминлаш - барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош максадидир» мавзусидаги маърузаси 2008 йил 8 февраль (I.A.Karimov’s report “Ensuring the priority of human interests is the main goal of all our reforms and changes” February 8, 2008).

7. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 2018 йил (Shavkat Mirziyoyev’s speech at the solemn ceremony dedicated to the 26th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan in 2018)

8. ЎзР ЎМКҲТМ жорий архиви Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимида 2017 йил якунлари бўйича амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида маълумот. 9-бет.( Information on the results of the work carried out in the system of the Center for Secondary Special, Vocational Education of the current archive of the Ministry of Education and Science of the Republic of Uzbekistan on the results of 2017 page 9)

9. ЎзР ЎМКҲТМ жорий архиви Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимида 2017 йил якунлари бўйича амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида маълумот. (Information on the results of the work carried out in the system of the Center for Secondary Special, Vocational Education of the current archive of the Ministry of Education and Science of the Republic of Uzbekistan for 2017)

10. ВМ 1998 йил 24 февраль «Академик лицейлар ва касб- ҳунар коллежларии ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарори (Resolution of the Cabinet of Ministers of February 24, 1998 “On the establishment and management of academic lyceums and professional colleges”)

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

# TURKISTON HARBIY OKRUGI TASHKIL ETILISHI ARAFASIDA O‘RTA OSIYO DAVLATLARIDA HARBIY SOHA

**Ihtiyor Boxodir o‘g‘li Boxodirov,**
O‘zbekiston Milliy universiteti
Tarix fakulteti "O‘zbekiston tarixi"
kafedrasi doktoranti

**For citation:** Ihtiyor B. Bokhodirov, MILITARY FIELD IN CENTRAL ASIAN COUNTRIES ON THE EVE OF TURKESTAN MILITARY DISTRICT. Look to the past. 2021, vol. 3, issue 4, (37-49) pp.

DOI 10.26739/2181-9599-2021-3-6

## ANNOTATSIYA

Maqolada XIX asrda O‘rta Osiyo davlatlari Buxoro amirligi, Xiva va Qo‘qon xonliklaridagi harbiy sohadagi vaziyat, bu davlatlarning qurollanish usullari, harbiy-mamuriy boshqaruv tizimi va mohiyatiga to‘xtalgan. Bu davrda O‘rta Osiyo davlatlarining harbiy qurollanish va harbiy taktika sohasida rivojlangan dunyo mamlakatlaridan ortda qolib ketganligi arxiv malumotlari va muhim manbalar asosida yoritib berilgan.

**Kalit so‘zlar:** muntazam qo‘shin, nomuntazam armiya, askariya, navkariya, to‘pchiboshi, mingboshi, qoracherik, to‘fang, ellikboshi, dahboshi, qorovulbegi, jibachi.

# ВОЕННАЯ СФЕРА В СТРАНАХ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ НАКАНУНЕ ТУРКЕСТАНСКОГО ВОЕННОГО ОКРУГА

**Ихтиёр Боходир ўғли Боходиров**
докторант кафедры Истории Узбекистана
Исторического факультета
Национального университета Узбекистана

## АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается военная обстановка в Бухарском эмирате, Хивинском и Кокандском ханствах в XIX веке, способы вооружения этих государств, система и сущность военно-административного управления. В этот период, согласно архивным данным и важным рукописным источникам, государства Центральной Азии отставали от развитого мира по военным вооружениям и военной тактике.

**Ключевые слова**: регулярная армия, нерегулярная армия, тупчибаши, мингбаши, кара-черик, туфанг, элликбаши, дахбаши, караулбеги, джибачи.

# MILITARY FIELD IN CENTRAL ASIAN COUNTRIES ON THE EVE OF TURKESTAN MILITARY DISTRICT

**Ihtiyor B. Bokhodirov,**
Doctoral student of the "Department of History of Uzbekistan"
Faculty of History National University of Uzbekistan

**ABSTRACT**

The article focuses on the military situation in the Bukhara Emirate, Khiva and Kokand khanates of the Central Asian states in the XIX century, their methods of armament, the system and essence of military-administrative management. During this period, Central Asian countries lagged behind the developed world in terms of military armaments and military tactics, according to archival and important sources. The article notes the reforms implemented by some heads of state in the 19th century in order to preserve the country's independence and territorial integrity in the face of growing internal and external threats.

**Index Terms:** regular army, irregular army, askarya, navkariya, to'pchibashi, mingbashi, karacherik, tufang, ellikboshi, dahboshi, guard, jibachi.

---

**1. Dolzarbligi**:

O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligiga erishganidan so'ng, demokratik huquqiy davlat va erkin fuqarolik jamiyati qurish mamlakatimizning asosiy strategik maqsadiga aylandi. Shu bilan birga mamalakatimizda harbiy soha rivoji va uni takomillashtirishga katta etibor berila boshlandi. Bu islohotlarni amalga oshirilishi jarayonida "O'zbekiston hududida joylashgan harbiy qismlar va o'quv muassasalari to'g'risida" (1992), "Milliy xavfsizlik to'g'risida" (1996), "Milliy xavfsizlik konsepsiyasi" (1997) va "O'zbekiston Mudofaa doktrinasi to'g'risida" (2018) kabi muhim qonun va meyoriy xujjatlar qabul qilindi.

O'zberkiston tarixida harbiy soha tarixi juda chuqur tarixiy ildizlaga egadir. Qariyb 3000 yillik yo'lni bosib o'tgan davlatchiligimiz tarixida harbiy san'atning o'rni beqiyos bo'lgan. Manbalarning guvohlik berishicha, ajdodlarimimz hamisha o'z jasorati, shijoati va vatan himoyasi uchun fidoiyligi bilan ajralib turgan, ular o'zlarinnig harbiy sohadagi mahorati va matonati bilan bir necha yirik saltanatlar barpo etganlar. Tarixiy tadqiqotlarning ko'rsatishicha, vatanimiz hududida davlatchilik rivojlanib, jadal taraqqiyot sodir bo'lgan davrlarda harbiy soha ham rivojlanib, yuksalgan. Aksincha, siyosiy parokandalik va tarqoqlik davrlarida esa harbiy soha ham turg'unlikga uchragan. XIX asrdagi yurtimizdagi harbiy-siyosiy vazihat huddi shunday murakkab davrlardan biri bo'lgan. Bu davrda Buxoro amirligi, Xiva va Qo'qon xonligida mamlakatda markaziy hokimyatni mustahkamlash, ichki siyosiy barqarorlikga erishish, hududiy yahlitlikni saqlash, qo'shni davlatlar hisobidan davlat chegaralarini kengaytirish, mintaqada siyosiy yetakchilikni egallash maqsadida harbiy sohada turli islohotlat amalga oshirishga harakatlar amalga oshirilgan. Bun islohotlar jahon harbiy san'at andozalari talablari darajasida bo'lmasada, bu sohada malum oldinga siljishlar kuzatilgan.

**2. Metodlar va o'rganilganlik darajasi:**

Maqolani yozish jarayonida umummilliy metodlardan foydalanildi, xususan, tizimli, tarkibli, funksional, qiyosiy tahlil, bashorat qilishning mantiqiy va tarixiy yondashuvlaridan keng foydalanildi.

Mustaqillik yillarida XIX asrda O'rta Osiyodagi harbiy sohadagi vaziyat H.Ziyoyev ("Turkistonda Rossiya tajovuzi va hukmronligiga qarshi kurash". –T.: Sharq. 1998.), H.Bobobekov ("Qo'qon tarixi". –T.: Fan. 1996.), Sh.Vohidov ("Markaziy Osiyodagi davlat boshqaruvi tarixidan". –T.: Yangi asr avlodi. 2006.), Z.Ilhomov ("Amirlashkar tarixi". 2008.), D.Ziyayeva ("O'zbekistonda harbiy ish tarixidan". –T.: Fan. 2012.) va boshqalarning qator asarlari va maqolalarida o'z aksini topgan.

**3. Tadqiqot natijalari**:

O'rta Osiyo davlatlarida XIX asrga kelib ichki va tashqi siyosatda harbiy soha muhim ahamiyat kasb etgan. XVIII asrda xonliklardagi qo'shin nomuntazam harakterga ega bo'lib, ular ichki ayniqsa tashqi xavfni bartaraf etishga qodir emas edi. XIX asr boshlariga kelib bu holatdan to'g'ri xulosa chiqargan davlatlar hukmdorlari muntazam qo'shin tashkil etish, uni mustahkamlash va

yaxshi qurollantirish masalasiga katta e'tibor bera boshlaganlar.

Buxoro amirligida muntzam qo'shintuzish masalasi Amir Haydar (1800-1826) davrida boshlangan va u muntazam qo'shin "navkariya"ni tashkil etgan. Amir Haydar davrida Buxoro amirligida armiya endi "navkariya" (muntazam) va "qoracherik" (nomuntazam) qo'shinga bo'linadigan bo'ldi.

Amir jarchilari boshlanadigan harbiy harakatlar haqidagi xabarni bozorlarda e'lon qilgan. Bozorlarga "qoracherik"ga olinuvchilar ro'yhati osib qo'yilgan. Harbiy harakatlar davomida va amirlik chegaralaridagi harbiy qal'alarni himoyalashda "qoracherik" dan unumli foydalanilgan. Xususan, mamlakat chegarasini qalalarni qo'riqlashga safarbar etilgan "qoracherik" azolari malum vaqt shu yerda ushlab turilgan. Tanqili olim V.L. Vyatkinni ko'rsatishicha amirlikning janubiy qal'asi Sherobodni 100 nafar askar qo'riqlab turgan va ular har oyda almashtirib turilgan. Mamalakatda tinchlik hukm surgan davrlarda qoracherik o'z uylariga qaytarib yuborilgan [1].

Amirlikda muntazam qo'shin tuzish borasidagi harbiy islohotlar amir Nasrullo davrida nihoyasiga yetkazilgan. Buxorolik tarixchi Ahmad Donish amir Nasrullo haqida shunday yozgandi: "U vazmin va qo'rqmas, qattiqqo'l va zukko hukmdor edi. El va ulusda fitna chiqarishda nom chiqargan yoki ilgarigi amirlarga nisbatan ko'rnamaklik qilganning barchasini jazoladi, o'z tarafdorlarini siyladi [2]"

1837-yil amir Nasrullo harbiy islohot o'tkazib muntazam qo'shin tuzgan. Islohotga ko'ra sarboz (piyoda askar), navkar (otliq qo'shin) va to'pchi askarlardan iborat 3 turdagi muntazam qo'shin tuziladi. XIX asr o'rtasidagi ma'lumotlarda ko'rsatilishicha, dastlab muntazam qo'shin asosini Buxoro amirligidagi asirlar tashkil etgan edi. Voqealar guvoglarining yozishicha, 1837-yildayoq 1000 dan ortiq asirlardan 800 kishi muntazam piyoda askarlik – sarbozlikga, 250 dan ortiq kishi esa artilleriya qo'shinlari – to'pchilar safiga qabul qilingan edi [3].

Amir Nasrullo 1837-yil harbiy islohotlar davomida maxsus musiqchilar guruhini ham tuzadi. Bu qismda 14 do'mbirachi, 14 surnaychi, 6 ta karnaychi, 2 ta turkcha do'mbira mavjud bo'lgan [4]. 40 kishidan iborat musiqachilarga yuzboshi unvonidagi harbiy dirijyorlik qilgan.

Amir Nasrullo o'zi tuzgan qo'shinni bir joyda saqlashga harakat qilgan. Buxoro shahrining tashqarisida – O'g'lon va Talipoch darvozalarining o'rtasidagi yerda xar bir sarboz va to'pchi oilasi uchun uy qurdiriladi. Shu tariqa Buxoro atrofida "Sarbozxona" nomi bilan mashxur bo'lgan, 800 uydan iborat harbiylarning muntazam yashash manzillari shakillangan.

O'rta Osiyo xonliklarida xizmat muddati cheklanmagan edi. Buxoroda muntazam qo'shinni asosini tashkil etuvchi sarbozlar va to'pchilar o'zlari uchun ajratilgan yer – Sarbozxonada qurdirilgan uylarda yashab, turli xunarlar va savdo-sotiq bilan mashg'ul bo'lganlar

XIX asr 30-yillaridagi malumotlarga ko'ra, Buxoro amirligida 19000 nafar askar bo'lgan. Qo'shinga Buxoro viloyatidan 12000 askar, Samarqanddan 2500, Qarshidan 2500, Maymanadan 1000, Qorako'ldan 1000 nafar askar yetkazib berilgan. Buxoro askarlariga bir yilga rus rubli bilan hisoblaganda 150 rubl ajratilib, uning bir qismi bug'doy, jo'xori, pichan bilan to'langan.

Amirlikda amir Oliy bosh qo'mondon edi. Bosh qo'mondon esa "**to'pchiboshi**" (vaziri harb) hisoblangan. Amirlikda lashkarni harbiy ko'rikdan amir o'tkazgan. Amir ishtirok etmagan vaqtlarda bu vazifa bosh vazir – qo'shbegi yelkasga yuklatilgan.

Buxoro amirligida qo'shin ichidagi tartib intizom ishlariga ham alohida e'tibor berilgan va bu masalalar bilan asosan "qozi askar", "muhtasib" va "muftiy askar" lar mas'ul bo'lgan. Ular quyidagi vazifalarni bajarganlar:

- **Muhtasib** (muhtasib askar) – askarlarning shariat qonun-qoidalariga qanchalik amal qilayotganini nazorat qilgan;
- **Qozi askar** – harbiylar orasida sodir bo'lgan jinoyat ishlarni, arizalarni ko'rib chiqgan va ular yuzasidan hukm chiqargan;
- **Muftiy askar** – qozi askar chiqargan hukmlarni shariatga qanchalik mos ekanligini tekshirgan;

XIX asr birinchi yarmida Buxoroda 500 kishilik askardan iborat bo'linmaga - **pansodboshi**, 100 askarga – **yuzboshi**, 50 askarga – **panjaboshi**, 10 likga – **daxboshi** raxbarlik qilgan.

Xonliklarning markaziy boshqaruv tizimida muhim o'rinni egallagan ko'pgina mansab egalari harbiy sohada ham muayyan unvonlarga ega edilar. Jumladan, XIX asr 20-yillarida Buxoroda bo'lgan E.K.Meyendorfning iborasi bilan aytganda, amirlikda "polk komandiri" – mavqeyiga ega **to'qsoba**, "bir necha polk komandiri" mavqeyiga ega **dodhoh**, qo'shin qo'mondoni yoki marshall mavqeyiga ega **parvonachi** kabilar mavjud edi. Amirlikdagi bunday harbiy unvonlar va mansablar

egalari umumiy nom bilan “sarkarda” deb ham atalgan [5].

Buxoroda harbiy harakatlarni rejalashtirish, harbiy kuchlarni jang maydoniga toʻgʻri taqsimlash ishi **naqiblar** zimmasiga yuklatilgan. Oʻziga xos shtab boshligʻi sifatidagi bu shaxs XVIII asr oxiridagi Buxoroda bitilgan manba malumotlariga koʻra, harbiy yurushlar paytida qoʻshinning tuzilishi, qurollanishi va joylashuvi, uning harakatlanishi va urush olib borishi borasida yetarli darajada bilimga ega boʻlib, u qoʻshinning old, orqa qismi, oʻng va chap qanoti, markazi va pistirmalari haqida yetarlicha ma’lumotga ega boʻlgan [6].

Bu davrda Buxoro amirligida askarlarning moddiy ahvoli juda yaxshi boʻlmagan. Markaziy hokimyat tomonidan toʻlanadigan maosh ularning kundalik ehtiyojlariga doim ham yetavermas edi. Quyidagi tarixiy malumot buning yorqin isbotidir. “Askarlar hukmdor va hokimlar oʻtkazadigan koʻrikga ozoda va chiroyli kiyimlarda kelishga harakat qilganlar. Butun va ozoda kiyimi yoʻq askarlar esa, eskilar bilan savdo qiluvchi lattafurushlardan bir necha soatga kiyim-boshni ijaraga olib, koʻrikga kiyib borardilar, koʻrik tugagandan soʻng yana oʻzlarining eski-tuskilariga oʻranib olar edilar” – deb yozadi shu davr muallifi [7].

XIX asr 1-yarmida Buxoroda sipohlar va qora olomon deb ataladigan nomuntazam qoʻshin askarlari yiliga 6 tilla maosh olganlar. Ularga pichan sotib olish uchun 1 tilla pul, shuningdek, 5 botmon joʻxori va bugʻdoy berilgan [8].

Harbiy yurishlarni boshlanishi va e’lon qilinishi bilan askarlar oʻzlari uchun ijaraga ot olar edilar. Bunday qoʻshinda harbiy intizomga har doim ham rioya qilinavermas edi. XIX asr muallifi Buxorodagi qoʻshinning ahvoli haqida “Olomon juda kam holatdagina oʻz otiga egadir harbiy yurush boshlanishi haqidagi buyruqni olganlaridan keyin ular harbiy yurushlar uchun otni ijaraga oladilar ” – deb yozar ekan, bunday yurushlarda qatnashgan askarlar oziq-ovqat zaxirasining tugab qolishi oqibatida tezda tarqalib ketishini ham koʻrsatib oʻtadi. Uzoq davom etgan yurushlar vaqtida esa oziq-ovqati tugagan, oʻzi ham, oti ham holdan toygan askarlar egar-jabdugʻi, kiyim-boshi, qurol-aslaxasini non va oti uchun yemga almashtirish xollari ham sodir boʻlib turgan. Askarlarninig oziq-ovqati zaxirasi tugab, uyga ketish xollari jangning eng qizgʻin pallasida ham sodir boʻlishi mumkin edi. Bu esa harbiy toʻqnashuvlarning muvaffaqiyatsizlik bilan yakunlanishiga olib kelar edi. Faqat ayrim hollardagina, askarlarning bazi birlariga xon tomonidan ot berilar edi [9].

Buxoro amiri Nasrullo dastlab oʻzi tuzgan muntazam qoʻshinning ehtiyojlarini kundalik narsalar berish berish orqali qoplashga harakat qilgan. Keyinchalik esa, xususan, 1856-yildan boshlab esa, muntazam qoʻshinning asosiy kuchlari - sarbozlar va toʻpchilar har 3 oyda maosh oladigan boʻldilar. Jumladan oddiy askarlar 1 tilla, daxboshlar esa 1,5 tilla miqdorda maosh olganlar. Amirlikda qoʻshin rahbariyatining taminoti turli viloyatlar va tumanlardan keladigan daromad hisobidan ham amalga oshirilgan. 1856 yilga oid malumot buni tasavvur etishga yordam beradi. Unda “muntazam qoʻshinni saqlash uchun ikkita tuman – Zandana va Kishti yerlaridan keladigan daromad ajratilgan edi. Bu yerlarni ijaraga berish va u yerlardan keladigan daromadni yigʻish sarbozlar boshliqlariga topshirilgan boʻlib, bu koʻp hollarda ular tomonidan turli suistemolliklarning yoʻlga qoʻyilishiga olib keladi, shu sabab sarbozlar va daxboshlar ularga ajratilgan maoshning faqat yarminigina ola boshladilar” – deb qayd etiladi .

Buxoroda qoʻshin rahbariyati quyidagi miqdorda maosh bilan ta’minlangan. Jumladan, yuzboshi oyiga 6 tilla, qorovulbegi 4,5 tilla, panjaboshi 85 tanga, panjaboshi-xurd 50 tanga maosh olgan. Qoʻshinning bosh qomondoni 2000 tan ga maosh olgan [10].

Harbiy yurishlar davrida ham qoʻshin askarlariga ma’lum miqdorda maosh toʻlangan. Buxoro amirligida harbiy harakatlar davrida mansab va unvonidan qatiy nazar qoʻshindagi har bir shaxsga kuniga amir xazinasidan 1 tilla berilgan. Bundan tashqari oddiy sarbozlar va toʻpchilar 3 kun uchun 1 tanga, daxboshi 2 kun uchun 1 tanga, qorovulbegi 1 kun uchun 2 tanga, yuzboshi esa kuniga 4 tanga pul olgan[11].

Buxoro amirligida muntazam qoʻshin maxsus kiyim-bosh bilan ta’minlangan. Sarbozlar va toʻpchilarning kiyim-boshi qizil, qora va sariq rangli movutdan tikilgan ustki kiyim – kamzul, oq kalenkor shim, va qorakoʻldan tikilgan qalpoqdan iborat boʻlgan. Keyinchalik esa qoʻshin orasida echki terisidan tikilgan, ancha pishiq va chidamli shimlarni kiyish urf boʻlgan. Muntazam qoʻshinga xar 3 yilda yangi kiyim-bosh berilgan. Askarlarga har bir yurush oldidan bir juft etik berilgan.

Bu davrda barcha Oʻrta Osiyo davlatlaridagi harbiy qurollarni shartli ravishda “sovuq qurol-yarogʻlar” va “oʻt-ochar qurol-aslahalar”ga ajratish mumkin edi. Sovuq qurol-yarogʻlarga – xanjar, kamon, pichoq, qilich va boshqalarni kiritish mumkin. Davrlar oʻtishi bilan janglarda oʻtochar

qurollarni salmog‘i ortib borgani sari bunday qurollar o‘z ahamiyatini yo‘qota borgan. XIX asr 20-yillarida Buxoroda bo‘lgan E.K.Meyendorf Buxoro amirligi askarlarining “pilta miltiq, uzun nayza va egri qilich” bilan qurollanganliklari, ularning ayrimlari “kalta sovut, temir dubulg‘a kiyganlari va ho‘kiz terisidan yasalgan qalqon”ga ega bo‘lganliklarini takidlab o‘tgan [12].

XIX asrning 30-yillarida amirlikda bo‘lgan P.I.Demezon esa, Buxoro askarlari haqida yozar ekan, ularning “ayrimlari sovut kiyishadi va juda oz hollardagina temir dubulg‘a kiyadilar va kichkina qalqonga egalar. Buxoro askarlari kamondan o‘q otish mahoratini mutlaq yo‘qotganlar”, - deb qayd etadi[13].

O‘rta Osiyo davlatlarida o‘tochar qurollar ham mavjud bo‘lgan, bular pilta miltiqlar, to‘fang va to‘plardan iborat edi. Buxoroda pilta miltig‘i bor askarlar “to‘fangchi va botirlar” deb atalgan. To‘fang O‘rta Osiyoda XVI asrdan Shayboniylar (1500-1601) sulolasi davridan boshlab ishlatila boshlangan.

XIX asr o‘rtalariga kelib O‘rta Osiyo davlatlari qo‘shinida o‘tochar qurollar salmog‘i oshadi. Amir Nasrulloning muntazam qo‘shini bunday qurollar bilan nisbatan yaxshi taminlangan edi. Sarbozlar nayzali miltiq bilan, to‘pchilar esa to‘ppocha, qilich bilan qurollangan edilar. O‘nboshilarning qurollari ham shunday edi. Yuzboshilar esa ikki stvolli miltiq, pistolet va qora, kumush bilan ishlov berilgan “buxoro qilichlari” kabi qurollarga ega edi.

XIX asr o‘rtalariga kelib Buxoro qo‘shinida turkmanlar orqali amir qo‘liga tushgan fors to‘plarini ham, Xitoyda “xristian missionerlari” tomonidan quyilgan to‘plarni ham , shuningdek, “xitoychi” nomi ostida mashxur bo‘lgan falkonetlarni ham uchratish mumkin edi. Falkonetlar – kichik kalibrli to‘plar bo‘lib, tuyalarni ustiga mahkamlab bog‘lab foydalanilgan. Falkonetlarni Erondan olib kelingan deb taxmin qilinadi. Bu davrga oid malumotlarga ko‘ra, Buxoro amiri ixtiyorida umumiy hisobda turli kalibrlik 50 ta to‘p bo‘lib, ular kerakli anjomlar bilan taminlangan va harbiy yurushga taxt holda saqlangan. To‘plarning 32 tasi Buxoroning o‘zida, 2 tasi Jizzaxda, 1 tasi Kerkida, 10 tasi O‘ratepada, 1 tasi Chorjo‘yda va 4 tasi Zominda saqlangan [14].

To‘plarga qarovchi to‘pchilar ayrim hollarda asirga tushgan shaxslardan saralab olingan. Jumladan, Buxoro amirligida to‘plarga rus va fors asirlari qarab turganlar. Xiva xonligida ham to‘plarni soz axvolda saqlashga javobgar bo‘lgan shaxslar ichida asirlarni uchratish mumkin edi.

O‘rta Osiyoda davlatlarida poroxni ham ishlab chiqarish yo‘lga qo‘yilgan. Porox ishlab chiqaruvchi hunarmandlar “dorukash” deb atalgan. Buxoro amirligida porox ishlab chiqaruvchi asosiy ustaxonalar Qarshi shahrida joylashgan edi. Xonliklarda turli qurol-yarog‘lar ishlab chiqaruvchi ustaxonlalar ham mavjud edi. Samarqand yirik degrezlik markazi hiosblanib, to‘plar shu shaharda tayyorlangan.

Harbiy yurushlar davrida amirlikda har 10 ta sarboz va to‘pchiga bitta chodir ajratilgan. To‘pchilar harbiy yurushlar vaqtida har bir to‘p uchun 500 tadan o‘q olib yurushga majbur bo‘lganlar, chunki yo‘lda uchragan shaharlarda qurol-aslaxa sotuvchi “hech qanday do‘kon” bo‘lmagan edi [15]. Sarbozlar uchun to‘p o‘qi va o‘qlar tuyalarda tashilgan. Artilleriya qurol-yarog‘lari qo‘shinning o‘rtasida qo‘rxonada saqlangan.

Harbiy yurushlar vaqtida qo‘shin bilan birga savdogarlar va turli ishchilar ham birga yurar edi. Ishchilar yer qazish, yo‘llarni, ko‘priklarni tamirlab, to‘g‘rilab borishlari lozim edi. Jumladan, Buxoro amirining 1842-yil Qo‘qonga nisbatan olib borgan harbiy harakatlari davomida qo‘shin bilan birga 2000 nafar ishchi ham ishtirok etgan.

Harbiy harakatlar davomida muntazam qo‘shinning turli qismlari zimmasiga bir qancha vazifalar yuklatilgan edi. Jumladan, Buxoro amirligida o‘tochar qurollardan foydalanishda mohir sanalgan sarbozlarning vazifasi artilleriyani himoya qilishdan iborat edi. Artilleriyani himoya qilish mobaynida sarbozlar odatda uncha katta kuch yo‘qotmaganlar, hujum paytida esa ular o‘z tarkibining deyarli yarmisini yo‘qotar edilar. Masalan, 1842-yilda Qo‘qonni ishg‘ol qilish jarayonida buxorolik sarbozlarning deyarli yarmisi yo‘qotilgan edi [16].

Buxoro amirligida harbiy harakatlarda hujum qilish yoki mudofaa maqsadida turli usullardan foydalanganlar. Bunday usullar sirasiga mudofa davrida aholi yashash manzillari atrofiga handaqlar qazish va ularni suv bilan to‘ldirishni keltirish mumkin. Jumladan, amir Nasrulloning 1845-yili Shahrisabzga yurishi davomida Shahrisabz begi Xoja Quli o‘ziga qarashli Shahrisabz, O‘rta Qo‘rg‘on, Kitob hududlarini handaqlar bilan birlashtirib, hosil bo‘lgan hududiy birlikning o‘rtasiga aholini joylashtirgan edi. Buxoro amirining qo‘shini esa 1852 va 1854-yillarda Shahrisabzga qilgan yurishlari mobaynida bu hududga tog‘ suvlarini yuborish, so‘ngra uning suv taminotini bo‘g‘ib qo‘yish kabi usullar bilan bu yerda g‘alaba qozonishga harakat qilgan [17].

Buxoro amirligida amir Muzaffar (1860-1885) davrida avvalgi hukmdorlar davrida amalga oshirilgan harbiy islohotlar yutuqlari zaiflasha boshlagan. Ahmad Donish bu haqida shunday yozib qoldiradi: “Otasi zamonida harbiy yurishlarda pishgan sarkardalarni qatl ettirib, oʻrinlariga “tagi past kishilarni va gʻulomlarni” tayinlagan. Rusiya oʻlkasi bostirib kirganda esa, tagi past, nodon va gʻayratsiz sarkardalar juftakni rostlab qoldilar, to shu vaqtgacha ulardan ozor chekib kelgan askarlar gʻulomlarga xizmat qilishni or bilib tarqab ketdilar. Natijada barcha viloyatlar Rusiya qoʻliga tushdi” [18].

XIX asrga kelib Qoʻqon xonligida ham oʻz hududini kengaytirish, ichki muholiflarga zarba berish va tashqi davlatlardan boʻladigan tajovuzga (Buxoro, Xitoy, Rossiya) bardosh berish maqsadida hukmdorlar harbiy sohaga e’tiborni oshirganlar. Qoʻqon xonlari avvalo turli urugʻ va qabilalardan jamlanadigan nomuntazam qoʻshinga qaramlikdan qutulishga intilganlar. Shunday hukmdorlardan dastlabkisi Olimxon (1798-1810) edi. Qoʻqon hukmdorlaridan birinchilardan boʻlib Olimxon 1801-yildan boshlab muntazam qoʻshin tuzish ishlarini boshlagan. U dastlab mavjud lashkardan eng yaxshi jangchilarni saralab olib “gala bahodir yoki gala botir” nomli maxsus jangchilar qoʻshini tuzgan. 1805-yil ilk bor 10000 kishidan iborat yirik muntazam qoʻshin tashkil etgan. Bu qoʻshin “askariya” deb atalib, Olimxon munatazam qoʻshin xonlikdagi u yoki bu siyosiy guruh ta’siriga tushib qolmasligi uchun uning asosini dastlab tojiklardan tuzgan. Xususan, muntazam qoʻshin tarkibida 3700 kishi Qorateginlik, 2200 kishi esa Darboz, Badaxshon, Shoʻgʻnon, Roʻshonlik tojiklar edi. Maxsus qoʻshin askarlarini faqat bekka (Olimxon 1805-yilhacha mamlakatni “biy yoki bek” unvonida boshqargan) boʻysunganligi uchun bek bolalari deb “mir bachchagʻon” yoki “bekbachchagʻon” deb ham atashgan.

Olimxonning ukasi Umarxon (1810-1822) saltanat taxtiga chiqqanidan soʻng Olimxon davrida tojik qullardan tuzilgan muntazam qoʻshin tarqatib, zoʻrlik bilan tortib olingan qullar oʻz egalariga qaytarib berilgan [19]. Olimxonning harbiy va siyosiy sohadagi ishini davom ettirgan Umarxon (1810-1822) muntazam qoʻshin sonini 12000 kishiga yetkazgan. Bu haqida tarixchi Hakimxon ibn Sayyid Masumxon oʻzining “Muntaxab ut-tavorix” asarida shunday malumotlar keltiradi. Xususan, Oʻrta Osiyo an’analariga koʻra hukmdor “amir al-muslimin” unvoniga ega boʻlishi uchun qoʻshinindagi askarlar soni 12 000 kishini tashkil etishi kerak edi. 1815-yil Umarxon shu unvonga loyiq deb topiladi. Askarlar roʻyxatga olingada, ularning soni 40 000 kishini tashkil qilinganligi qayd etiladi [20]. Umarxon davrida xonlik hududi yana ham kengayib, shimoli-gʻarbda Sirdaryoning irmogʻi Yangidaryogacha kirib borgan. Umarxon 1813-1815 yillarda Sirdaryoning oʻng qirgʻogʻida Oqmasjid qal’asiga asos soladi. Shuningdek Umarxon tomonidan Chimkentdan Ili daryosigacha bir qator qal’alar zanjirini bunyod ettirgani malum. Masalan, 1814-yili Qoratogʻning shimoliy tomonida Choʻloqqoʻrgʻon, Oloyda Qizilqoʻrgʻon, 1821-yili Talas vodiysida Avliyoota (hozirgi Jambul) hamda Ulugʻqoʻrgʻon, Darovutqorgʻon, shular jumlasidandir. XIX asr 20-yillari oʻrtalarida xonlikning sharqiy qismida Chu daryosi boʻylab Merka, Pishkek (hozirgi Bishkek), Toʻqmoq va Otboshi kabi qal’alar bunyod etilib, ulardan harbiy-mudofa chizigʻi oʻrnida foydalanishgan [21].

Qoʻqon xonligida nomuntazam qoʻshin ham boʻlib ular “qorakaltak”, Toshkent bekligida “qoraqozon” deb atalgan. XIX asr boshia rus mualliflari T. Burnashev va M. Pospelovlarning takidlashicha, qoraqozon Qoʻqon xonligi qoʻshinining oʻziga xos qismi boʻlib, ular oʻz tugʻiga ega boʻlgan. Qoraqozonga askarlikga xar bir oiladan olingan. Doim harbiy harakatlarga tayyor turishi lozim boʻlgan qoraqozonlar oʻz harbiy rahbarlarining uyiga yashaganlar. Harbiy hizmatdan tashqari ular oʻz boshliqlarining yerlarida, bogʻarida ishlaganlar, chorvalarini boqib, boshqa ishlarni bajarishda koʻmak berganlar. Qoraqozonlar Buxorodagi qoracherikdan farqli ravishda taqdirlanib turgan va m’alum soliqlardan ozod etilgan. Qoraqozonlar yana qoracherikdan farqli ravishda qurol-yarogʻlar bilan nisbatan ta’minlangan [22].

Otasi Umarxon kabi faol tashqi siyosat olib borgan Muhammad Alixon (1822-1841) mamalakat harbiy qudratini oshirishga harakat qilgan. Buxoro amirligiga qarashli Qorategin, Darboz, Koʻlobni boʻysundirib, Xitoyga qarshi harbiy harakatlar olib borgan, Katta va Oʻrta Oʻrda qozoqlardan soliq undirish huquqini qoʻlga kiritgan Madalixon albatta katta qoʻshinga tayanib ish koʻrgan. Bu esa ushbu hukmdor davrida xonlik qudrati yuksak boʻlganidan dalolat beradi. Uning davrida 1822-yil Umarxon davrida qurilishi boshlangan Pishpak qal’asi qurilishi tugallandi, 1825-yil Chu daryosi boʻyida Merka va Otaboshi nomli qal’alar bunyod etildi. Madalixon buyrugʻi bilan Andijon hokimi Iso dodxox Oloy vodiysida Soʻfiqoʻrgʻon qal’asi qurildi va Umarxon davrida bunyod etilgan Qizilqoʻrgʻon qal’asi mustahkamlanib, kengaytirildi. Madalixon davrida Fargʻona

tog‘ yon bag‘rida Isfara, Yangiqo‘rg‘on, Chortoq qal’alari qurilgan. Ammo amir Nasrullo tomonidan 1842-yil Qo‘qonning zabt etilishi bu xonlikning harbiy yuksalishga barham beradi. Amir Nasrullo mag‘lub tomonning harbiy qudratiga putur yetkazib, qo‘lga kiritilgan qurol-aslaha va boshqalarni amirlik hududiga jo‘natadi. Buni “Ansob us-salotin va tavorix ul-xavoqin” asarini muallifi Mirzaolim Mushrif ham tasdiqlab, shunday yozadi: “Bahodirxon (amir Nasrullo) tamomi to‘p, to‘pxona, asbob va yarog‘ xazinani olib, Buxoroga murojaat qildi”[23].

1842-yil Qo‘qon Buxoro qaramligidan ozod bo‘lgach taxtga Sheralixon (1842-1845) chiqadi. U kuchsizlangan xonlik harbiy salohiyatini tiklashga harakat qilib, shu maqsadda yordamchi harbiy bo‘linmalar sonini ko‘paytirish choralarini ko‘radi. Uning davrida yordamchi harbiy bo‘linmalarning yangi turi “qilquyruq”lar tashkil etiladi. Bu xususida tarixchi Ishoqxon Junaydulloxoja o‘g‘li Ibrat shunday yozadi: …Farg‘ona ahli amir Nasrulloning noibi Muhammad Sharif otaliqga qarshi Toshkand ustig‘a yurganida Sheralixon qilquyruq degan bir qoida joriy qilgan ekan, yani, ot mingan kishidan qolmay urushga borur ekan, qil quyruq ul vaqtda chiqqan ekan” [24].

XIX asr o‘rtalarida Sheralixonning o‘g‘li Xudoyorxon (1845-1875) davlatda qo‘shinni mustahkamlash maqsadida qo‘shin sonini ko‘paqytirishga harakat qilgan. Shuningdek, yangi to‘plar tayyorlatib zamonaviy to‘pchilar qo‘shini tuzishga harakat qilgan. U Istanbuldan miltiqlar keltirgan. Bu to‘g‘risida “Xudoyorxon sallotlari sonini juda ko‘paytiradi va yaxshi to‘plarni mavjud qilib, yaxshi miltiqlarni Islambul (Istambul) dan oldirib keldi” – deb yoziladi “Tarixi Aziziy” asarida [25]. Xudoyorxon tomonidan xonlikga taklif etilgan ingliz, afg‘on, turk zobitlari Qo‘qon askarlari bilan harbiy mashqlar o‘tkazganlar.

Qo‘qon xonligining harbiy qudratini mustahkamlash borasida Sulton Saidxon (1863-1865) davrida amirlashkar lavozimida faoliyat yuritgan Aliqulining harakatlari ham diqqatga sazovor bo‘lgan. U xonlik harbiy qudratini rivojlantirish maqsadida musulmon davlatlari bilan hamkorlik qilish va qo‘shinni Yevropa andozalaridagi qurollar bilan ta’minlashga harakat qilgan. Uning bunday harakatlarini rus zobitlari quyidagicha qayd etganlar: “…Qobul amiri huzuriga Qo‘qondan yordam so‘rab elchilar borgan… Mulla Aliquli musulmon davlatlari o‘rtasida Qo‘qon foydasi uchun va bizga qarshi ittifoqni yuzaga keltirishga harakat qilmoqda. U Toshkentga 5000 ta vintovka olib kelishga harakat qilib, qurol yetkazib berish masalasida Qobul va Peshovar bilan bitim tuzgan” [26].

XIX asrning 50-60 yillari Qoqon xonligi uchun og‘ir damlar bo‘lgan. Mamlakatda ichki nizo, taxt uchun kurashlar avj olgan va yana Rossiya imperiyasining istilo xavfi nihoyatda ortgan va xonlik o‘zining shimoliy va shimoliy-g‘arbiy tomondagi yerlarini katta qimini yo‘qotadi. Bu davrda xonlikning harbiy qudrati zaiflashgan. Bunga turli etnik guruhlarning markaziy hokimyat atrofida jipslashmasligi, harbiy harakatlar davrida yagona qo‘mondonlik ostida birlashmaslik, o‘zaro urushlar davrida xonlikning tajribali sarkardalarining halok bo‘lishi (Qanoatshox otaliq, Azimboy qushbegi, Tangriqul shig‘ovul, Muhammad Karim Yasovul, Yornazar dodxox, amirlashkar Aliquli va boshqalar), o‘zaro urushlar davrida nomuntazam qo‘shinlar bo‘lgan yordamchi bo‘linmalarning (qilquyruq, qoraqozon. qoracherik) son jihatdan muntazam qo‘shindan ko‘payib ketishi tufayli armiyada intizom bo‘shashib, qurol-aslaha yetishmasligi kabi omillar sabab bo‘lgan.

Qo‘qon xonligida muntazam armiya salmog‘i turli davrda turlicha bo‘lgan. Olimxon va Umarxon hukmronlik yillarida 40 000 ga yaqin qo‘shin to‘play olganlar. Muntazam qo‘shin xonlikda asosan qal’alar, harbiy istehkom va yirik shaharlarda turgan. 1813-1814 yillarda Qo‘qon xonligi hududida bo‘lib qaytgan Rossiya vakili Filipp Nazarov Marg‘ilondagi Yormazor garnizonida 20 000 askar, Andijon garnizonida 10 000 askar, Namangan garnizonida 1500 askardan bo‘lganligini yozib qoldiradi. Yana bir Rossiya vakili A.P.Xoroshin bergan ma’lumotlarga ko‘ra, XIX asr 30-40 yillarida Qo‘qon qo‘shinining umumiy soni 30 000 kishidan iborat bo‘lgan va ular katta-kichik 40 ta to‘p bilan qurollanganlar[27]. Xonlikda yuz bergan siyosiy beqarorlik va doimiy o‘zaro urushlar natijasida XIX asr 60-yillariga kelib muntazam qo‘shin soni xonlikda keskin kamayadi. 1860-yilga oid arxiv ma’lumotlarida muntazam qo‘shin soni quyidagicha keltiriladi: Qo‘qonda – 6000, Toshkentda – 2000, Pishpekda – 800, Avliyootada – 600, Turkistonda – 600, Chimkentda – 250, Isfarada – 200, Chinozda – 100, Suzoqda – 60 ta askar xizmat qilgan [28]. Shunga asoslanib, Qo‘qon xonligida muntazam qo‘shin soni 1860-yili taxminan 150 000 askardan iborat bo‘lgan deb hisoblash mumkin.

Qo‘qon hukmdorlari davlat chegarasini mustahkamlash va ularni mudofaa qilish maqsadida ko‘plab qal’alar bunyod ettirgan. Ularni ahamiyati va katta kichikligiga qarab 3 guruhga bo‘lish

mumkin [29].

I guruhga bir necha tumanlarning ma'muriy markazida joylashgan qal'alar: Toshkent, Marg'ilon, Qo'qon, Andijon, Namangan kiradi.

II guruhga viloyatlarning mahalliy boshqaruvi amalga oshiriladigan markazlarda joylashgan o'rta darajadagi qal'alar: Turkiston, Chimkent, Avliyo ota, O'ratepa, Xo'jand, Pishpek, Oqmasjid qalalari kiradi.

III guruhga yirik markazlarni bir-biri bilan bog'lovchi yo'llarda joylashgan kichik qal'alar: Julek, Suzoq, Kerovchi, To'qmoq, Merka, Yangiqo'rg'on, Kattaqo'rg'on, Chimqo'rg'on, Niyozbek, To'ytepa va boshqalar.

Xonlikdagi qal'alar qurilishi va himoyalanishi bilan bir-biriga o'xshash bo'lgan. Ular asosan, o'lchamlari bilan farqlangan. Qal'alar devor bilan o'ralgan, devor tashqarisiga chuqur handaq qazilib, suv bilan to'ldirilgan. Devorlarda o'q otish uchun maxsus teshik – burjlar bo'lgan. Qal'a devorlari uchiga osilgan og'ir g'o'lalar dushman ustiga tashlash uchun moslangan bo'lgan. Qa'la minoalarida qorovullar uchun kuzatuv nuqtalari bo'lgan. To'plar darvoza tepasiga va minorlarga joylashtirilgan [30].

Xonlikdagi qal'alar qurilish jihatdan bir-biridan farq qilmasada idoraviy tizimga ko'ra farqlanib turgan. Masalan Toshkentga xonlikning sharqiy qismida joylashgan To'qmoq, Pishpak, Oqsuv, Merka, Avliyo ota qal'alari bo'ysungan. Turkistonga esa Cho'loq qo'rg'on va Suzoq bo'ysungan bo'lsa, o'z navbatida Pishpak shahar qal'asi komendantiga Oq suv va To'qmoq qal'alari rahbarlari bo'ysungan.

Talas daryosini chap sohilida joylashgan Avliyo ota shahri Balxash ko'lidan Chu daryosini yuqori oqimigacha bo'lgan yo'llarni nazorat qilgan. Avliyo ota qal'asi Madalixon buyurug'iga binoan Odinabek tomonidan bunyod etilgaan. 1451-yil Avliyo ota komendanti Otabek qal'ani yangi devor bilan o'rash ishlarini boshladi. Qurilishni qal'ani navbatdagi komendanti O'zbek Niyozali yakuniga yetkazgan. Avliyo otada Chu vodiysida joylashgan Merka va Itkechuv qal'alariga tarqatiladigan qurol-yarog' va oziq-ovqat zaxirasi saqlangan. Chunki, Merka va Itkechuv qal'alari komendantlari Avliyo ota shahar qal'asi komendantiga bo'ysungan [31]. Avliyo ota devoir 1,5 metr qalinlikda bo'lgan. 1862-yil qal'a himoyachilari soni 600 kishidan 1000 nafarga ko'paygan. Bu davrda qal'ada 8 ta to'p (3 tasi katta kalibrli, 3 tasi kichik kalibrli) va yana 10 ga yaqin kichik qal'a to'plari mavjud bo'lgan [32].

Qo'qon xonligining shimoliy-g'arbiy chegarasida Orenburg yo'lida joylashgan Oqmasjid qal'asi savdo-sotiq va harbiy jihatdan muhim ahamiyat kasb etgan. Rossiya istilosi arafasida 1848-1852 yillarda Oqmasjidga Yoqubbek Badavlat qal'abonlik qilgan.

Pishpak qal'asi xonlikning sharqida Sibir - O'rta Osiyo va Xitoy yo'lidagi muhim qal'a bo'lgan. Pishpak 1822-yil Umarxon topshirig'i bilan bunyod etilgan. Uning devri balandligi 7 metr, poydevori qalinligi pastda 6 metr, yuqorida esa 3 metrni tashkil qilgan. Rossiya istilosi arafasida Pishpakda 250 ta pilta miltiq bilan qurollangan piyoda va 150 otliq askardan bo'lgan. Qal'a 3-5 ta artofida to'p va 15 ta qo'lbola mortiraga ega bo'lgan. 1860-yil Pishpakni ruslar egallab vayron qiladi. Shu yili bu qal'a Qo'qon xoni Mallaxon (1858-1862) tomonidan qaytatdan tiklattirilgan va undagii askarlar soni ko'paytirilib 600 taga yetkazilgan va yana ular safiga 200 kishi qo'shilgan [33]. Uni mudofasini kuchaytirish maqsadida Mallaxon 1861-yil Pishpakga Qanoatshoh otaliq qo'l ostidagi 2000 jangchini yuborgan.

Qo'qon xonligidagi harbiy unvon va mansablarni 3 toifaga - oliy, o'rta va quyi darajadagi harbiy unvon va mansablarga ajratish mumkin.

Oliy darjadagi mansab va unvonlarga – mingboshi, amirlashkar, qushbegi, botirboshi, voliy, qal'abon, qo'rboshi, yovar, to'qsoba va ponsodboshilar kirgan.

O'rta darajali mansab va unvonlar sirasiga yuzboshi, ellikboshi, daxboshi, qorovulbegilarni kiritish mumkin.

Quyi darajadagi harbiy mansab va unvonlar sarboz, navkar, mergan, maxram, botir, jazolichi, to'pchi, qo'rchi va qorovullardan iborat.

Tarixchi Haydarbek Bobobekov sharqshunos Aleksandr Lyudvigovich Kundan malumot keltirishicha ("Некоторие сведание о Ферганской долина. Военний сборникю 1876ю. т. 4.") xonlikdagi 14 ta harbiy mansab darajasi bo'lgan va ulardagi shtat o'rinlari belgilab qo'yilgan. Ular:

1. Otaliq – 1 ta o'rin;
2. Qushbegi – 4 ta o'rin;

3. Parvonachi – 8 ta oʻrin;
4. Dodxox – 10 ta oʻrin;
5. Biy – 10 ta oʻrin;
6. Eshik ogʻasi – 100 ta oʻrin;
7. Toʻqsobalar – 200 ta oʻrin;
8. Miroxoʻrlar – 300 ta oʻrin;
9. Qorovulbegi – 400 ta oʻrin;
10. Qurchi – 200 ta oʻrin;
11. Divachi – 500 ta oʻrin;
12. Mirzaboshi – 100 t oʻrin;
13. Chaxor ogʻasi (Qoʻqonda) – 1000 ta oʻrin;
14. Botirlar (Qoʻqonda) – 8000 ta oʻrin;

Yuqoridagi harbiy darajalardan 1 dan 7 gachasi asosan oʻzbeklardan tayinlangan [34]. Bu ananaga uzoq vaqt va doim ham amal qilinmagan. XIX asr 50-60 yillarida eng yuqori harbiy unvon mingboshilik lavozimiga tojik Shodi, qirgʻiz (qipchoq) Aliquli, Toshkent hokimi qilib esa, kelib chiqishi qul boʻlgan Lashkarbeklarbegi (1810-1812, 1813-1831) tayinlangan edi.

Xonlikdagi harbiy mansab va unvonlardan eng yuqorisi “**mingboshi**” boʻlgan. Tarixiy manbalarda keltirilishicha bu mansabni Olimxon joriy etgan. U 1000 nafar askarning boshligʻi boʻlib, harbiy vazir sifatida xondan keyin turgan. Mingboshi lavozimi Sheralixon davridan boshlab eng yuqori darajadagi lavozimga aylangan. U tasiri kuchi jihatdan Buxoro amirligidagi qushbegiga teng boʻlgan.

Qoʻqon xonligida harbiy harakatlar davrida barcha harbiy qismlar yagona shaxsga boʻysundirilgan va u “**amirlashkar**” deb atalgan. Amirlashkar lavozimiga koʻp hollarda mingboshilar tayinlangan. Amirlashkar lavozimiga chiqgan Madalixon davrida Haqqul mingboshi, Sheralixon va Xudoyorxon davrida Musulmonqul. Sulton Saidxon davrida Aliqulilar xonlikda juda katta mavqega ega boʻlganlar. Xususan Aliquli mingboshilik davrida deyarli barcha shahar va qal’alar hokimlarini oʻz irodasi bilan tayinlagan [35].

“**Qushbegi**” – xonlikda mingboshidan keyin turgan. U xon huzurida maslahatchi boʻlgan. U bazan katta shahar (koʻpincha Toshkentga) yoki yirik viloyatlarga hokimlik qilgan va oʻz hududidagi harbiy kuchlarga bosh boʻlgan.

“**Beklarbegi**” – bu mansab koʻp hollarda Toshkent hokimlariga berilgan. Ular Toshken shahri va viloyatidagi askarlarga qoʻmondonlik qilib, shu hudud mudofaa ishlariga rahbarlik qilgan. Xiva xonligida esa beklarbegi qoraqalpoq yoki boshqa koʻchmanchi xalqalrning oqsoqollariga beriladigan faxriy unvon boʻlgan[36].

**“Botirboshi” –** u viloyatlarda qoʻshin ishlariga mas’ul shaxs boʻlgan. Botirboshi viloyatlarda 500 nafardan koʻp askarlar boʻlinmasi – “dasta” ga boshchilik qilib, qoʻshinning tayyorgarligi va tartib-intizomi uchun javobgar boʻlgan.

**“Qalabon”** (qutvol) - xonlik chegaralarida joylashgan qal’a, istehkomlar va chegaralarni muxofaza qilishga javobgar boʻlgan.

**“Sarxang”** – ular harbiy muhandislar boʻlib, qal’a mudofa devorlari va urush vaqtida mudofaa istehkomlari qurish ishlariga masul boʻlgan.

**“Qatovullar”** – ular qal’aninig shikastlangan joylarini qayta tiklash va tamirlash ishlariga masul boʻlganlar.

**“Qoʻrboshi”** – ular qurol-aslaha ishlab chiqarish, uni saqlash, harbiy boʻlinmalarga yetkazib berish masalasi bilan shugʻullanib toʻpxona, qoʻrxona, miltiqxonalarga boshchilik qilgan. Qoʻrboshi qurol-yarogʻ ishlab chiqarish uchun hom-ashyo topib kelishdan tortib, tayyor harbiy mahsulot ishlab chiqarish jarayoniga ham javobgar boʻlgan.

**“Jibachi”** (jevachi) – qurol-aslaha omborining boshligʻI;

**“Yovar”** – u amirlashkar shaxsiy dastasining boshligʻi va qurol yasovchi ustahonalarning sardori boʻlgan. Yovar dastasi odatda 100 kishidan iborat boʻlgan.

**“Toʻpchiboshi”** – u qoʻshinning artillaeriya qismi boshligʻi, artilleriyaning taminoti va jangovor hatti-harakatlariga javobgar shaxs boʻlgan.

**“Toʻqsoba”** – u oʻz tugʻiga ega harbiy dastaning boshligʻi hisoblangan.

**“Ponsadboshi”** – 500 kishilik qoʻshinga boshchilik qilgan;

**“Yuzboshi”** – 100 kishilik harbiy qism boshligʻi;

**“Ellikboshi”** – 50 kishilik harbiy dasta boshligi;

**“Dahboshi”** – 10 kishilik harbiy dasta boshlig‘i;

Ellikboshi va dahboshi oliy darajadagi harbiy unvon darajasi (zobitlik) ga kirmagan. Bu lavozimlarga oddiy askarlardan, o‘zining harbiy sohadagi ijobiy hislatlari bilan ajralib turgan askarla tayinlangan. Dahboshi lavozimi Qo‘qon xonligida tarixiy manbalarda keltirilishicha ilk bor Olimxon davrida joriy qilingan.

**“Qorovulbegi”** – xon qarorgohini tunda qo‘riqlovchi soqchilar boshlig‘i. Uning zimmasiga yana zindonni muxofaza qilish vazifasi ham yuklatilgan.

**“Qozi askar”** – u harbiy sohadagi sudlov ishlariga rahbarlik qilgan. U urush vaqtlarida oliy hukmdor nomidan muqaddas urush “jihod” e’lon qilgan, qo‘lga kiritilgan o‘ljani baholab, uni to‘g‘ri taqsimlash ishlariga ham rahbarlik qilgan.

**“Qozi muftiy”** – qozi askar tomonidan chiqarilgan qonun va buyruqlarni shariat asosida sharxlab fatvo chiqarib, ularni amalda qo‘llanilishiga ruxsat beradi.

Qo‘qon xonligida qo‘shin tarkib jihatdan otliqlar – sipohlar, piyoda – sarbozlar, artilleriya – to‘pchilarga bo‘lingan. Bu yirik bo‘linmalardan tashqari maxsus gvardiya – galabotirlar va merganlar bo‘linmasi ham mavjud bo‘lgan. Qo‘shinning asosiy qismini otliq askarlar tashkil etgan. Xonlikda qo‘shinning kiyinish masalasiga malum miqdorda etibor berilgan. Umarxon davrida otliq askarlar to‘n, qizil charmdan shalvor va qizil salla kiygan. Qolgan askarlar oq salla o‘ragan. Sarbozlar qizil nimcha, qizil charm shalvor va boshlariga yuqori qismiga qizil mato qo‘shib tikilgan qalpoq kiyganlar.

Otliq qo‘shinni taminlash va ular safini doimiy ko‘paytirib borish doimo xonlik xazinasiga nihoyatda qimmatga tushgan. Qo‘qon xoni Xudoyorxon XIX asr 60-yillaridan boshlab xazinani tejash va qo‘shinni mustahkamlash uchun boy xonadonlarning farzandlarini harbiy ishga jalb etish maqsadida ularni otliq askarlar safiga qabul qilish tadbirini qo‘llagan. “Boyvachcha”larning ro‘yxati keltirilgan daftarlarda ular “yosh, o‘ziga to‘q va oti bor” kishilar sifatida qayd etilgan. Ularning ro‘yxati asosan qishloq yerlarda tuzilgan [37].

Qo‘qon xonligida avvaldan chegara hududlarda to‘plar mavjud bo‘lgan. Ammo maxsus to‘pchilar qo‘shini 1845-yil Xudoyorxo tomonidan tashkil etilgan.

Qo‘qon xonligi qo‘shini tarkibida bosib olingan hududdagi o‘ljalarni yig‘ish bilan shug‘ullanuvchi “chopovul” va “hirovul” nomli harbiy qismlar ham bo‘lgan.

Qo‘qon xonligida askarlikga loyiq hamma erkak lashkar safiga olinishi mumkin bo‘lgan. Xonlik dududidagi 15 ta beklik alohida harbiy okrug ham hisoblangan. Har bir beklikda yashovchi urushga yaroqli erkaklar yashash joyi bo‘yicha alohida ro‘yxatga yozib qo‘yilgan. Muntazam armiyada jangchilik otadan-bolaga meros bo‘lib o‘tgan. Muntazam armiya askarlari o‘z xoxishi bilan uning tarkibidan chiqa olmagan. Qo‘qon xonligida oilada yagona erkak kishi urushga olinmagan.

Qo‘qon qo‘shini harbiy harakatlar davrida quyidagi qismlarga bo‘linib harakat qilgan: ilg‘or – qo‘shinning old qismi, markaz, maymana – qo‘shinning o‘ng qanoti, maysara – qo‘shinning chap qanoti. Qo‘qon xonligida askarlar 1000 kishilik, 500 kishilik, 100 lik, 50 lik, 10 kishilik askariy qismlarga ajratilgan. 1000 kishilik askarlar guruhi “tug‘”, 500 kishilik esa “bayroq” deb ham atalgan.

Xonikda turli qurol-yarog‘lar ishlab chiqaruvchi ustaxonlalar ham mavjud edi. Qo‘qonda miltiqsozlik ustaxonasi “kamonxona” deb atalgan. Qo‘qonlik ustalar xatto yevropacha miltiq “kamon-i farang”ni ishlab chiqarishga harakat qilganlar. 1872-1873 yillarga oid xujjatlardan birida yevropacha miltiqlar “kamon-i farang”ni ishlab chiqarish uchun ustaxonaga temir, po‘lat, cho‘yan va ko‘mir ajratish lozimligi ko‘rsatib o‘tilgan [38]. Qo‘qon xonligida ham to‘pxonalar va to‘plarni yasovchi ustaxonalar – “korxona-i tir-i tubrizan” mavjud bo‘lgan.

Qo‘qon xonligida askarlaga mavqeyiga qarab turlicha maosh to‘langan. V.Velyaminov-Zernovning ko‘rsatishicha, 1835-1836 yillarda Qo‘qon xonligida yuzboshiga bir oyga 1 tillayu 4 tanga maosh berilgan. Uning yillik maoshi 14 tillayu 6 tangani tashkil qilgan. Unga yana kiyim bosh va oziq-ovqatlar ham berilgan. Yuzboshi maoshi, kiyim-boshi va unga ajratilgan oziq-ovqatlarning umumiy-miqdori 36 tillayu 107 tangaga teng kelar edi. V.Velyaminov-Zernovning malumot berishicha, 50 kishilik harbiy qism rahbari panjaboshi daromadi yuzboshi daromadining 2/3 qismini tashkil etgan, daxboshining daromadi esa panjaboshi daromadining 1/3 qismini tashkil etgan. Oddiy askar esa xon xazinasidan daxboshi daromadining 1/3 qismi miqdorda pul, kiyim-bosh va oziq-ovqat olganlar.

Qo‘qon xonligida markaziy hokimyat tomonidan jangda halok bo‘lgan askarlarni dafn etish uchun zarur bo‘lgan xarajatlar ham qoplangan. Bu o‘rinda 1872 -1875 yillarga mansub Qo‘qon

xonligiga oid ayrim tarixiy malumotlarni keltirish joyizdir. Bu hujjatlarda vafot etgan sarboz va to‘pchilar uchun “sarboz pul va oq mato” yani, kafanlik ajratilganligi qayd etilgan [39].

XIX asrda Xiva xonligida harbiy soha Qo‘qon va Buxoronikidan biroz farq qilgan. Bu davrda Xiva xonligida pilta miltiq va to‘plar soni va muntazam qo‘shin hajmi Buxoro va Qo‘qonnikidan kamroq bo‘lgan. Xiva xonligining harbiy sohadagi asosiy ustunligi uning qulay harbiy-geografik joylashuvi va turkman qabilalaridan (asosan yovmut, chovdur va taka qabilalari) tuzilgan otliq qo‘shininda bo‘lgan.

XIX asrda Xiva xonligi qo‘shini asosan otliqlardan iborat bo‘lgan. Askarlar tinchlik paytida dehqonchilik va boshqa kasblar bilan shug‘ullanganlar. Bunday askarlikga yozilgan kishilar soni XIX asr 30-yillarida Olloqulixon (1825-1842) davrida 40 000 kishigacha yetgan [40]. Askarlik hizmatidagilar soliqlardan va jamoa ishlaridan ozod etilib, har bir kishi yurishda qatnashganligi uchun 5 oltin tanga olgan. Xonning hohishiga ko‘ra o‘zini ko‘rsatgan harbiy lavozimidagilar 10, 20, 50, 100 va undan ko‘proq miqdorda oltin tanga olishgan. Xususan, biylar 50 tangadan 100 tangagacha, yuzboshilarga 10 tangadan 20 tangagacha maosh berilgan [41]. Xiva xonligida qo‘shinning asosiy qismi qilich, o‘q-yoy va nayza bilan qurollangan. Shuningdek, oz miqdorda pilta miltiq va to‘plar bor edi. Buxoro bilan Qo‘qondan farqli ravishda Xiva xonligida qo‘shinning muayyan tartibdagi kiyim-boshi yo‘q edi. Ularning kiyimi asosan turli-tuman choponlardan iborat edi. Xonlik qo‘shinida o‘zbeklar bilan bir qatorda turkmanlar, qozoqlar va qoraqalpoqlar hizmat qilgan. Xiva xonligi qo‘shini bu davrda harbiy texnika jihatdan ancha ortda qolib ketgan edi.

Xonlikda qo‘shin ta’minotida askarlarni tibbiy sohada va harbiy harakatlar davridagi shaxsiy yo‘qotishlar holatida qo‘llab-quvvatlashga harakat qilingan. Xususan, M.Yo‘ldoshev “Xiva xonligida harbiy safarlar vaqtida davlat tomonidan tibbiy yordam ko‘rsatilmas edi. Yarador bo‘lgan jangchilar tabibga murojat qilardilar. Askarlar yarador bo‘lib qolgan tadqirda davolatish uchun ularga zarur miqdorda pul beriladi” – deb yozadi [42]. ” Jang vaqtida yaralangan shaxslarga 3-5 tilla miqdorda pul to‘langan. Askarlar bu pullar bilan tabiblarda davolanganlar. Jang davomida askar o‘z otini yo‘qotganda ham ko‘plab holatlarda tovon puli to‘langan. O‘lgan ot uchun askarlarga XIX asr 60-70 yillarga oid malumotlarga ko‘ra 10 tilla miqdorida tovon puli to‘langan [43].

Muhammad Rahimxon I (1806-1825) davrida Xiva xonligida 2000 kishidan iborat “xon navkari” nomli muntazm qo‘shin tuzilgan. Muntazam qo‘shinning bosh qo‘mondoni “yasovulboshi (harbiy vazir)” deb atalgan. Bu muntazam qo‘shin zimmasiga tinchlik hukm surgan davrlarda xon va uning oilasini qo‘riqlash vazifasi ham topshirilgan edi. Xon tomonidan bu qo‘shinga bir qator imtiyozlar berilgan edi. Xususan, bu qo‘shin navkarlarini oliy hukmdor Xiva atrofidan malum miqdordagi yer maydoni va maosh bilan taminlab turgan. XIX asr o‘rtalariga oid arxiv ma’lumotlarida ma’lum bo‘lishicha bu davrda 9000-10000 kishi atrofidagi xalq lashkari ham bo‘lgan.

Xonlikda yirik amaldorlarninig aksariyati harbiy kishilar edi va ularning har biri urush vaqtlarida sarkarda etib tayinlanishi mumkin edi. Ammo sarkardalik doim ham harbiy mahkama kishilari bo‘lmasligi mumkin edi. Masalan, Munis mirob, Ogahiy mirob va Tog‘ay miroblar harbiy harakatlarda qatnashgan.

Xiva xonligida quyidagi harbiy mansablar mavjud bolgan [44]:

**“Amir ul-umaro”** – u xon va inoqdan keying o‘rinda turuvchi harbiy mansabdor hisoblangan. Amir ul-umaro qo‘shinni xon farmonlari bilan tanishtirgan. Bu unvon XIX asrda joriy qilingan. Muhammad Amin inoq (1790-1804) davrida amir ul-umaro uning akasi Fozilbiy edi. Said Muhammadxon davrida bu unvonni xon o‘z akasi Sayid Mahmud to‘raga bergan. Keyinchalik bu unvondan xonlikda boshqa foydalanilmagan [45];

**“Yasovulboshi”** – Xonlikda xavfsizlik xizmatini boshqargan. Xonning xos qo‘shini (xon navkari) rahabri bo‘lgan. Yasovulboshi xonning qo‘riqlanishi va maxfiy davlat xujjatlarining saqlanishi uchun jabobgar bo‘lgan. U urush harakatlari vaqtida qo‘shinga qo‘mondonlik qilgan hamda xonlikdagi turkman qabilalaridan tuzilgan harbiy qismi ham boshqargan. Yasovulboshilar ko‘p hollarda ikki kishi bo‘lgan va biri yovmut turkmanlariga, ikkinchisi chovdir turkmanlariga qo‘mondonlik qilgan.

Yasovulboshiga yasovullar, mirshablar, shotirlar, eshik oqolari itoat qilgan [46].

Ogahiy “Riyoz ud-davla” asarida 1825-1842 yillar orasida Abdulla yasovulboshi, Muhammad Murodbey valadi Qurbonniyoz, Muhammad Niyoz yasovulboshi (yovmut turkmanlari sardkardasi), Qurbonniyoz yasovulboshi (chovdur turkmanlari sardori), Rahmatullaboylarni yasovulboshilik lavozimida faoliyat ko‘rsatgani yozadi.

Xiva xonligida ham qo‘shin yuzliklar va o‘nliklarga bo‘lingan. Bu bo‘linmalarga yuzboshi va

oʻnboshilar rahbarlik qilgan. Ularning tepasida mingboshi turgan. Mingboshi esa yasovulboshiga boʻysungan edi.

Xonlikda mamlakat chegaralarini qoʻriqlashga katta e'tibor qaratilgan. Davlat chegaralarida ham malum miqdordagi harbiylar saqlangan. Uning qoʻmondoni "qorovulbegi" deb atalgan. XIX asr oʻrtalarida xonlikda chegarada turgan harbiylarga ularni moddiy ahvolini yaxshilash va shu hududda ushlab qolish maqsadida chegarachilarga shu hududdan yer berilgan. Shuningdek, ularga maosh ham toʻlangan. Chegaralarni qoʻrilovchi qoʻshinlar boshligʻi "qorovulbegi" deb atalgan.

**4.Xulosalar:**

Xulosa qilib aytganda, bu davrda Buxoro amirligi, Xiva va Qoʻqon xonliklari hukmdorlarining oʻzaro va tashqi siyosatlarida harbiy kuchlarning ahamiyati tobora ortib boradi. Garchi bu davlatlarda muntazam harbiy qoʻshin tuzish va uni kuchaytirishga, qurol-aslahani yangilashga ma'lum darajada harakat qilganlar. Boʻlajak Rossiya imperiyasi tajovuji xavfining ortib borishi bunday intilishlarni kuchatirgan. Ammo oʻzaro urushlar, feodal tuzum asoslarining kuchliligi, xonliklarning iqtisodiy va sanoat sohasida jahon davlatlaridan ortda qolganligi, harbiy sohada xalqaro hamkorlikning sustligi bunga yetarli darajada imkon bermagan. XIX asr oʻrtalariga kelib Oʻrta Osiyo xonliklaridagi qoʻshin, uning tuzilishi va tarkibi, harbiy tayyorgarligi oʻsha davrdagi zamon talablaridan, yangi harbiy texnikadan, jang taktikalaridan orqada qolgan edi.

**Iqtiboslar/ Сноски/ References:**

1. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. – Tashkent: Sharq, 2012. - p. 126.
2. Azamat Ziyo. History of Uzbek statehood. – Tashkent: Sharq, 2000. - p. 282.
3. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. – Tashkent: Sharq, 2012. - p. 127
4. Troitskaya A.L. Military affairs in Bukhara in the first half of the 19th century. -P. 213.
5. Meyendorf E.K. Travel from Orenburg to Bukhara. – M.: Nauka, 1975. -P. 139.
6. Semenov A.A. Bukhara treatise on the ranks and titles and duties of their carriers in medieval Bukhara // Sov. Vostokoved. -M.-L., 1948. Issue. V. -P.137-153.
7. Meyendorf E.K. Travel from Orenburg to Bukhara. – M.: Nauka, 1975. - p. 140.
8. Meyendorf E.K. Travel from Orenburg to Bukhara. – M.: Nauka, 1975. - p. 139.
9. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. – Tashkent: Sharq, 2012. - p. 133.
10. Troitskaya A.L. Military affairs in Bukhara in the first half of the 19th century. – Dushanbe, 1953. P. 214.
11. Troitskaya A.L. Military affairs in Bukhara in the first half of the 19th century. –Dushanbe, 1953. - P. 214.
12. Meyendorf E.K. Travel from Orenburg to Bukhara. – M.: Nauka, 1975. - p. 140.
13. Alimova D., Rtvladze E. Essays on the history of statehood of Uzbekistan. - Tashkent: Sharq, 2001. - p. 124.
14. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. - Tashkent: Sharq. 2012. - p. 141.
15. Troitskaya A.L. Military affairs in Bukhara in the first half of the 19th century. – Dushanbe. 1953. – p. 216.
16. Troitskaya A.L. Military affairs in Bukhara in the first half of the 19th century. – Dushanbe. -p. 216.
17. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. - Tashkent: Sharq, 2012. - p. 145.
18. Azamat Ziyo. History of Uzbek statehood. – Tashkent: Sharq, 2000. - p. 283-284.
19. Tursunov B.Y. Military work and army in the Kokand khanate: status, management, traditions. Diss. to obtain the degree of Candidate of Historical Sciences. -Tashkent, 2006. -p. 43.
20. Tursunov B.Y. Military work and army in the Kokand khanate: status, management, traditions. Diss. to obtain the degree of Candidate of Historical Sciences. -Tashkent, 2006. -p. 63.
21. Azamat Ziyo. History of Uzbek statehood. – Tashkent: Sharq, 2000. - p. 290.
22. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. – Tashkent: Sharq, 2012. - p. 128.
23. Mirzaolim Mushrif. Ansob us-salotin and tavorix ul-hawaqin. - b. 21.
24. Ibrat. History of Fergana. – Tashkent: Ma'naviat, 2005. - b. 17.
25. Muhammad Aziz Margilani. Tarixi Azizi. – Tashkent: Ma'naviat, 1999. - b. 15.
26. Ilhomov Z. Alikuli Amirlashkar and his role in the political life of Kokand khanate. Diss. to obtain the degree of Candidate of Historical Sciences. – Tashkent, 1997. - d. 73.
27. Tursunov B.Y. Military work and army in the Kokand khanate: status, management, traditions. Diss. to obtain the degree of Candidate of Historical Sciences. – T.: 2006. - p. 66-67

28. CSAUz. I – folder 715, List 1, work 24, page 246.
29. Hamid Ziyoyev. Struggle against Russian aggression and domination in Turkestan. – Tashkent: Sharq. - p. 79.
30. CSAUz. I – folder 715, List 1, work 5, page 33.
31. CSAUz. I – folder 715, List 1, work 23, page 252.
32. Tursunov B.Y. Military work and army in the Kokand khanate: status, management, traditions. Diss. to obtain the degree of Candidate of Historical Sciences. – T.: 2006. - p. 74
33. CSAUz. I – folder 715, List 1, work 23, page 51-52.
34. Haydarbek Bobobekov. History of Kokand. – Tashkent: Fan, 1996. - p. 42-43.
35. CSAUz. I – folder 715, List 1, work 26a, page 116.
36. Yuldashev M.I. Feudal land ownership and state structure in Khiva khanate. – T.: Uzdavnashr, 1959. - p. 246.
37. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. - Tashkent: Sharq, 2012. - p. 129.
38. Troitskaya A.L. Catalog archive Kokandskix khanov XIX century. –M.: Nauka, 1968. - p. 312-313.
39. Troitskaya A.L. Catalog archive Kokandskix khanov XIX century. –M.: Nauka, 1968. -p. 311.
40. Hamid Ziyoyev. Struggle against Russian aggression and domination in Turkestan. - Tashkent: Sharq, 1998. - p. 23.
41. Hamid Ziyoyev. Struggle against Russian aggression and domination in Turkestan. – Tashkent: Sharq,1998. - p. 23.
42. M.I Yuldashev. Feudal land ownership and state structure in Khiva khanate. – T.: Uzdavnashr, 1959. - p. 280.
43. Ziyayeva D. History of military work in Uzbekistan. – Tashkent: Sharq, 2012. - p. 138.
44. N.Abdurahimova, M.Isakova, Z.Suleymanova. History of state institutions. – Tashkent: Sharq, 2007. - p. 44-46.
45. Eshov B. History of state and local government in Uzbekistan. - Tashkent. Yangi asr avlodi. 2012. - p. 308-309.
46. Yuldashev M.I. Feudal land ownership and state structure in Khiva khanate. – T.: Uzdavnashr, 1959. - p. 280.
47. Sodiqov. H., Shamsutdinov R., Ravshanov P., Usmonov Q. New History of Uzbekistan (Book I). – Tashkent: Sharq, 2000. - p. 48.

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
JOURNAL OF LOOK TO THE PAST



## МАШАҚҚАТЛИ ВА ШАРАФЛИ ИЛМ ЙЎЛИ

**Дилафрўз Каримова,**
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори,
катта илмий ходим, ЎзР ФА
Ўзбекистон тарихи давлат музейи,
karimovadilafruz_84@mail.ru

**For citation:** Dilafruz Karimova, A PATH OF ARDUOUS AND HONORABLE KNOWLEDGE. Look to the past. 2021, vol. 3, issue 4, (50-65) pp.

DOI 10.26739/2181-9599-2021-3-7

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф бугунги кун тарих фанининг дарғаси, тарихчи, археолог олим академик Аҳмадали Асқаровнинг ҳаёти, машаққатли ва шарафли илм йўли, археология ва тарих фанига қўшиб келаётган улкан ҳиссаси, олимнинг илмий йўналишларини ёритган.

Шунингдек, академик олим Аҳмадали Асқаровнинг нафақат ташкилотчи раҳбар, балки ҳақиқий фан заҳматкашларидан бири эканлиги унинг илмий-тадқиқот фаолияти асосида республикамизнинг қатор вилоятларида амалга оширилган археологик тадқиқотлар мисолида очиб берилган.

**Калит сўзлар:** археолог, илмий мактаб, илм йўли, олим, бронза даври, деҳқончилик маданияти, Сополлитепа ёдгорлиги, ўзбек халқи, Жаркўтон ёдгорлиги, халқ, илк зардуштийлик, даврлаштириш.

## ТРУДНЫЙ И ДОСТОЙНЫЙ ПУТЬ

**Дилафрўз Каримова,**
доктора философии (Phd) по историческим наукам,
старший научный сотрудник,
Государственный музей истории Узбекистана
karimovadilafruz_84@mail.ru

### АННОТАЦИЯ

В данной статье автор показывает трудный и достойный научный путь учёного историка, археолога – академика Ахмадали Аскарова, вносящего огромный вклад в науку археологию и историю, а так же научные направления учёного.

Также то, что академик Ахмадали Аскаров является не только руководителем-организатором, но и одним из настоящих деятелей науки, раскрывается на примере археологических исследований, проведенных в ряде регионов страны на основе его исследовательской деятельности.

**Ключевые слова:** археолог, научная школа, земледельческая культура, памятник Сапаллитепа, узбекская народность, памятник Джаркутан, народ, ранний зороастризм, хронология.

# A PATH OF ARDUOUS AND HONORABLE KNOWLEDGE

**Dilafruz Karimova,**
doctor of philosophy (Phd)on historical sciences,
Senior Researcher
State Museum of History of Uzbekistan,
karimovadilafruz_84@mail.ru

**ABSTRACT**

In this article, the author describes the difficult and honorable path of science, the great contribution of the historian, archeologist and academician Ahmadali Askarov to the science of archeology and history.

Also, the fact that Academician Akhmadali Askarov is not only a leader-organizer, but also one of the real scientists, is revealed by the example of archaeological research carried out in a number of regions of the country on the basis of his research activities.

**Index Terms:** archaeologist, scientific school, way of science, scientist, Bronze Age, agricultural culture, Sopollitepa monument, Uzbek people, Jarqo‘ton monument, people, early Zoroastrianism, periodization.

---

**1. Долзарблиги:**

Халқимиз “меҳнат кишини улуғлайди”, ўқиш, билим олишга интилиш ҳам меҳнат ҳисобланади. Халқ ўгитлари хазинасида «меҳнатнинг таги-роҳат» деган мақолни бўлиши бежиз эмас. Ўзбек халқининг оддий меҳнаткаш деҳқон оиласида туғилган фарзанд бугунги кунда академик даражасигача етиб келди. Бундай олимларнинг ҳаёти ва илмий йўли барча ёш авлод учун ўрнак бўла олади.

**2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда археолог-олимнинг ҳаёт йўллари, илм йўлидаги машаққатли меҳнат, тинимсиз ўқиш, ўрганиш, амалий тажриба натижасида дунё тан олган академик даражасига етганлиги кўрсатилган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Ўзбекистон ФА нинг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофотининг совриндори, тарих фанлари доктори, таниқли тарихчи-археолог, эзгулик йўлини ўзининг ҳаёт мазмуни қилиб олган бағри кенг шогирдпарвар олим, профессор Аҳмадали Асқаров 1935 йил 25 сентябрда Наманган вилояти Норин тумани Учтепа қишлоғида оддий деҳқон оиласида таваллуд топган. Миллати ўзбек, маълумоти олий. Олим Наманган вилояти, Норин туманидаги ўрта мактабни 1952 йили тамомлагач, Ўрта Осиё Давлат Университетига (САГУ) шарқшунос бўлиш орзусида кириш имтиҳонларини топшириб юқори кўрсаткичларга эришсада, танловдан ўта олмайди. Келгуси йили (1953) Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти тарих-филология факультетининг тарих бўлимига ўқишга кирди. Уни имтиёзли диплом билан 1957 йилда тамомлаган. Отаси Қўзибоев Асқарали ва оналари Ҳамдамова Пайзихонлар саккиз фарзандни вояга етказган ибратли оддий меҳнаткаш оилаларидан бўлган. Оиладаги эзгуликка ташналик, меҳнатга бўлган муносабат руҳининг устуворлиги фарзандларнинг вояга етишувида муҳим роль ўйнаган. Учтепа қишлоғининг энг кекса фахрий ўқитувчиларидан Бойдада Ўтановнинг гувоҳлик беришича, Аҳмадали Асқаров мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ ўқимишли, ҳаёт аччиқ-чучукларини татиган кексалар ўгитини олишга интилар, мактаб устозлари томонидан тавсия этилган дарслик ва бадиий адабиётларни қунт билан ўқир, устозларга чуқур ҳурмат эса унинг ҳаёт мазмунига айланган эди. Мактаб кутубхонасидан бошланган илм хазинаси-кутубхоналарга бўлган интилиш, бутун умр уни маънавий камолат сари етаклади.

Талабалик йилларидаёқ ўзбек археологиясининг отаси, устози таниқли академик олим Яҳё Ғуломовнинг илмий маърузаларини эшитиб, археология фанига бўлган қизиқиши уйғонди ва у киши билан бўлган мулоқотлар ёш Аҳмадали Асқаровнинг кейинги ҳаёт йўлини белгилаб берди. Бир неча ўн йиллар ўтгач, олим ўз ҳаётида из қолдирган уч устози ҳақида хотирлаб шундай ёзади: «Мен ўз касбим бўйича фан сирларини билишда устозла-

рим Я.Ғ. Ғуломов ва М.П. Грязновлардан сабоқ олган бўлсам, раҳбарлик иш фаолиятим сирларини яна бир академик-устоз И.М. Мўминовдан ўргандим».

Аҳмадали Асқаров 1957 йили педагогика институтида ўқишни тугатиб, мактабда бир йил тарихдан ўқитувчилик қилгандан сўнг, илмга бўлган чанқоқлик уни Республика Фанлар академиясининг тарих ва археология институтига етаклади. Аспирантурани узоқ Нева соҳили - Ленинградда, ҳозирги Санкт-Петербург шаҳрида СССР ФА Археология институтининг Ленинград бўлимида таниқли археолог – олим М.П. Грязнов раҳбарлигида муваффақиятли якунлади. 1963 йили 9 январда «Зарафшон дарёси этаклари бронза даврида» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгач, Ўзбекистон ФА Тарих ва Археология илмий-тадқиқот институтида дастлаб кичик илмий ходим (1961-1963), сўнг катта илмий ходим (1963-1966), кейинроқ археология йўналиши бўйича директор ўринбосари (1966-1970) лавозимларида хизмат қилди.

Ёш мутахассисдаги ташкилотчилик қобилияти, археология фанига бўлган фидойилик, ўзига ва атрофидагиларга нисбатан талабчанлик, ҳаётда ва илмдаги принципиаллик, ҳалол-поклик ўша пайтдаёқ Ўзбекистон ФА раҳбарияти эътиборини ўзига тортди. Ниҳоят, Аҳмадали Асқаров 1970 йили янги ташкил этилган Археология институтининг директори этиб тайинланди.

Энди, Аҳмадали Асқаров зиммасида Ўзбекистон ФА Археология илмий - тадқиқот институтининг илмий ва ташкилий жиҳатдан уюштиришдек оғир ва масъулиятли вазифа турарди. Аҳмадали Асқаров ва унинг сафдошлари (Ю. Буряков, А.Муҳаммаджонов, У. Исломов, М. Қосимов, Р. Сулаймонов, А. Абдураззоқов, Т. Мирсоатов, М. Филанович, Т. Ходжайов, Ш. Илхомов, Х. Дуке, Н.Тошкенбоев ва бошқалар) Ўрта Осиёда илк бор ташкил этилган ушбу институтни оёққа тургизиб олишда ҳақиқий фидойилик қилдилар. Самарақандда очилган Археология институтини шакллантиришда Аҳмадали Асқаровнинг илмий ташкилотчилик хизматини алоҳида қайд этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки, янги очилган институт биносини қурдириш ва уни тегишли малакали кадрлар билан таъминлаш ўз ўзидан бўлавермас эди. Бу йўлда учраган сунъий тўсиқлар ва институтнинг жуда оғир кечган ташкилий шаклланиш жараёни ёш директорни чўчитмади, у ўзига хос қатъий ирода билан ҳаёт аччиқ-чучикларини тотишга кўникиб, институтни нафақат Ўрта Осиё минтақасида, балки дунё миқёсида тан олинган илмий марказ даражасига кўтара олди.

Аҳмадали Асқаров ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида институт базасида бир неча бор минтақавий, бутун иттифоқ ва халқаро миқёсида илмий конференциялар, симпозиумлар ташкил этилди. Унинг бевосита раҳбарлигида бирдам, ахил археолог-олимлар жамоаси шаклланди, ўзига хос «Самарқанд археология илмий мактаби» ташкил топди. Аҳмадали Асқаров янги ташкил этилган Археология институтида илмий-ташкилий вазифаларни бажариш билан чекланмади, балки бутун вужуди билан илм қилишга интилди, ҳар йили бир неча ойлаб дала археологик қазишмаларида фаол қатнашди, ёш кадрлар танлашда уларни ўз отряди ва экспедицияси изланишларида қатнаштириб, синовдан ўтгач, ишга олди. Ҳамкасбларининг гувоҳлик беришича, у археологик экспедиция ишларида фаол изланувчи ва раҳбар сифатида доимо бошқаларга ибрат бўлган. Уларнинг эслашларига кўра, устоз кундузлари идора ишлари ҳамда институт кутубхонасида илмий адабиётлар устида ишласа, кечалари археологик лабораторияда докторлик мавзусига доир материаллар устида иш олиб борар, топилмалар чизмаси, таблица ва фото альбом тузишгача бош бўлиб, бошқаларга ибрат бўлар эди. Ана шундай машаққатли,тинимсиз меҳнат эвазига 1976 йилда “Жанубий Ўзбекистонда бронза асри” (Бронзовый век Южного Узбекистана (К проблеме развития локальных очагов древневосточных цивилизаций) мавзусида докторлик ишини якунлаб, 1977 йил 15 апрелда Москвада СССР ФА Археология институти қошида ташкил этилган ихтисослашган илмий кенгашда ҳимоя қилди.

А.Асқаровнинг илмий-ташкилотчилик қобилияти ва археология фанида эришган ютуқлари уни аввал (1984 й.) ЎзР ФА мухбир аъзоси, кейин (1987 й.) эса академиянинг ҳақиқий аъзолигига сайланди. Раҳбарлик поғоналарига кўтарилди. Академик А.Асқаров 1987-1992 йилларда Ўзбекистон ФАнинг “Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими”нинг академик-котиби, Академия президиуми ҳайъати аъзоси бўлиб ишлади. 1991 йилдан Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти директори, 1994 йил июлидан 1998 йил март ойигача Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми аъзоси, “Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик” бўлимининг раиси вазифаларида ишлади.

Аҳмадали Асқаров нафақат ташкилотчи раҳбар, балки ҳақиқий фан заҳматкашларидан биридир. У Бухоро, Қарши-Сурхон чўлларида, Тошкент ва Фарғона воҳаларидан тортиб то узоқ Сибир кенгликларигача бўлган ҳудудларда кўплаб археологик изланишлар ўтказган фидоий тадқиқотчи ҳамдир. Шу давр мобайнида олим Бойкўл (Байкал), Красноярск, Мохандарё, Жанубий Туркманистон археологик экспедициялари ҳамда илмий-тадқиқот ишларида фаол қатнашди. Унинг кўп йиллик илмий изланишлари 19 та монографик асарлар, 600 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп ишларда ўз аксини топган. Уларнинг 50 дан ортиғи хорижий мамлакатларда (инглиз, француз, немис, япон, форс, ва хитой тилларида), 200 дан ортиқ ишлар рус тилида чоп этилган. 2 та ўқув қўлланмаси, 8 та ўқув-услубий ишлар, 175 та илмий-оммабоп мақолалар ўзбек тилида чоп этилган.

А.Асқаровнинг илмий фаолияти кўп қиррали, ватанимиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб соҳаларни қамраб олган. Унинг чоп этилган китоб, рисола ва мақолаларини қуйидаги илмий мавзулар бўйича умумлаштириш мумкин:

- Ўзбекистонда бронза ва илк темир даври тарихи масалалари;
- Ўзбекистонда қадимги суғорма деҳқончилик маданияти, илк шаҳарсозлик маданияти ва илк давлатчилик тарихи масалалари;
- Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи масалалари;
- Археологик манбалар-долзарб тарихий муаммолар ечими хизматида;
- Археология фанининг илмий-услубий ва назарий масалалари;
- Орийлар муаммоси ва унинг археологик-тарихий таҳлили масалалари;
- Археологик манбалар асосида илк зардуштийлик тарихи масалалари;
- Ижтимоий ва илмий - педагогик фаолияти;
- Академик Я.Ғ.Ғуломов археологик илмий мактабининг изчил давомчиси.

**Ўзбекистонда бронза ва илк темир даври тарихи масалалари**

А.Асқаров илмий изланишларини Бухоро вилоятининг шимоли-ғарбий даштларида жойлашган бронза даври ёдгорликларини ўрганишдан бошлади. Унинг бу давр ёдгорликларини ўрганиш борасида қилган ишлари қуйи Зарафшон ва унинг ирмоқлари бўйлаб устоз академик Я.Ғ.Ғуломов олиб борган илмий қидирув ишларининг давомидир. Устоз Я.Ғ.Ғуломов 1951 йилда Зарафшон дарёсининг қуйи ирмоқларидан бири бўйлаб жойлашган Замонбобо кўли ёқасидан энеолит ва илк бронза даврига оид қадимги қабристонни топади ва у ердан 40 дан ортиқ мозорларни очади. Очилган қабрлар ва қабр қурилмаларининг характери, улар ичидан топилган ашёвий далилларнинг ўзга этник гуруҳларга хос ашёлар билан биргаликда учраши дарҳол жаҳон археологлар оммаси эътиборини ўзига тортди. Замонбобо қабристони атрофида турли муаллифларнинг дастлабки муносабатлари чоп этилди. Ушбу объектни кенгроқ ўрганиш, умуман ушбу микроминтақа археологик обидаларини чуқурроқ ўрганиш масаласи кун таркибига қўйилди. Бу вазифа ўтган асрнинг 60 йилларининг бошларида ёш археолог Аҳмадали Асқаров зиммасига юклатилди.

Устоз Я.Ғ. Ғуломов ўртага ташлаган ғоя А. Асқаров илмий изланишлари туфайли янги маълумотлар билан бойитилди. Замонбобо қабристонини ўрганишдан бошланган изланишлар фан оламига Замонбобо маданияти номи билан киритилди. А. Асқаровнинг тиришқоқлиги туфайли бу маданиятга оид қадимги қабристон тўлиқ очилди ва ўрганилди. Шунингдек, зомонбоболиклар яшаган ибтидоий қишлоқ қолдиқлари А. Асқаров томонидан топилиб, у ҳам тўлиқ қазиб ўрганилди. Уй-жой қурилиш қолдиқлари, моддий маданият ашёлари ва дафн урф-одатларини чуқур таҳлил қилиш натижасида мотига деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланган аждодлар маданий мероси Замонбобо маданияти номи билан илмий муомилага киритилди ва бу кашфиёт “Замонбобо маданияти” номи остида қатор мамлакатлар тарихий энциклопедияларида ўз ўрнини топди. Тадқиқотчининг Зарафшон дарёси қуйи оқими туманлари аҳолисининг бронза даври маданиятларига бағишланган илмий изланишлари унинг 20 дан ортиқ илмий мақолаларида, рисола ва “Зарафшон этакларида суғорма деҳқончиликнинг вужудга келиши” [1] номли ҳаммуаллифлик китобида ўз аксини топган.

А.Асқаровнинг илмий фаолиятидаги етакчи йўналишлардан яна бири Жанубий Ўзбекистон - қадимги Бактрия ҳудудидаги бронза даври ёдгорликларини ўрганилиши,

уларнинг қадимги Шарқ цивилизациясида тутган ўрни ва аҳамиятини очиб берилишидир. Шу мақсадда, А. Асқаров Жанубий Ўзбекистонда бронза даври ёдгорликларини фундаментал ўрганиш мақсадида махсус экспедиция уюштириб, унинг доимий илмий-раҳбари бўлиб қолди. Муаллиф 1969 йилдан эътиборан бир неча археологик ёдгорликларни ўрганиб, уларни чуқур тадқиқ этди. Сополлитепа ёдгорлиги тўлиқ очиб ўрганилди. Бундай ҳолат археология фанида камдан-кам учрайди. Сополлитепа нафақат бой топилмалари билан, балки бошқа ёдгорликларни ўрганишда ҳам ўзига хос ноёб «эталон» ёдгорлик бўлиб хизмат қилди. Пшактепа, Кучуктепа, Жарқўтон, Бўстон каби қадимги шаҳар ва қишлоқ қолдиқлари, улар билан боғлиқ дафн маросимлари тизимли равишда ўрганилиб, Марказий Осиё археологиясида ўз ўрнини топди. Олимнинг Жанубий Ўзбекистон ёдгорликларида олиб борган узоқ йиллик изланишлари натижаси 6 та илмий монография ва 100 дан ортиқ илмий рисола ва мақолаларда умумлаштирилди.

Ана шу асарларда чиқарилган муҳим илмий хулосалардан бири Шимолий Бақтрияда қадимги Шарқ цивилизациясининг янги ўчоғи - ўтроқ деҳқончилик ва илк шаҳарсозлик маданиятининг “Сополли маданияти” номи остида фанга киритилиши бўлди. Бу маданиятни келиб чиқиши, унинг ривожланиш босқичлари изчил бешта хронологик босқичларга бўлиниб, улар бой далиллар билан исботлаб берилди [2].

Сополли маданиятини ўрганиш жараёнида топилган минглаб топилмалар Ўзбекистон халқлари тарихида янгидан-янги саҳифаларни очди. Жумладан, қадимги деҳқончилик маданияти деярли 1000 йилга, ипакчилик ва пахтачилик тарихи 2000 йилга қадимийлаштирилди. Ўзбекистонни ипак ва пахтанинг илк ватанларидан бири эканлиги исботланди. Ўзбекистонда боғдорчилик ўзининг серҳосил узум ва анжирлари билан, писта ва бодомлари билан машҳур бўлганлиги аниқланди. Ўзбек давлатчилигининг маҳаллий илдизлари очиб берилди. Биринчи жаҳон дини зардуштийликнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши Жанубий Ўзбекистон археологик ёдгорликлари мисолида кўрсатиб берилди.

Узоқ йиллар давомида олиб борилган узлуксиз дала тадқиқотлари, машаққатли меҳнат, ижодий изланиш А. Асқаровнинг «Жанубий Ўзбекистонда бронза даври деҳқончилик маданияти» номли йирик асарини нашр этилиши асос бўлди [3].

Олимнинг муҳим илмий кашфиётларидан яна бири “Чуст маданияти” типидаги ёдгорликларни Ўрта Осиё ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалиши ва уларнинг келиб чиқиши муаммосини ойдинлаштиришга қаратилди. Авваломбор шуни айтиш керакки, бу типдаги ёдгорликлар учун бир неча умумийлик белгилари бор: масалан, ёдгорликларни бир тарихий вақтга тўғри келиши, уларда бўёқ билан гул солинган сопол идишлар мавжудлиги, кулолчиликда чархдан фойдаланмаслик, қайроқтошдан ўроқсимон меҳнат қуроллари ясаш ва зеби-зийнат ясашда бронза (жез) билан бир қаторда темирдан фойдаланишга ўтиш ва бошқалар. Бугунги кунда Ўрта Осиёнинг 10 дан ортиқ географик районида ана шундай ёдгорликлар мавжудлиги аниқланган. Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида юксак ривожланган ўтроқ деҳқончилик маданияти қаторида Чуст маданияти типидаги ёдгорликларнинг пайдо бўлиши кўпчилик тадқиқотчиларни ўйлантириб қўйганди. Натижада бу маданиятни келиб чиқиши масаласида олимлар орасида ҳар хил ғоя-фикрлар илгари сурила бошланди. Бу масалада А. Асқаров Сурхондарёдаги Кучуктепа ва унга ўхшаш ёдгорликларда илмий изланишлар олиб бориб, янги ғояни ўртага ташлади, яъни “Ўзбекистондаги Чуст, Бурғулуқ, Кучуктепа каби археологик комплексларни шаклланиши туб жойли чорвадор сак қабилаларининг бир қисмини деҳқончиликка қулай маҳаллий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўтроқ деҳқончиликка ўтиш жараёнида юз берди” [4] деган хулосага келади.

Аҳмадали Асқаровнинг асарларида “Қадимги Бақтрия археологик комплекси” масаласи кўтарилди, бу комплекс минтақада Аҳоманийларгача маҳаллий асосда пайдо бўлганлиги исботланди ва унинг бошланиш санаси (милоддан аввалги VIII аср) ва унинг хронологик доираси (милоддан аввалги VIII-IV асрлар) белгилаб берилди. А. Асқаров биринчилардан бўлиб, бу археологик комплексни Эрон Аҳоманийлари билан боғлашнинг асоссизлиги ва унинг тарихий илдизлари Жанубий Ўзбекистоннинг “Сополли маданияти”га бориб тақалишини асослади [5]. А. Асқаров ташаббуси ва бевосита сай-ҳаракатлари билан Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани Оққўрғон қишлоғида қадимги шаҳарсозлик маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи махсус археология музейи ташкил этилди. 1983 йилда ташкил топган бу қишлоқ музейи материаллари кейинчалик Термиз шаҳрида очилган

Археология музейи экспозициясидан жой олди. Оққўрғон археология музейи ҳозир ҳам кенг жамоатчиликнинг эътиборидан тушгани йўқ.

Қадимги шаҳарсозлик маданияти ва илк давлатчилик масалалари

Ўтган асрнинг 70 йиллардаёқ А.Асқаров Ўзбекистонда урбанизация жараёни анъанавий қарашлардан фарқли ўлароқ анча эрта бошланганини қаттиқ ҳимоя қилди. Чунки, Европацентризм назария тарафдорлари яқингача Ўрта Осиёнинг илк шаҳарсозлик маданияти ва давлатчилигининг маҳаллий илдизлари бўлмаган, бу юртга юксак маданиятли давлатчиликни Эрон Аҳоманийлари ва Македонияли Искандар босқини даврида келтирилган маданиятлар қоришмасидан иборат [6], деган тарихий ҳақиқатга зид тасаввурни туғдириб келдилар.

Илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичларини ўрганишда А. Асқаровнинг Сополлитепа, Жарқўтон [7], Бўстон, Кучуктепа каби ёдгорликларда олиб борган қазишма ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Сополлитепада шаҳар маданиятини дастлабки белгилари кузатилган бўлса, Жарқўтонда илк шаҳарнинг барча элементлари мавжуд эди, яъни бундан 3,5 минг йил олдинги шаҳар маданияти билан боғлиқ оташпарастлик ибодатхонаси, шаҳар ҳокимининг саройи, мудофаа девори билан ўралган «Арк» қолдиқлари қазиб очилди. Ўзбекистонда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши тарихи роса минг йилга қадимийлаштирилди, яъни илк шаҳар санаси милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари билан белгиланди.

А. Асқаров илк шаҳарларни пайдо бўлиши ва ривожланиши борасидаги туркум кашфиётлари [8] учун гуруҳ илмий раҳбари сифатида 1985 йилда Ўзбекистон Республикасининг Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. 1984 йилда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси ва 1987 йили эса Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда академик А. Асқаров изланишлари туфайли қўлга киритилган бирламчи археологик манбалар, шунингдек археологлар жамоаси томонидан Ўрта Осиё ҳудудларида олиб борилган кенг кўламли изланишлар ва уларнинг илмий таҳлили асосида муаллиф қуйидаги илмий хулосаларга келади.

А. Илк шаҳарсозлик маданияти масаласида: А. Асқаров Ўзбекистонда илк шаҳарсозлик маданиятини ўрганишда Сополлитепа, Жарқўтон, Кучуктепа каби қатор бронза дари ёдгорликларида кенг кўламли археологик қазишмалар олиб бориб, қўлга киритилган бой материаллар илмий таҳлили асосида Ўзбекистон тарихини янги ғоялар ва муҳим хулосалар билан бойитди:

1) Ўзбекистон Республикасининг жанубий вилоятларида мил. авв. II минг йилликнингбиринчи ярми давомида қадимги шарқ цивилизациясига хос тарихий шароитда юксак ривожланган илк шаҳар маданияти таркиб топди. Ушбу қадимги шаҳар маданиятининг иқтисодий, ижтимоий ва этномаданий асослари Сурхондарё вилоятининг Шеробод воҳасида қад кўтарган ноёб археологик ёдгорликлар – Сополлитепа ва Жарқўтон мисолида ўрганилди.

2) Агар Сополлитепа ўзининг қадимги шаҳарсозлик маданиятига хос барча аломатлари билан протошаҳар, яъни Авестода тилга олинган "Вара" типидаги шаҳарни эслатса, Жарқўтон ёдгорлиги Ўзбекистон ҳудудида биринчи бор шаклланган том маънодаги қадимги шаҳар эди. Жарқўтон қадимги Шарқ шаҳарларидан таркиби жиҳатидан фарқ қилмайди.

3) У ёки бу ёдгорликни қадимги шаҳар деб аталиши учун қўйиладиган илмий талаблардан келиб чиқилганда ҳам Жарқўтон у талабларга тўлиқ жавоб бериши мумкин бўлган ноёб ёдгорликдир. Қадимги Шарқ шаҳарларига хос бўлган биринчи аломат – шаҳар майдонида Арки аъло ва шаҳристон таркиб топган бўлиши лозим бўлса, Жарқўтонда бу содир бўлган, яъни майдони 100 гектардан кам бўлмаган Жарқўтонни "Чимқўрғон" деб аталган 3 гектарли арки аълоси ва унга туташиб кетган "шаҳристони" шаклланган.

Иккинчи аломат- ўтроқ деҳқончилик маданияти аҳолиси зич жойлашган маскан атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиши Сополлитепа ва Жарқўтонда ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Учинчи аломат – шаҳар Арки қисмида монументал маҳобатли қасрни, яъни умумшаҳар жамоаси бошлиғининг қароргоҳини ташкил топиши Жарқўтонда ўз аксини топган.

Тўртинчи аломат – шаҳар майдонида барча учун баробар хизмат қилувчи бош саждагоҳ – диний мафкура маркази шаклланган бўлиши керак. Жарқўтонда шундай бош саждагоҳ

– маҳобатли монументал ибодатхона таркиб топган.

Бешинчи аломат – қадимги шаҳарда ҳунармандчиликнинг турли тармоқларини профессионал даражада таркиб топган бўлиши. Сополлитепа ва Жарқўтонда бу йўналиш юксак даражада ривожланган. Айникса, бу ёдгорликларда кулолчилик, металлургия, тўқимачилик, амалий санъат, уй-жой қурилиши соҳлари бўйича ихтисосланиш жараёни профессионал даражада бўлганлиги яққол кўзга ташланади.

Олтинчидан, шаҳар ҳунармандчилик маҳсулотлари нафақат ички бозор, балки ташқи бозор учун ҳам кенг кўламда ишлаб чиқарилган [9]. Масалан, ушбу қадимги шаҳар маданиятига тегишли кулолчилик ва зеби-зийнат маҳсулотларини Ҳинд водийси ва узоқ Хитой ҳудудларигача кириб борганлиги ҳақида, Хитой ипак маҳсулотларини қадимги Бақтрия ҳудудларига кириб борганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ашёвий далиллар мавжуд. Демак, бу ўша давр шаҳар аҳолиси таркиби ҳақида фараз қилишга ишора бўлиб, қадимги Жарқўтон шаҳар аҳолиси эркин деҳқон жамоалари – кашоварзлардан ташқари шаҳар ҳунар ва савдо аҳлидан иборат бўлган. Шаҳар ҳаёти нафақат диний, балки дунёвий жиҳатдан ташкил этилган бошқарув тизими асосида бошқарилган. Шаҳар ҳукмдорининг монументал кошонасининг Арки Аълода шаклланиши бунга далолатдир.

**Б. Ўзбекистонда илк давлатчилик тизими масаласида:**

1) Археологик ёдгорликлар ва уларнинг даврий кетма-кетликда таркиб топиш жараёнлар таҳлилига кўра, Ўрта Осиё, жумладан ўзбек давлатчилигининг тарихий илдизлари бронза даврига бориб тақалади.

2) Айнан шу даврда ерга ва чорвага эгалик қилишликнинг хусусий шакли пайдо бўлади. Ерга хусусий эгалик қилиш моногомик жуфт оиланинг катта патриархал оила даражасига ўсиб чиқишидан бошланади. Айнан шу шароитда жамоа мулкчилигининг ижтимоий характери тагига зил кетиб, унинг ўрнини патриархал хусусий мулкчилик эгаллайди. Ерга ва чорвага хусусий эгалик қилишликнинг пайдо бўлиши давлатчиликнинг келиб чиқишига олиб келади. Давлатчиликнинг дастлабки, илк куртаклари катта патриархал оилалардан бошланиб, уларнинг мужассамлаштирган қишлоқ жамоалари – вислар даражасидаги кўриниши илк давлатчиликнинг тарихий илдизларини ташкил этади.

3) Авесто кадхудотлари, яъни виспатилар давлатчиликнинг илк куртаги бўлса, Авесто жамиятининг занту босқичида, вислардан ташкил топган илк шаҳар шаҳар – давлатчилигининг асосини ташкил этган. Шаҳар-давлат амалда бир неча микровоҳа доирасидаги висларни диний ва сиёсий жиҳатдан бирлаштирган воҳа давлатчилигининг бош шаҳри, сиёсий ва диний қароргоҳидир. Масалан, Жарқўтонни шу мақомда таҳлил этиш мумкин. Демак, Жарқўтон нафақат шаҳар - давлат, балки Шеробод воҳаси доирасидаги воҳа давлатчилигининг диний бошқарув маркази ҳамдир. Ўзбек давлатчилигининг бу босқичида диний-илоҳий қудрат катта нуфузга эга бўлиб, маҳкамачилик ишлари шаҳар бош ибодатхонаси қошида мужассамлашган. Шунинг учун ҳам илк давлатларнинг бош ибодатхоналари монументал характерда бўлиб, пойтахт-шаҳарнинг Бош Оташгоҳи ибодатхона комплексини ташкил этган. Бу ўзбек илк давлатчилигининг иккинчи бўғинидир.

4) Давлатчиликнинг учинчи бўғини илк темир даврига хос бўлиб, бу давр давлатчилиги маълум бир ҳудудий доирадаги шаҳар-давлатларнинг конфедерациясидан иборат. Ўрта Осиё мисолида бундай давлатлар туркумига “Катта Хоразм” ва “Қадимги Бақтрия подшолиги”ни киритиш мумкин. Уларнинг бошқарув тизими мутлақо демократик принциплар асосида қурилган. Диний, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан бошқарув кавийлар қўлида мужассамлашган. Бу даврга хос давлатчилик нафақат жанубий Ўзбекистонда юз берди, балки бу жараён Жанубий ва Марказий Суғд ҳудудларигача кириб боради. Бу ҳақда Даратепа, Узункир, Сангиртепа, Кўктепа, Афросиёб, Лолазор каби ёдгорликлар гувоҳлик беради.

Урбанистик жараёнлар илк темир даврининг ўрта босқичидан (мил.авв. VI-V асрлар) Ғарбий Суғдга (Бухоро воҳаси) ва Хоразм воҳасига кириб боради. Айнан шу кезларда Амударёнинг қуйи ҳавзаларида Аҳоманийлардан мустақил “Қадимги Хоразм” давлати ташкил топади. Унга хос моддий маданият обидалари Кўзалиқир, Қалъалиқир, Хумбузтепа, Дингилжа, Хозарасп, Қўйқирилган қала каби ёдгорликлар мисолида ўрганилган.

5) Давлатчиликнинг тўртинчи бўғини антик даврига хос бўлиб, бу даврда Ўрта Осиёнинг жанубида Юнон-Бақтрия ва Кушонлар салтанати таркиб топади, минтақанинг шимолий ва шимолий-шарқида эса Қанғ давлати ва Довон (Дайюан) подшолиги ташкил топади. Уларнинг бошқарув тизими бир хил эмас эди. Қанғ ва Довон подшоликлари шаҳар-давлат

ва занту мақомидаги илк давлатчиликнинг конфедератив уюшиши асосида қурилиб, давлат бошқарув тизимида анъанавий демократик принциплар давом этади, диний-илоҳий қудрат катта нуфузга эга, давлат бошлиғининг ҳуқуқи оқсоқоллар кенгаши олдида чекланган эди.

Юнон-Бақтрия ва Кушонлар салтанатида эса давлат бошқарувида якка хокимлик принципи устувор бўлиб, мамлакат сиёсий ҳаётида ҳарбий ҳукмдорлик мавқеи диний-илоҳий қудрат ҳомийлигида бўлган. Унинг инъикоси ҳар икки давлатнинг танга пулларида ўз аксини топган. Агар Юнон-Бақтрия давлати эллинизм анъналари асосида ривожланган бўлса, Кушонлар салтанати унинг мақбул бошқарув жиҳатларини ўзига сингдириб, маҳаллий анъаналар асосида ривожланиш йўлидан борган. Бу ҳақда Кушонлар подшоси Канишка ислоҳотлари гувоҳлик беради.

6) Давлатчиликнинг бешинчи бўғини илк ўрта асрлар даврига хос бўлиб, уни шимолий Бақтрияда Чоғаниён, Термизшоҳ ва Гуфтан хокимликлари, Марказий ва Жанубий Суғдда рустак доирасида шаклланган ихридлик ва ихшидликлар, Ғарбий Суғдда таркиб топган бухорхудодлар, Чочда чоч маликлари, Уструшонада афшинликлар, Илоқда деҳқонзодалар, қадимги Фарғонада ташкил топган ихшидликлар мисолида тасаввур этиш мумкин.

7) Давлатчиликнинг олтинчи бўғини бутун бир водий доирасида қатор туман, рустак, афшин, малик, худот, аслзода деҳқон мулклари асосида таркиб топган тарихий вилоятлар давлатчилигидир. Улар тарихда бизга Суғдиёна, Бақтрия, Марғиёна, Парфиёна, Хоразм, Фрагана, Чоч, Уструшона каби этногеографик топонимлар тимсолида маълум. Бу олти босқич давлатчилигининг иқтисодий хўжалик асосини савдо-сотиқ, ўтроқ деҳқончилик ва сертармоқли ҳунармандчилик ташкил этган.

Агар давлатчиликнинг бешинчи бўғини илк ўрта асрларга хос туман-рустак доирасидаги давлатчилик бўлса, унинг олтинчи бўғини тарихий-маданий вилоятлар давлатчилиги, туб маънодаги илк феодализм давлатчилигидир. Бу давр давлатчилигининг иқтисодий асосини натурал хўжалик ташкил этади.

8) Давлатчиликнинг еттинчи бўғини ривожланган ўрта асрлар даврига хос бўлиб, бу даврда тарихий-маданий вилоятларни ижтимоий-иқтисодий, этномаданий ва ҳарбий-сиёсий жиҳатдан бирлаштирган марказлашган феодализм даври давлатчилигидир. Бу босқич давлатчилигининг этник асоси одатда кўп компонентли бўлиб, унинг иқтисодий негизини асосан савдо-сотиқ ва натурал хўжалик ташкил этади. Дастлаб, Ўрта Осиё ҳудудий доирасида таркиб топган шундай марказлашган феодал давлатлар – Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Ғазнавийлар ва Хоразмшоҳлар давлати эди.

Ўрта Осиё давлатчилигининг бу бўғини ягона этномаданий бирликлар асосида шаклланмаган. Улар этник жиҳатдан кўп компонентли сулолавий феодал давлатлар бўлиб, улар тепасида якка ҳокимликка асосланган бюрократик тоталитар бошқарув тизими ҳукмрон эди.

## Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи масалалари

Тарихимиздаги энг муҳим, нозик ва илмий ечимини кутаётган масалалардан бири – бу ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи муаммосидир. Бу муаммо узоқ вақтлардан бери кўплаб соҳа мутахассислари томонидан ўрганилиб келинмоқда. Аммо, бу масалага қизиқиш кейинги 20-30 йил ичида тўпланган археологик ва антропологик материалларни ортиши ва айниқса Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг янада кучайди. Академик А.Асқаров ўз тадқиқотларида, бу муаммони ўрганишда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва генетик-популяция соҳаларини чуқур тадқиқ этиш зарур замон талаби эканлигинини асосий вазифа қилиб қўйди. Аҳмадали Асқаров ўзбек халқининг этник асоси икки илдизли, яъни маҳаллий, туб жойли туркий ва эроний этник гуруҳларнинг узоқ асрлар давомида аралашиб, ўзаро табиий қоришиб кетиши натижасида таркиб топган этнослардан иборат. Уларнинг тарихий илдизлари неолит даврига бориб тақалади. Бу тарихий илдизнинг бирини этник асоси прототурк аждодларга бориб тақалса, иккинчиси протоэроний тил соҳиблари бўлган. Аммо улар, неолит даврида бир-бирлари билан қоришмаган. Уларнинг илк бор қоришуви бронза даврида юз берди [10], деган хулосага келади. Бундай хулоса асосида биринчи навбатда археологик, антропологик материаллар ва ёзма манбалар ётади.

Халқларни келиб чиқиши масаласида, у қатъий туриб ҳимоя қилаётган илмий концепция - ҳар бир халқнинг келиб чиқиш тарихи уч босқичдан иборат эканлиги кўрсатиб беришдан

иборат. Биринчи босқич муайян халқнинг шаклланиш жараёни, яъни унинг этногенез тарихи, иккинчи босқич унинг этник тарихи ва учинчи босқич миллат тарихидан иборат эканлиги масаласидир. Халқ тарихининг этногенез қисми унинг элат, халқ бўлиб шакллангунига қадар давом этган тарихдан иборат. Этногенез якунида этносга хос барча этник белгилар ва омиллар мужассамлашган бўлади.

Фанда этносни уюштирувчи зарурий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар ва этник белгилар мавжуд. Улар этногенезнинг ажралмас бўлаклари бўлмиш ҳудудий бирлик, ижтимоий-иқтисодий хўжалик бирлиги, этно-маданий бирлик, тил бирлиги, этник ном бирлиги, ўзликни англаш бирлиги ва ниҳоят этно-сиёсий бирлик, яъни сиёсий давлат уюшмаси бўлиб, қачонким уларнинг барчаси содир бўлгандагина этнос-халқ шаклланиши ўз ниҳоясига етади [11].

Этнос шаклланагч, - дейди Аҳмадали Асқаров,- халқнинг этник тарихи бошланади. Этник тарих эса феодал жамиятининг ижтимоий маҳсулидир. У ҳам халқ этногенези каби узоқ давом этадиган этнотарихий жараён бўлиб, қачонким жамият капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларига ўтгач, этник тарих (халқ тарихи) ўзининг миллат босқичига ўта бошлайди. Шунинг учун миллат капиталистик жамиятнинг ижтимоий маҳсулидир, деган принципга асосланади.

Маълумки, Ўрта Осиё қадимдан ўтроқ деҳқончилик маданияти ўчоғи ҳисобланган. Бу ерда азал-азалдан Турон халқларининг (айниқса, ўзбек ва тожик хақлари) бобоколонлари ёнма-ён, қон-қардош бўлиб яшаганлар. Улар ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнда деярли бир вақтда халқ, элат сифатида шаклланган [12].

Археолого-этнографик ва ёзма манбаларга кўра милоддан аввалги VIII-VII асрлардан эътиборан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган аҳоли ўзлари истиқомат қилган воҳалар номи билан Сўғдиёнада-сўғдийлар, қадимги Бақтрияда - бохтарлар, мил. аввалги VI асрдан қадимги Хоразмда - хоразмийлар, мил. аввалги IV-III асрлардан қадимги Фарғонада-фарғаналиклар, қадимги Чочда - чочликлар, атрофдаги даштлар аҳолиси саклар деб аталган. Улар ҳозирги Туркистон халқларининг элат сифатида шаклланишида асосий этник қатламни ташкил этганлар. Улар то халқ бўлиб шакллангунларига қадар узоқ тарихий жараённи босиб ўтганлар. Ана шу тарихий жараёнлар давомида ҳозирги ўзбеклар ва воҳа тожикларига хос тип- «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи» шаклланган. Бу ирқий тип антропологик маълумотларга кўра, неолит ва бронза даври материалларида учрамайди. Профессор Т.К. Ходжайов хулосасига кўра, бу тип фақатгина милоддан аввалги аср охирлари ва милодий аср бошларида Сирдарёнинг ўрта ва қуйи ҳавзаларида шаклланади [13].

Аҳмадали Асқаров дастлаб ишни ўзбек халқининг этногенез ва этник тарихини маълум изчил хронологик даврлаштиришдан бошлади. Унинг кейинги йилларда олиб борган тадқиқотларида ўзбек этногенезининг бошланиши бронза давридан бошланади [14], деган ғояни ўртага ташлади. Шу муносабат билан муаллиф қатор илмий мақолаларини ўзбек этногенези ва этник тарихини назарий ва методологик масалаларига бағишлади [15]. Туркий этнос бу заминда жуда қадимдан мавжуд эканлигини (неолит даври) илмий асослади. Ўзбек халқи туб жойли турк-сўғдий этномаданий майдонда шаклланганлигини исботлаб берди. Ўзбек халқининг шаклланиш босқичларини ишлаб чиқди. Унинг биринчи босқичи сўнгги бронза даври билан боғлиқ бўлса, иккинчи босқич антик давр этногенетик жараёнлари билан характерланади, учинчи босқич хионийлар, кидарийлар ва эфталийлар билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Айни вақтда ўзбек халқининг иккинчи, учинчи босқичлари археологик материаллар таҳлилига кўра “Қовунчи маданияти”нинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ эканлигини илмий асослайди [16]. Туркий ва суғдий тилли қабила ва элатларнинг қоришуви асосида қанғар элатининг таркиб топиши ҳақидаги таниқли этнолог К. Шониёзов хулосаларини ривожлантиради. Қовунчи маданиятининг таъсири милодий эранинг II-III асрларидан Фарғона водийсининг шимолий ҳудудларига, Сўғдиёнанинг марказий районларига, кейинроқ IV-V асрларда Бухоро, ҳатто Сурхондарё ҳудудларигача кириб борганлиги қайд этилади.

А. Асқаровнинг этник тарих соҳасидаги муҳим хулосаларидан бири прототурк этник қатламни протоэроний тилли этник қатлам билан автохтон, азалдан ёнма-ён яшаб келган этник бирлик эканлиги ҳақидаги ғоясидир. Узоқ вақт фанда туркий тилли халқларни ҳозирда яшаб турган она-ватанларига Олтой томондан кўчиб келган, деган мавҳум

фикр бор эди. Бу ғояни акси ўлароқ, А. Асқаров илмий изланишларида антропологик ва археологик материалларга асосланиб, Авесто турлари аслида ўз тарихий илдизларига кўра, прототуркийлар бўлганлигини асослайди.

Ўзбек этногенезининг тўртинчи босқичи А.Асқаров изланишларига кўра, VI асрнинг II ярмидан бошланади, яъни Ўрта Осиё ҳудудларида Турк хоқонлиги ҳукмронлигининг ўрнатилишидан бошланади. Ўрта Осиё сарҳадларини Турк Хоқонлиги тасарруфига ўтиши туркийлашиш жараёнини тезлаштирди, туркий ва суғдий забон элатларни бир-бирлари билан аралашиб кетиши жараёни кучайди. Минтақа Араб халифалиги тасарруфига ўтгач, туркий қавмларнинг чорвадор тоифасини ўтроқлашиш жараёни янада жадаллашди. Ўрта Осиёнинг шимолий, шимоли-шарқий районларида туркий жой номларининг янада кўпайиши кузатилади.

Маълумки, IX асрнинг 40-йилларида Қарлуқлар давлати Мовароуннаҳр шарқида ташкил топади. X аср ўрталарида у Қорахонийлар давлатига айланади. Шундай қилиб, Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқида Қорахонийлар давлати ҳудудий доирасида туркий этник қатламнинг ўтроқлашиш жараёни жадал кечади, унга хос моддий маданият, туркий тил ва аҳолининг жисмоний тузилишида умумийлик (ўхшашлик) каби этник белгилар, айниқса ўзликни англаш руҳияти шаклланади. Қорахонийлар давлати сиёсий доирасида Мовароуннаҳр турклари билан бирлашиш ғоялари кўтарилади. Ўша кезларда иқтисодий ва этномаданий жиҳатдан қудратли бўлган Сомонийлар давлатида туркий ҳарбий кучлар, турк саркардалари қўлида эди. Мовароуннаҳр туркий муҳитига таянган Қорахонийлар давлатининг ҳарбий қўшини X аср охирларида Мовароуннаҳр сарҳадларига кириб келади. Ўзбек этногенезининг чуқур билимдони А.Ю. Якубовскийнинг таъкидлашича, Мовароуннаҳрда бирор қишлоқ ва шаҳар қолмадики, улар кириб бормаган жойлар бўлса [17]. Айнан шу даврдан бошлаб ўзбек этногенезининг бешинчи босқичи бошланиб, Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида ўзбек элати халқ сифатида узил-кесил шаклланади. Ўзбек халқи узил-кесил шакллангач, энди унинг этник тарихи бошланади [18].

Академик Аҳмадали Асқаровнинг этногенез масаласида илгари сураётган ғоялари, баъзи бир олимлар қарашларидан кескин фарқ қилиб, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини қўшни тожик, қирғиз, туркманлар тарихи билан бир бутунликда, яхлит ҳолда ўрганиш муҳимлигини таъкидлайди. «Марказий Осиё халқларининг келиб чиқиш илдизи, ўқ томири битта. Агар у халқларни забардаст бир мевали дарахтга ўхшатсак, ўша дарахтнинг танаси, ўқ илдизи сак-массагет, суғдий, хоразмий, бохтар, чочлик ва парғаналик эди. Ана шу тананинг бир пайванд шохи тожик бўлса, иккинчи пайванд шохи ўзбек бўлди. Ўша дарахтни учинчи пайванд шохи туркман бўлса, унинг тўртинчи пайванд шохи қирғиз эди. Бешинчи пайванд шохи қозоқ бўлса, у дарахтнинг яна бир пайванд шохи қорақалпоқ халқи эди. Демак, Ўрта Осиё ҳудудида қадимдан яшаган туркий ва эроний тилли халқларнинг илдизи бирдир» [19].

Этногенез масалалари борасидаги комплекс тадқиқотлар давом этмоқда. Таъкидлаш жоизки, Аҳмадали Асқаров этнос тарихининг назарий ва илмий-методологик масалаларига бағишланган услубий мақолаларида «халқ» ва «миллат», улар ўртасидаги фарқларга алоҳида эътибор қаратади. Бу ҳақда ҳозиргача фанда аниқ тасаввур йўқлигини таъкидлайди ва ушбу масалада ўзининг аниқ фикр-мулоҳазаларини баён этади. Ниҳоят, мана шу масалалар юзасидан яна бир янги, фундаментал монографик тадқиқотни якунлаб, “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” номи остида 2015 йилда чоп эттирди.

## Археологик манбалар - долзарб тарихий муаммолар ечими хизматида

Кенг кўламли археологик қазишмалар, стратиграфик шурфлар қазиш ва ёдгорлик микротопографиясини ўрганиш натижасида тўпланган артефактлар қадимги тарихни ўрганишда бирламчи манба бўлсада, аммо улардан тарихий хулосалар чиқаришда ҳамма археологлар ҳам тавсифчи тадқиқотчидан таҳлилчи тарихчи даражасига кўтарила олмайди. Одатда археолог артефактларни маданий қатламларда учраш ҳолатига эътибор беради, уларни тавсифлайди, классификация қилади, қиёсий параллеллар қидириб, асосий эътиборни ёдгорлик ёшини аниқлашга қаратади. Бироқ, археология ва антропология, этнография ва топонимика, этнология ва тарихий лингвистика, нумизматика ва гералдика каби фан йўналишлари ҳам мавжудки, уларнинг материаллари таҳлили ва талқинисиз

илмий тарихни тиклаб бўлмайди. Бу масалада А.Ю. Якубовский, С.П.Толстов, Я.Ғ.Ғуломов, М.П.Грязнов, В.М. Массон каби фан дарғаларининг Ўрта Осиё халқлари қадимги тарихи учун хизмати беқиёсдир.

Масалан, А.Ю. Якубовскийнинг ўрта асрлар даври археологик обидаларининг тарихий топографияси ҳамда археологик ва ёзма манбалар таҳлили асосида ўзбек халқининг этногенези масаласида, унинг икки тарихий илдизи ҳақида ўртага ташлаган тарихий хулосалари ҳозиргача ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган. С.П. Толстовнинг қадимги Хоразм воҳасида олиб борган кенг кўламли комплекс характердаги изланишлари Ўрта Осиё халқлари қадимги тарихининг даврлаштиришда, археологик артефактларни қадимги ва ўрта асрлар даври тарихининг тиклашда бирламчи манба сифатида фойдаланиб, улардан чиқарган қатор тарихий ғоялари фундаментал характерга эга. Я.Ғ. Ғуломов ёзма манбалар, этнографик ва археологик материалларнинг қиёсий тарихий таҳлили асосида қадимги Хоразмнинг суғориш тарихини яратди. Унинг бу фундаментал асари Ўрта Осиё минтақасида деҳқончилик маданиятининг келиб чиқиш илдизлари ҳақида намунавий фундаментал асар сифатида ҳозиргача ўзининг илмий-услубий ва назарий эталон ролини йўқотмаган. В.М. Массон ва унинг издошлари олиб борган кенг кўламли археологик тадқиқотлар ва уларнинг тарихий талқини туфайли Ўрта Осиёда ўтроқ деҳқончилик маданияти, қадимги шаҳарсозлик маданияти ва унинг тарихий илдизлари ҳақидаги илмий хулосалари минтақа ўтмиш тарихини сохталаштиришга қаратилган евроцентрик қарашларни пучга чиқарди [20]. М.П. Грязнов археологик ёдгорликларни илмий ўрганишда тенгги йўқ услубчи олим. Унинг объектларни қазиш вақтидаги ўзига хос илмий изланишлари археологни артефактлардан қандай қилиб тарихий хулосалар чиқаришга йўналтиради.

Бу фан дарғаларининг илмий мактабларида тобланган Аҳмадали Асқаров улар йўлидан борди ва оддий археологдан археологик манбаларни тилга кирита оладиган, улардан тарихий хулосалар чиқаришда устозлардан кам бўлмаган етук тарихчи даражасига кўтарила олди. А.Асқаров археологик манбаларни долзарб тарихий муаммолар илмий ечимини топишда, оригинал янги ғояларни кўтаришда фаол бўлди. Кези келганда археологик артефактларга асосланиб, муаммовий масалаларга аниқликлар киритди, уларни ривожлантирди ва баъзида етарли материалларсиз ўртага ташланган фаразларга танқидий ёндашди ва ўз қарашларини илмий жасорат кўрсатиб, китобхонга айта олди. Масалан, хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ҳақида, илк давлатчиликнинг ижтимоий-иқтисодий асослари ҳақида, орийлар масаласида, уларнинг дастлабки этник асоси ва тили масаласида, ўзбек халқи, умуман минтақа туркий элатларининг автохтон асослари ҳақида, "Катта Хоразм" ва "Қадимги Хоразм", уларнинг этногеографик ҳудудий доираси ҳақида, қадимги Хоразм цивилизациясининг тарихий илдизлари ҳақида ва яна қатор бошқа масалаларда мавжуд тасаввурлардан фарқли ўларок, ўз қарашларини моддий ва ёзма манбаларнинг янгича талқини ва таҳлили асосида дадил ўртага ташлади. Унинг бу чиқишлари археологик манбаларни долзарб тарихий муаммолар илмий ечимига йўналтира оладиган етук тадқиқотчи эканлигидан далолат беради.

**Археология фанининг илмий-услубий ва назарий масалалари**

Қадимги тарихимизнинг ўрганиш бобидаги мураккаб масалаларни ечилиши кўп жиҳатдан археологик қазишмалардаги қўлланиладиган услубиётга ва назарий йўлланмаларга боғлиқ. Аҳмадали Асқаров ўз илмий-ижодий фаолиятида илғор, замонавий илмий-услубий ёндашишлардан фойдаланишга интилиб, уларни ўзи ўрганаётган ёдгорликларда фойдаланишга ҳаракат қилди ва уларда тадбиқ этди. Бунинг мисоли сифатида Сополли ва Жарқўтон ёдгорликларида олиб борилган қазиш пайтида ва лаборатория шароитида фойдаланилган табиий ва аниқ фанлар услубларини келтириш мумкин. Умуман, 1969 йиллардан Аҳмадали Асқаров раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган Сурхондарё комплекс археологик экспедицияси турар-жойларнинг меъморий қолдиқларини, қадимий қабрларни кавлаб очиш бўйича мукаммал ўз услубини ишлаб чиқди. Бу услубий йўллардан ҳозирда ҳам, келажакда ҳам кўплаб археологлар дастурамал сифатида фойдаланадилар.

Тадқиқотчининг умумтарихий ва маданий-ижтимоий соҳалар бўйича қилган назарий ишлари таҳсинга сазовардир. Айниқса дастлабки шаҳарлар ва урбанизация жараёнлари назарий асосларини ишлаб чиқилганини эслатиб ўтиш ўринлидир. Археологик

материалларни жалб этиш асосида илк шаҳарларни «моделлаштириш» ва бу асосда тарихий жараённи тиклаш борасида маълум натижаларга эришилди. Сополлитепа учун археологик ва этнографик материаллар асосида (ёдгорлик майдони, мудофаа деворлари, ҳунармандчилик ривожини солиштириб) ёдгорликнинг ҳар бир тарихий давридаги аҳоли сони, уни яшаш жойига нисбатан зичлиги, аҳолига кетган озиқ-овқат (буғдой) миқдори ҳисоблаб чиқилди.

Бу маълумотлар бошқа бир катта ёдгорлик Жарқўтонда тўлдирилди, шаҳар маданиятини кейинги ривожини ўрганиш чуқурлаштирилди. Сополли-Жарқўтон шаҳар маданиятининг босқичма-босқич ривожланишини, кичик бир ҳудуддан катта воҳаларга ёйилишини бой археологик материаллар асосида назарий жиҳатдан ишлаб чиқилди ва муаллиф ҳамкасблари билан ҳамкорликда археологиянинг назарий услуби бўйича махсус монография чоп этди [21].

## Орийлар муаммоси ва унинг археологик-тарихий таҳлили масалалари

Академик Аҳмадали Асқаровнинг мустақиллигимиз муносабати билан тарихимиз сар чашмасига қўл ура бошлаган яна бир муаммоларидан бири орийлар масаласидир. Дарҳақиқат, совет даври тарихшунослигида қадимги ҳинд ва эроний қабилаларнинг муқаддас китоблари-«Ригведа» ва «Авесто»да орийларнинг илк ватани-Арьянам вайжа бўлиб, у чорва ва яйловларга бой ўлка сифатида таърифланади. «Ригведа» ва «Авесто» тилининг баъзи бир жиҳатлари ҳозирги замон Европа халқлари тили билан монанд эканлиги қайд қилиниб, орийлар Марказий ва Шарқий Европадан Ўрта Осиё ва Кавказ орқали Эрон ва шимолий Ҳиндистон ҳудудларига бориб қолган ва ўз навбатида маҳаллий аҳоли тилини эронийлаштирган. Орийларнинг шимолдан жанубга миграциясини эроншунос лингивистлар Авесто ва Веда ривоятларига таяниб, мил. авв. II минг йиллик ўрталарида юз берди, деган концептуал фаразни кўтариб чиқадилар. Демак, қадимги эроний қабилаларнинг аждодлари Евроосиё дашт минтақаларининг азалий аҳолиси бўлиб, қадимги эроний тил жанубий минтақаларга ана шу юртлардан тарқалган, яъни ҳинду-эрон орийларининг маҳаллий аҳоли билан қоришуви асосида маҳаллий аҳоли орийлар тилини ўзлаштириб, минтақада эроний тиллар шаклланади, деган тушунчалар ҳукмронлик қилиб келди. Мана шу ғоя Ўзбекистонда, хатто бугунги мустақиллик даврида чоп этилган айрим адабиётларда ўз аксини топишда давом этмоқда [22].

А. Асқаров юқорида келтирилган тушунчалар ҳақида ўз қарашларини баён этар экан, амалда шундай бўлганми? Наҳотки, Евроосиё дашт минтақалари аҳолисининг «Ригведа» ва «Авесто» замонасидаги моддий маданияти, турмуш тарзи, антропологик типи бир-бирларига яқин, кўп жиҳатдан ўхшаш бўлсада, ушбу минтақанинг таркибий қисми бўлган Тоғли Олтойда яшаган чорвадор жамоалар туркийда, унинг теварак-атроф ҳудудларда яшаганлари эса эронзабон бўлса, деган мулоҳазаларга бориб, моддий ва ёзма манбалар асосида қатор илмий мақолалар эълон қилди ва янги ғояни ўртага ташлади [23].

А.Асқаров қадимги Хитой ёзма манбаларини бой археологик материаллар билан қиёсий солиштириш ва уларни илмий таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосага келди: орийлар Евроосиё чўл ва дашт минтақалари чорвадор қабилаларининг иқтисодий юксалишидаги кўчманчилик ҳаёт босқичининг ижтимоий маҳсули, уларнинг ташаббускор ва тадбиркор жангавор қатлами, туғилиб келаётган дастлабки синфий жамиятнинг аслзодалар табақасидир. Улар тарихий тилшунослик ва археологик тадқиқотларга кўра, аслида эроний тил соҳиблари эмас, балки қадимги Хитой кичик подшоликлари «ши»ларининг йилномалари таҳлилига кўра прототуркийда сўзлашганлар. Уларнинг милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталаридан хаёт тақозасига кўра жанубий ўлкаларга, айниқса Ўрта Осиё минтақаларига оммавий равишда кириб келганликлари археологик материалларда ҳам кузатилади. Улар кенг кўламда тарқалган ва доимий кириб келиб ўрнашиб қолган ҳудудларда (Жанубий Туронда) илк ўрта асрларга келиб турк-суғдий ижтимоий этномаданий майдон таркиб топди. Натижада, бу тарихий майдон доирасида ўзбек ва тожик халқлари шаклланди [24]. Эрон, Афғонистон, Покистон ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудларига орийларнинг кириб бориши археологик материалларда яхши кузатилмасада, баъзи бир олимлар (С.П. Толстов, М.А. Итина) ҳинд водийси цивилизациясининг ҳалокатини орийларнинг ҳужуми билан асослашга уринадилар. Бошқа гуруҳ олимлари эса (Г.М. Бонгард-Левин, Г.Ф. Ильин)

Хараппа цивилизацияси ҳалокати билан орийларнинг ҳинд водийсига кириб келиш вақти тўғри келмаслигини таъкидлайдилар. Бизнингча, милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми давомида орийларнинг қайси бир бўлаги Эрон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудларига кириб борган. Буни қадимги ёзма манбалар - Ригведа ва Авесто ҳам тасдиқлайди. Аммо, орийлар на Ҳиндистон, на Шарқий Хуросон ва Эроннинг маҳаллий аҳолиси тилини ўзгартириб юбора олмаган. Аксинча, Жанубий Эрон-Парсда маҳаллий асосда таркиб топган қадимги форс тили орийларнинг маҳаллий жамоалари устидан ўрнатган ҳукмронлик сиёсати туфайли ўсиб, ривожланиб борган ва унинг географик доираси кенгайишига кейинги тарихий жараёнлар кенг имкониятлар яратган. Шундай қилиб, Аҳмадали Асқаров: "Ариана учун эроний тил ташқаридан кириб келмади, аксинча ўзга юртнинг истилочилари тили маҳаллий аҳоли тили томонидан ассимилиация қилинди" [25], деган янги ғояни ўртага ташлайди.

Археологик манбалар асосида илк зардуштийлик тарихи масалалари Фан оламида биринчи жаҳон дини зардуштийликни пайғамбар Зардушт номи ва фаолияти билан боғлаш қабул қилинган. Зардушт ёзма манбаларга кўра тарихий шахс бўлиб, у милоддан аввалги VII асрнинг иккинчи ярми - VI асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган, деган тасаввур мавжуд (В.В. Струве, М.М. Дьяконов, С.П. Толстов, И.М. Дьяконов, В.А.Лившиц ва бошқалар). Баъзан эса уни олимлар орасида милоддан аввалги I минг йиллик бошларида яшаган, деган тасаввурлар ҳам йўқ эмас (И. М. Стеблин-Каменский) [26]. Мэри Бойс эса Зардуштни милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида ўтганлигига ишора қилади [27].

Авестошунос олимлар орасида зардуштийлик дини илк бор чорвадор жамоалар муҳитида пайдо бўлди, деган фикр ҳукмрон. Дарҳақиқат, XX асрнинг 60 йилларигача милоддан аввалги IX-VIII асрларга қадар ўтроқ жамоалар орасида зардуштийликка ишора қилувчи бирор археологик ёдгорлик на Эрон, на Турон заминда учратилмади. Бу ҳолат зардуштийликни милоддан аввалги I минг йилликдан қадимийлаштириш имкониятини бермай келди. Шунингдек, Ўрта Осиёдаги энг қадимги археологик комплекслар (мил.авв. V-IV аср) Қадимги Хоразмдан топилгани учун С.П. Толстов XX асрнинг 40 йилларидаёқ зардуштийликнинг илк ватани Хоразм заминидир, деган ғояни ўртага ташлади. Бу фикр ҳозиргача ҳам фанда ўз ўрнига эга. Аммо, XX асрнинг 70 йиллариидан бошлаб Эрон ва Турон заминда бронза даврига оид шунчалар кўп илк зардуштийликдан гувоҳлик берувчи археологик объектлар очиб ўрганилдики, уларнинг илмий тахлили зардуштийликни илк ватани ва уни қайси жамоалар муҳитида дастлаб пайдо бўлганлиги масаласида янгича қараш ва ёндашувларни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, фан оламида дастлаб зардуштийлар маъбудаларига тоғ чўққиларида, булоқ сув бўйларида, очиқ майдонда илтижо қилишган. Кейинроқ, пайғамбар Зардуштнинг диний ислоҳларидан кейин, унинг ўгитлари асосида ёлғиз Илоҳ - эзгулик худоси Ахурамаздага сиғиниш қарор топгач, махсус ибодатхоналар қурилди, унинг дини расмийлашди, дейилади. Агар маҳобатли ибодатхоналар қурилишини Зардушт номи ва фаолияти билан боғлайдиган бўлсак, у ҳолда Зардушт анъанавий қарашларга кўра, милоддан аввалги I минг йилликнинг бошлари ёки унинг VII-VI асрларида эмас, балки, милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида яшаган бўлиб чиқади. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, Қадимги Бақтрия ва Марғиёнанинг монументал ибодатхоналари айнан шу даврга тегишлидир. Айнан шу даврда Қадимги Бақтрия ва Марғиёна аҳолиси сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончилик маданияти соҳиблари эди. Археологик изланишлар натижаларига кўра, пайғамбар Зардуштга қадар ҳам табиат унсурларига, масалан Жарқўтон ибодатхонаси мисолида Қуёшга атаб монументал ибодатхоналар қурилган. Шуниси аёнки, Аҳмадали Асқаров тадқиқотларида Қуёш худосига атаб қурилган Жарқўтон ибодатхонасида зардуштийлик динига ишора қилувчи 4 та табиат унсурининг рамзий белгилари (олов-алтарлар, сув-қудуқлар, ер-ибодатхона ҳовлисидаги тош йўлак, тоза ҳаво-айнан ибодатхона қурилган даврдан бошлаб ўликларни турар-жойлар майдонига кўмишни ман этилиши) ўз аксини топган. Жарқўтон ибодатхонаси қурилиши муносабати билан боғлиқ ҳолда жамоа аъзоларининг дафн маросимлари билан боғлиқ диний расмиятчилик ибодатхона коҳинлари ва хизматчилари қўлида мужассамлашади [28].

А.Асқаров рисола ва мақолаларида олға сурган ғояларга кўра, зардуштийлик дини ўзининг илк элементларини фандаги мавжуд тасаввурларга кўра, дастлаб чорвадор аҳоли орасида намоён эта бошласада, аммо у биринчи жаҳон дини сифатида ўтроқ аҳоли

ўртасида, бронза даври жамоалари муҳитида шаклланди. Илк зардуштийлик унсурлари Қадимги Бактрия ва Марғиёна деҳқон жамоаларидан бизгача етиб келган моддий маданият ёдгорликларида ўз аксини яхши топган.

### Академик А.Асқаровнинг ижтимоий ва илмий - педагогик фаолияти

Аҳмадали Асқаров бутун илмий фаолияти давомида академик Я.Ғ.Ғуломов археологик илмий мактабининг изчил давомчиси сифатида археолог кадрлар тайёрлаш ишига алоҳида эътибор бериб келди. Унинг шахсий ташаббуси билан Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск каби йирик марказларида ўнлаб Ўзбекистонлик ёш мутахассислар таҳсил олди. Уларни барчаси номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаб қайтди. Шу кунларда уларнинг аксарияти Ўзбекистонда тарих ва археология фанига хизмат қилмоқдалар.

1960-1970 йилларда ва ундан олдин ҳам археология мутахассислиги бўйича Ўзбекистонда юқори малакали кадрлар – фан номзодлари ва докторлари тайёрлаш иши минтақада археологиядан махсус ҳимоя кенгаши йўқлигидан Москва ва Санкт-Петербург илмий марказлари билан боғлиқ эди. Бу ҳол юқори малакали кадрлар тайёрлашда кўп қийинчиликларни келтириб чиқарар эди. 1970 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси тизимида Самарқанда махсус Археология институти ташкил этилгач, маҳаллий кадрларга бўлган талаб яна ҳам ошди. Замон талаби билан ишлашга одатланган Аҳмадали Асқаров бу ҳолатни биринчилар қаторида пайқади ва унинг ташаббуси билан 1987 йили Самарқанд археология институти қошида номзодлик ҳимоя кенгаши ташкил этилди. Кейинроқ эса у минтақавий докторлик ҳимоя кенгашига айлантирилиб, унда Ўрта Осиё республикалари учун ўнлаб ёшларнинг археология мутахассислиги бўйича ҳимоялари уюштирилди.

Аҳмадали Асқаров жамоатчи олим, фан ютуқларининг толмас ташвиқотчиси ҳамдир. Ўзбекистон ФАнинг «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», «Фан ва турмуш» журналларида узоқ йиллар таҳририят аъзоси ва бош муҳаррир ўринбосари, Москвада чиқадиган «Российская археология» журнали таҳрир ҳайъати аъзоси бўлиб ишлади.

У Ўзбекистон ФА Археология институтининг директори сифатида бир неча бор халқ депутатлари Самарқанд шаҳар советининг 293, 327 ва 276 сайлов округлари бўйича депутати, 1990-1995 йилларда 259 Норинкапа сайлов округидан 12-чақириқ Республика Олий Совети депутати ҳамда Республикаси Олий совети таркибида “Фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш кўмитаси” раиси этиб сайланди. Ўзбекистон Республикаси Самарқанд шаҳар Компартияси аъзоси, Ўзбекистон КП XXI съездига делегат ва Ўзбекистон КП Марказий Кўмитасига аъзо, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига делегат бўлиб сайланди.

А.Асқаров кейинги йилларда (2001-2011) Низомий номидаги ТДПУда профессор, «Ватан тарихи» кафедрасининг мудири бўлиб ишлади. Тарих факультети талабалари ва магистрлар учун “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи”, “Ўзбекистон археологиясининг долзарб муаммолари”, магистрларга “Археология дала амалиёти, лаборатория тадқиқоти ва археологик материалларни илмий таҳлил этиш методикаси” бўйича махсус курсдан лекциялар ва семинар машғулотлари олиб борди.

Олий ўқув юртлари учун 2 та, ўрта мактаб 5-синфлари учун дарслик-қўлланма тайёрлаб чоп этди. Ушбу дарслик-қўлланма қорақолпоқ, рус, тожик, қирғиз ва туркман тилларига таржима қилиниб, кўп тиражда ўқувчиларга етказилди. Аҳмадали Асқаров сай-ҳаракатлари ва бевосита раҳбарлигида 1994 йилда «Ўзбекистон тарихи»дан ўрта мактабларнинг 6-9 синф ўқувчилари учун дарслик-кўлланмалар тайёрланиб, улар А.Асқаров тахрири остида оммавий нусхада нашр этилди.

Аҳмадали Асқаров бағри кенг, талабчан, сахий устозлардан ҳисобланади. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида 20 та номзодлик диссертациялари ва 7 та докторлик иши муваффақиятли ҳимоя қилинди. Ҳозирги кунда унинг раҳбарлигида 5 та ёш мутахасислар таянч докторлик диссертацияларини якунлаш арафасида туришибдилар.

А.Асқаров ўз илмий фаолияти давомида 60 дан ортиқ китобга, жумладан Археология институтида чоп этиладиган «Ўзбекистон моддий маданият тарихи»илмий тўпламининг 14 жилдига бош муҳаррирлик қилган. “Ўзбекистон археологияси” илмий журналининг таҳрир ҳайъат аъзоси, 50 дан ортиқ халқаро симпозиум ва конференцияларда

археологиянинг долзарб мавзулари бўйича чиқишлар қилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО бўлими томонидан нашр этилаётган олти жилдлик «Марказий Осиё цивилизацияси тарихи» муаллифларидан биридир. 1989-1991 йиллари ЮНЕСКО томонидан уюштирилган халқаро экспедициялар ишида актив қатнашди. 1991 йили эса «Буюк Ипак йўли - мулоқотлар йўли» халқаро экспедициясига Покистонлик таниқли археолог олим, профессор Аҳмад Дани билан биргаликда илмий раҳбари бўлиб хизмат қилди. 1986 йилда у Германия археология институтининг хорижий мухбир аъзоси этиб сайланган.

Аҳмадали Асқаров халқлар ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва маданий алоқаларнинг ривожланишига ҳам улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, 1991 йил баҳор ойида Алма-Ата шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг семинар кенгашида америкалик профессор Ричард Фрай билан бирга Марказий Осиё тадқиқотлари институтини тузиш ғояси билан чиқдилар. Бу марказ Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон каби мустақил ёш давлатларни жаҳон цивилизациясидаги тарихий ўрнини ўрганишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу таклифга Аҳмадали Асқаров Алма-Ата, Париж, Теҳрон, Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган ЮНЕСКО йиғинларида халқаро илмий жамоатчилик эътиборини қаратди, бу ғояни ҳимоя қлиб чиқди. Ниҳоят, 1995 йил 5 июльда Самарқандда 12 давлат вакиллари иштирокида бўлиб ўтган халқаро конференцияда «Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти» очилиши ҳақида битим имзоланди. 1995 йил 26 августда эса ушбу халқаро Институтни ЮНЕСКОни бош раҳбари проф. Федерико Майор иштирокида расман очилиш тантанаси бўлди.

1988 йилда Аҳмадали Асқаров ташаббуси билан Францияда Ўзбекистоннинг қадимги давр археологияси бўйича уюштирилган сипозиум ишида биринчи бор республика археологларнинг делегацияси мустақил фаол қатнашди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон археологлари Франция, АҚШ, Япония, Германия, Польша, Россия каби ўндан ортиқ давлатлар археолог мутахассислари билан ҳамкорликда, бевосита илмий шартномалар асосида мустақил Ўзбекистонимиз ҳудудларида археологик қазишма ишларини олиб боради, халқимиз ўтмиш тарихининг янгидан-янги қирраларини ўрганиш давом этмоқда. Ушбу ҳамкорликлар туфайли ҳар йили ўнлаб археолог ёшлар хорижий илмий сафарларда бўлиб, Ўзбекистоннинг археология фани ютуқларини тарғиб қилиш билан бирга, жаҳон археологияси янгиликлари билан танишиб келмоқдалар.

**4. Хулосалар:**

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Аҳмадали Асқаров номи жаҳонда таниқли археолог-тадқиқотчи сифатида проф. Клэр Смит ташкил этган 11 жилдлик Encyclopedia of Global Archaeology (Жаҳон археологик энциклопедия) сига киритилган ва ушбу энциклопедияда у ҳақда 2014 йили мақола босилган. Ушбу энциклопедияинг 3- (2017 йил) ва 5- (2020 йил) қайта нашрларида академик А.Асқаров ҳақидаги мақолага қўшимча материаллар киритилиб чоп этилди [29]. Бундай нуфузли энциклопедияга ўзбек археологлари вакилининг биринчи бор киритилиши мустақил Ўзбекистон археология фанига берилган юксак баҳодир, деб ҳисоблаймиз. Аҳмадали Асқаров 2016 йилда халқаро Турк академиясининг туркий халқлар тарихи ва маданий меросини ўрганишдаги буюк хизматлари учун “Олтин медали” совриндори бўлди.

2017 йилда Германиянинг Берлин шаҳрида “Марказий Осиёнинг бронза даври” мавзусига бағишланган халқаро конференцияда, 2018 ва 2019 йилларда Хитойда бўлган “Буюк Ипак йўли” илмий муаммоларига бағишланган халқаро анжуманларда фаол қатнашиб, ўзбек археология фанининг нуфузини яна бир бор баланд чўққиларга кўтариб келди.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**

1. Gulyamov Ya.G., Islamov U., Askarov A. Primitive culture and the emergence of irrigated agriculture in the lower reaches of Zarafshan. - Tashkent, Sci. 1966. – P. 266.
2. Askarov A. Sapallitepa. Tashkent, Sci, 1973.
3. Askarov A.A. Ancient agricultural culture of the Bronze Age in the south of Uzbekistan. – T. Sci. 1977.
4. History of Uzbekistan. A Guide for School Teachers. 1995.
5. Askarov A. Sapallitepa. Tashkent, Sci, 1973.
6. Kuzmina E.E. On the formation of the culture of Northern Bactria (Bactric mirage and

archaeological reality) // VDI, 1972, no. – P. 131-146.

7. Askarov A.A., Abdullaev B.N. Dzharkutan. Tashkent, 1983.
8. Askarov A.A., Shirinov T.Sh. Early urban culture of the Bronze Age in the south of Central Asia. Samarkand: Inst. Archeology Acad. Sciences of Uzbekistan, 1993.
9. Askarov A.A. Ancient agricultural culture of the Bronze Age in the south of Uzbekistan. - T. Sci. 1977; The oldest city. – T., 2001.
10. Askarov A. Ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people. Tashkent. University, 2007; History of the origin of the Uzbek people. Tashkent. Uzbekistan. 2015. – P. 135-148.
11. Askarov A. Ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people. - T. University, 2007; History of the origin of the Uzbek people. – T., Uzbekistan. 2015.
12. Scientific, creative and pedagogical activity of academician Ahmadali Askarov. Tashkent - Samarkand. 2005. – P. 15.
13. Khojayov T. Anthropological composition of the population of the Bronze Age in Sapalitepa. Tashkent. Sci. 1977. – P. 156.
14. Askarov A. History of the origin of the Uzbek people. – T., Uzbekistan. 2015. – P. 69-91.
15. Askarov A. Some theoretical and scientific-methodological issues of ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people // Materials of the Republican scientific-theoretical seminar on “Origin of the Uzbek people: scientific methodological approaches, ethnogenetic and ethnic history.” Tashkent. 2004. 19-20 November. – P. 3-10.; History of the origin of the Uzbek people. - T., Uzbekistan. 2015. – P. 11-27.
16. Asqarov A. History of the origin of the Uzbek people. – T., Uzbekistan. 2015. – P. 254-347.
17. Yakubovskiy A.Yu. On the question of the emergence of the Uzbek people. T. 1941.
18. Askarov A. History of the origin of the Uzbek people. Tashkent, Uzbekistan. 2015. – P. 14.
19. Scientific, creative and pedagogical activity of academician Ahmadali Askarov. Tashkent-Samarkand. 2005. – P. 17.
20. Yakubovsky A.Yu. On the issue of the ethnogenesis of the Uzbek people. Tashkent, Sci. 1941; Tolstov S. P. The main problems of the ethnogenesis of the peoples of Central Asia. SE, 1947, No. VI-VII. - S. 304; Masson V.M. Altyn-Depe. - Leningrad, 1981; Masson V.M. Ancient agricultural culture of Margiana. MIA number 73. – Moscow-Leningrad, 1959.
21. Askarov A.A., Buryakov Yu.F., Kvirkvelia O.R., Radililovsky V.V. Theoretical and methodological problems of research in archeology. - Tashkent: Fan, 1988. – P. 202.
22. National Encyclopedia of Uzbekistan. - Tashkent: 2003. – P. 563.
23. Askarov A. History of the origin of the Uzbek people. - T., Uzbekistan. 2015. – P. 261-263.
24. Askarov A. History of the origin of the Uzbek people. - T., Uzbekistan. 2015. – P. 265.
25. Askarov A. Some theoretical and scientific-methodological issues of ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people. “Origin of the Uzbek people: scientific and methodological approaches, ethnogenetic and ethnic history.” Materials of the Republican seminar. - Tashkent. 2004, – P. 9; History of the origin of the Uzbek people. - T., Uzbekistan. 2015. – P. 266.
26. Steblin-Kamensky I.M. Avesta. Selected Hymns. - Dushanbe: Irfon. 1990. –P. 3.
27. Boyes M. Zoroasrtians: beliefs and customs. – M., 1987. – P.3-6.
28. Scientific, creative and pedagogical activity of academician Ahmadali Askarov. Tashkent - Samarkand. 2005. – P. 26.
29. Encyclopedia of Global Archaeology. Claire Smith editor. Springer Science+Business Media. New York, 2014. – P. 697-699.

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

# АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРОДА ДЕҲҚОНЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

**Жамшид Қулназарович Кўчаров,**
Қарши давлат университети,
Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси

**For citation:** Jamshid K.Kucharov, FROM THE HISTORY OF AGRICULTURE DEVELOPMENT IN BUKHARA DURING AMIR TEMUR AND TEMURID. Look to the past. 2021, vol. 3, issue 4, (66-70) pp.

DOI 10.26739/2181-9599-2021-3-8

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Амир Темур ва темурийлар даврида Бухоро воҳасида деҳқончилик соҳаларининг тараққий этишии ва воҳа иқтисодий салоҳиятининг ошиб бориши масалалари тарихий манба ва адабиётлар таҳлили асосида очиб берилган. Шунингдек, мақолада Амир Темур ва темурийлар даврида Бухорода деҳқончилик хўжалигининг ривожланишига таъсир кўрсатган омиллар, яъни мамлакатда олиб борилган марказлаштириш сиёсати, ободонлаштириш соҳасидаги улкан ишлар натижасида Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳарлар ва уларнинг теварак-атрофида кўплаб кўркам маъмурий, маърифий ва жамоат бинолари қад ростлаганлиги, йирик сув иншоотлари қурилиб, боғу-бўстонлар барпо этилганлиги, дарё ва сойлардан суғориш тармоқлари қазиб чиқарилиб, минглаб гектар қўрик ва бўз ерлар ўзлаштирилганлиги, суғорма деҳдончилик ерларнннг майдонлари кенгайтирилганлиги Бухорода деҳқончилик хўжалигининг ривожланиш тарихи билан бевосита боғлиқ эканлиги илмий ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Деҳқончилик, ободонлаштириш, ерларни ўзлаштириш, боғдорчилик, чорбоғ, қўриқхона, полизчилик, узумчилик, виночилик, чоғир, Кўҳак (Зарафшон) дарёси, вақф, “Мир темурий”, Коши Акка.

---

# ИЗ ИСТОРИИ РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В БУХАРЕ ВО ВРЕМЯ АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДОВ

**Жамшид Кулназарович Кучаров,**
Преподаватель кафедры истории Узбекистана
Каршинского государственного университета

## АННОТАЦИЯ

В статье на основе анализа исторических источников и литературы раскрывается развитие земледелия в Бухарском оазисе и рост экономического потенциала оазиса в период правления Амира Темура и Темуридов. В статье также рассматриваются факторы, влияющие на развитие сельского хозяйства в Бухаре в период правления Амира Темура и Темуридов: политика централизации в стране, строительство множества красивых административных,

образовательных и общественных зданий в центральных городах Мовароуннахра и Научно изучено, что строительство садов, оросительных сетей из рек и ручьев, освоение тысяч гектаров заповедников и серых земель, расширение орошаемых сельскохозяйственных угодий напрямую связаны с историей сельского хозяйства Бухары.

**Ключевые слова:** Сельское хозяйство, благоустройство, благоустройство земель, садоводство, садоводство, заповедник, бахчевое хозяйство, виноградарство, виноделие, чогир, река Кохак (Зарафшан), фонд, «Мир Темурий», Коши Акка.

---

## FROM THE HISTORY OF AGRICULTURE DEVELOPMENT IN BUKHARA DURING AMIR TEMUR AND TEMURID

**Jamshid K.Kucharov,**
Lecturer at the Department of History of Uzbekistan
Karshi State University

### ABSTRACT

Based on the analysis of historical sources and literature, the article reveals the development of agriculture in the Bukhara oasis and the growth of the economic potential of the oasis during the reign of Amir Temur and the Temurids. The article also examines the factors influencing the development of agriculture in Bukhara during the reign of Amir Temur and the Temurids: the policy of centralization in the country, the construction of many beautiful administrative, educational and public buildings in the central cities of Movarounnahr and Scientifically studied that the construction of gardens, irrigation networks from rivers and streams, the development of thousands of hectares of nature reserves and gray lands, the expansion of irrigated agricultural land are directly related to the history of Bukhara's agriculture.

**Index Terms:** Agriculture, landscaping, land improvement, gardening, horticulture, nature reserve, melons and gourds, viticulture, winemaking, chogir, Kohak River (Zarafshan), fund, “Mir Temurii”, Koshi Akka.

---

**1. Долзарблиги:**

Амир Темур ва темурийлар даврида мамлакатда олиб борилган марказлаштириш сиёсати, ободонлаштириш соҳасидаги улкан ишлар натижасида Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳарлар ва уларнинг теварак-атрофида кўплаб кўркам маъмурий, маърифий ва жамоат бинолари қад ростлади. Йирик сув иншоотлари қурилиб, боғу-бўстонлар барпо этилди. Дарё ва сойлардан суғориш тармоқлари қазиб чиқарилиб, минглаб гектар қўрик ва бўз ерлар ўзлаштирилди ва суғорма деҳқончилик ерларнннг майдонлари кенгайтирилди. Темурнинг солиқ сиёсати ҳам, ўз навбатида, мамлакат иқтисоднётининг асоси бўлган дехдончилик, ҳунармандчилик ҳамда ички ва ташқи савдонинг юксалиши ва ривожи учун маълум даражада қулай шарт-шароитларни яратади. Мавзунинг ўрганилиши Ўзбекистон тарихида деҳқончилик соҳаси, қишлоқ хўжалиги ривожланиши тарихини ўрганишда дозарб аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Мақолада Амир Темур ва темурийлар даврида Бухорода деҳқончилик хўжалигининг ривожланиш тарихи умум қабул қилинган тарихий методлар – тизимли таҳлил, қиёсий-тарихий, кетма-кетлик, холислик, объективлик тамойиллари асосида ёритилган.

**3.Тадқиқот натижалари:**

Амир Темур ва темурийлар даврида Бухорода деҳқончилик ишларини яхшилаш мақсадида ирригация иншоотлари қайта тикланди, янги канал ва ариқлар қазилди, кўплаб янги ерлар ўзлаштирилди. Мисол тариқасида, Бухородан Хоразм томон йўналишда чўл томон ерлари ўзлаштирилиб, деҳқончилик майдонлари 5-6 км чўл ичкарисига томон силжиганлиги фикримизнинг яққол далили бўлиб хизмат қилади[10, 19].

Амир Темурдан сўнг Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида ташқи ва ички урушларнинг камайганлиги, нисбатан осойишта ҳаётнинг таъминланиши ҳам Бухорода барча хўжалик турлари биринчи галда янги ерларни ўзлаштириш ва деҳқончилик ишларининг

ривожланишига асосий сабаб бўлган[2, 86]. Сомончиқ даштида канал қазилиб, деҳқончилик қилиш, экин экиш, боғлар барпо этиш учун қулайлик яратилганди. Кўриб чиқилаётган тарихий хронологик даврда Моваруннаҳрда боғ, чорбоғ, қўриқхона, бўстон, оромгоҳ, сайргоҳ кабиларни яратиш кенг урф бўлганди. Албатта, Мовароуннаҳрнинг иккнчи йирик маркази бўлган Бухоро ҳам бу каби ободончилик ишларидан четда қолмаган.

XV аср мобайнида кўплаб шаҳарлар атрофида гўзал оромгоҳлар яратилганди. Ободонлаштириш, истироҳат боғлари ташкил этишнинг маълум бир тартиби бўлиб, сайргоҳ, оромгоҳлар, чорбоғ, бўстон қўриқхона тарзида ташкил этилган. Боғлар маълум бир турдаги дарахтлар (мевали ёки манзарали)дан иборат бўлса, Чорбоғлар асосан тўғригеометрик тарзда вужудга келтирилган бўлса, сайргоҳ, оромгоҳ қўриқхоналар хушманзара, хушҳаво, сувга мўл бўлган ҳудудларда ташкил этилган[1, 84]. Қўриқхоналарда одатда ҳукумдорлар дам олиши, ов уюштириш ва қишлаш мақсадида ташкил этилган. Амир Темур 1389 йил қишини Бухоро яқинидаги ана шундай қўриқхоналардан бири бўлган Фаркати кўли (Фаркад, Баркад, Паркад - Бухородан 27-30 км масофада Газли йўлидаги қишлоқ) ўтказгани, ўша йили қишда бу кўлда кўплаб қушларнинг келиши ва қуш овининг кўп бўлганлиги манбаларда қайд этиб ўтилади[4, 127]. Хулоса қилиш мумкинки, Бухорода ўша даврнинг деҳқончилик ва боғ яратиш тартибларининг барча қоидаларига амал қилинган ҳолда яратилган боғ, қўриқхоналари давлат, ва ҳукумдорларнинг дам олиш маскани, турли маросимлар ўтказиш жойи (элчилар қабул қилиш, тўй маросимлари), аскарларни чиниқтириш, ов қилиш каби вазифаларни бажарган. Тарихий манбаларда, Бухоронинг айрим ҳудудлари масалан Қоракўлни алоҳида вилоят эканлиги, унинг бутунлай боғ, чорбоғдан иборат эканлиги қайд этилади. Темурийлар ва шайбонийлар даври манбаларида ҳозирги Бухоро вилоятининг қоракўл тумани обод ва кўркам, айни дамда Бухоро вилоятидан бутунлай бошқа бир вилоят сифатида тилга олинади. Қоракўлнинг деҳқончилик қиладиган ҳудудлари Бухоро вилоятида деҳқончилик қилинадиган ерлардан кўра кўпроқ эканлиги ҳам тилга олинган. З.М. Бобур қоракўл хусусида фикр билдириб, Қоракўлни Мовароуннаҳр вилоятларидан қуйида "...барчадин поён оброкдур..."-тарзида таърифлаб, унинг Бухородан етти йиғоч (бир йиғоч 8-9 км) узоқдалиги, Суғдга пайваст туман эканлигини ёзиб қолдирган. Қоракўлнинг обод ва деҳқончилик ривожланган туманлардан бири эканлигини эса; "... бир йиғоч йўл йўқдирким кент ва маъмураси бўлмағай"-мазмундаги фикрларни келтириб ўтади. Бу эса, Қоракўлнинг бу даврда аҳолиси зич жойлашган деб хулоса қилишимизга асос бўлади. шунингдек, Бобур Амир Темурнинг Қоракўлга берган таърифини келтириб, "Андоқ машҳурким, Темурбек дегандуркм: Менинг бир боғим борким, тулу (узунлиги) 30 йиғочдир. Бу туманни дегандир[3, 17]"-деган сўзлари Қоракўл боғ-чорбоғлар билан қуршаб олинган деб хулоса қилиш учун асос бўлади.

Ривожланган ўрта асрлар даври хусусида маълумот берувчи манбаларда Қоракўл Бухоро вилоятига қарашли туманлардан бири сифатида тилга олинмайди. Аксинча, Қоракўл алоҳида бир вилоят эканлиги қайд этилади. манбаларда Қоракўлда суғориб деҳқончилик қилинадиган ер майдонлар Бухоронинг суғориладиган ерларидан катта эканлиги хусусидаги маълумотлар ҳам мавжуд[8, 38].

Шайбонийлар давридаги асосий манбалардан бири бўлган Ҳофиз таниш Бухорийнинг "Шарафномаи шоҳий" асарида ҳам Қоракўлнинг алоҳида вилоят эканлиги тилга олиб ўтилади[9, 249]. Бу эса, Амир Темур ва темурийлар давлатида суғорма деҳқончиликнинг яхши йўлга қўйилиши натижаси бўлган деб хулоса қилиш мумкин. Бобурномада, Кўҳак (Зарафшон) дарёсининг Бухоро ва Қоракўлни суғориши, Бухоро воҳасининг деҳқончилиги масалалари ёритилиб, ёз мавсуми даврида Бухорода сув танқис бўлиши баъзи йиллари 3-4 ой сувсизликдан экинлар ва одамлар азият чекиши, шундай бўлсада Бухорода етиштирилган узум, қовун, олма, анар каби мевалари машҳур эканлиги хусусида маълумотлар ёзиб қолдирилган[3, 44].

Бухоро воҳаси деҳқончилик соҳасида Мовароуннаҳнинг энг илғор марказларидан бири бўлганлиги, бу ерда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларга сотиш учун олиб кетганликларини тасдиқловчи маълумотлар манбаларда сақланиб қолинган. Масалан, Ҳофизу Абру маълумотларига кўра, Бухоро ўша даврнинг боғдорчилик бўйича энг тараққий этган ўлкаларидан бири бўлган. Айниқса, Бухоро олхўриси машҳур бўлиб, унинг қуритилган меваси бошқа вилоятларга ҳам сотиш учун олиб кетилган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам Бухоро олхўриси каби мазали олхўри бошқа ерда бўлмаслигини

хусусидаги фикр-мулоҳазаларини қайд этиб ўтган[5, 24]. Жумладан, Бобурномада; "Бухоро олусудек ҳеч ерда бўлмас, терисини сўйуб қурутиб, табарруклик билан вилоятдан-вилоятга элтарлар[3, 47]"-деган жумласи юқоридаги фикрларимизни асослашга хизмат қилади.

Бухоро боғдорчилик маҳсулотларидан яна бири олча бўлиб, ўзининг мазалиги ва хуштаъмлиги билан машҳур бўлган. Олчанинг кўплаб турлари етиштирилиши билан бирга Бухоро номи билан боғлиқ тури борлиги ҳам тарихий адабиётларда келтириб ўтилади[5, 28].

Кўриб чиқилаётган тарихий даврда Бухорода нафақат боғдорчилик, баклки, полизчилик ҳам анчагина равнақ топган. Бухоро деҳқонлари етиштирган узум, қовун ва бошқа маҳсулотлар Мовароуннаҳ ва унинг ташқарисида ҳам машҳур бўлган. Тарихий адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, темурийлар даврида Бухорода етиштирилган узум навлари орасида "Бухоро узуми" номли нав ҳам мавжуд бўлган. Ушбу узум қўшни мамлакатларда ҳам машҳур бўлган[7, 225].

Бухорода узумчиликнинг тараққий этиши ушбу соҳага алоқадор бошқа хўжалик турларининг ривожланишига туртки бўлган. Жумладан, виночилик ҳам Амир Темур ва темурийлар даврида тараққий этганлиги манбаларда қайд этиб ўтилган. Бобур Бухоро виносига юқори баҳо берган ва ўзи ҳам Бухоро виносини севиб истеъмол қилганлигини яширмаган. Бобурномада муаллиф, Бухоро виносини Мовароуннаҳрдаги энг кучли таъсирга эгалиги ҳақида ёзиб қолдирган[5, 27]. Бундан ташқари Бобур, Бухоро чоғири (виноси)ни мақтаб унинг тунд бўлиши, Самарқандда ҳукумронлик қилган вақтларларда фақат Бухоро чоғири ичган[3, 47] лиги хусусидаги фикр-мулоҳазалари Бухорода узум етиштириш ва ундан вино тайёрлаш техникаси ўз даврининг илғор тажрибаларига асосланганлигининг далили бўлиб хизмат қилади.

Бухоро полизчилигининг яна бир машҳур маҳсулоти бу қовун етиштириш бўлиб, бу ерда етиштирилган қовунлар Мовароуннаҳрдаги энг мазали, хуштаъм қовунлар ҳисобланган. Бухородан сўнг, Хоразм ва Қаршида етиштирилган қовунлар ҳам машҳур бўлганлиги адабиётларда қайд этиб ўтилади[5, 28]. З.М. Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида Бухорода қовун етиштириш ва бу ернинг қовунлари машҳур эканлигига алоҳида эътибор қаратади. Шу билан бир қаторда "Мир темирий" деб номланувчи қовун ҳақида тўхталиб, ушбу қовун нави Бухорода яхши етиштирилсада, Ахсида етиштирилган шу турдаги қовуннинг Бухорода етиштирилганидан яхшироқ эканлигига оид фикрларни билдириб ўтганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин[3, 18]. Бухоро қовуни хусусида маълумотларда Бобур; "бисёр яхши бўлур. Мовароунннахрда Бухоро қовунича кўп ва хўп қовун бўлмас"-деган фикрларни ҳам келтирган. Шунингдек, "Бухоро олуси", "Парвари товуғи", "қози" (эҳтимол қази)си кўп ва яхши бўлишини ҳам ёзиб қолдирган[3, 47]. Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларга таяниб, Бухорода Амир Темур ва темурийлар даврида деҳқончилик ва у билан боғлиқ бошқа соҳаларнинг ривожланганлиги, ўз даврининг хўжалик ва иқтисодий муносабатлари тараққий этган ўлкаларидан бири бўлган деган хулосага келиш мумкин.

Хўжалик тараққиёти жамиятдаги ижтимоий муносабатларда ҳам намоён бўлади. айрим ҳолларда яхши ҳосил берадиган ерлар масжид, мадраса, хонақоларга вақф қилинган бўлса, айрим ҳолларда хароба ва ташландиқ ерларни вақф мутавалийлари томонидан ўзлаштирилиши натижасида Бухорода янги суғориб экиладиган ерлар вужудга келганлигини кўриш мумкин. Кўриб чиқилаётган тарихий даврга оид вақф ҳужжатларининг бирида, Бухоронинг жануби-шарқида жойлашган 10 қишлоқ ёки бир қасаба Шайх Сайфиддин Бохарзий масжиди ва хонақосига вақф қилинганлиги келтириб ўтилади. Бу 1326-1334 йиллар оралиғида содир бўлиб, ушбу мулклар катта ҳудудни қамраб олганлигини ва майдони 100 км$^2$ ни ташкил этганлигини кўриш мумкин. 1326-1334 йиллар оралиғида ушбу мулклар қаторига Кўшки Осиё ва Косари қишлоқлари ҳам қўшилган. Бухоро шаҳридан 20 км узоқликда жойлашган бу қишлоқларни вобкентдарёдан қазилган Коши Акка канали суғорган[6, 4]. Демак, темурийлар даврида Бохарзий мақбара ва хонақосига қарашли вақф мулклари Бухородаги энг йирик вақф мулкларидан бири бўлган деб хулоса қилиш мумкин.

Бухоро вилоятидаги Фароканд ва Ушмиюн қишлоқлари ҳам ўз даврининг деҳқончилик ривожланган қишлоқлари бўлиб, бу ерлар бир вақтлар ташландиқ бўлганлиги ва темурийлар даврида обод қилинганлиги хусусида маълумотлар мавжуд. Фарокан қишлоғидаги бир боғ Муҳаммад Нахшоби томонидан вақф қилинган бўлиб, у бу боғда турли мевали дарахтлар ва узум курган. Манбаларда Аҳмад Ҳожи Бўйробоф деган боғбон амир Дуладой хўжалигида боғ ва узумзор яратганлиги тилга олинган. Ушбу боғ шайбонийлар даврида ўзаро урушлар

даврида Ой-Темур томонидан вайрон қилинган. Аммо, тез орада боғ қайта тикланиб, кўмиб ташланган ариқ қайта каттароқ қилиб тикланади. Натижада, Фарокат қишлоғидан ташқари Ушмиюн қишлоғининг ҳам бир қисми ушбу ариқдан суғорилган [6,4]. Ушбу вақф хўжалиги ҳисобидан ободонлаштирилиб, деҳқончилик йўлга қўйилган қишлоқлар мисолида темурийлар даври вақф мулкларининг текин даромад манбаи эмас, балки аҳолининг камбағал, ерсиз ва кам ерли деҳқонларига моддий ва маънавий кўмак берувчи муассаса ҳам бўлган деб хулоса қилиш мумкин.

**4.Хулосалар:**

Айтиб ўтиш жоизки, Амир Темур Бухорони мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига қўшадиган ҳиссасини яхши англаб, ушбу вилоятда янги каналлар қазиш, деҳқончилик қилиш учун янги ерларни ўзлаштириш ишларини бошлаб берган эди. Кейинчалик у бошлаган иқтисодий сиёсатни Мирзо Улуғбек ва айрим темурийлар давом эттирдилар. Натижада, Бухоро кейинги бир неча аср мобайнида Мовароуннаҳрнинг иқтисодий, маданий ва энг ривожланган марказларидан бирига айланди.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**

1. Амир Темур Жаҳон тарихида. – Тошкент: Шарқ, матбаа концерни, 1996. – 293 б. (Amir Temur in world history. - Tashkent: Shark, Matbaa Concerns, 1996. - 293 p.0
2. Ахмедов Б. Амир Темур дарслари: Умумий таълим ва махсус тарих мактаблари учун қўлланма: - Т.: Шарқ, 2001. – 144 б. (Akhmedov B. Lessons of Amir Temur: Reference book for general and special historical schools: - T .: Shark, 2001. - 144 p.)
3. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома: [ўрта-ёшдаги мактаб болалари учун]/ [нашрга тайёрловчи П.Шамсиев; Муҳаррир А.Ўктам] – Тошкент: Юлдузча, 1990. – 368 б. (Bobur Zahiriddin Muhammad. Boburnoma: [for middle-aged schoolchildren] / [prepared by P. Shamsiev; Ed. A. Oktam] - Tashkent: Yulduzcha, 1990. - 368 p.)
4. Йаздий, Шарафуддун Али. Зафариома // Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков: Масъул муҳаррир Б. Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И.Шоғуломов па бошқалар// - Тошкент: Шарқ, 1997. – 384 б. (The author is Sharafuddun Ali. Zafarioma // The author of the foreword, modifications, comments and indicators, as well as the authors of the publication: A. Akhmad, Kh. Bobbekov: Executive editor B. Eshpulatov. A group of publishers and printers: I. Shogulomov and others // - Tashkent: Shark, 1997. - 384 p.)
5. Маҳмудов Н. Земледелие и аграрные отношения в Средней Азии в XIV-XV вв./ Ответственный редактор кандидат исторических наук А.М. Белиницкий. – Душанбе издательство “Дониш”, 1966. – 127 с. (Makhmudov N. Agriculture and agrarian relations in Central Asia in the XIV-XV centuries. / Associate editor, Candidate of Historical Sciences A.M. Belinitsky. - Dushanbe publishing house «Donish», 1966. - 127 p.)
6. Мўминов И.М. Об Исторических условиях развития искуства Средней Азии эпохи Темуридов//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 8-9-сонлар, 1969. – Б. 3-11. (Muminov I.M. On the historical conditions of the development of art in Central Asia of the Temurid era // Uzbek public figure. Issue 8-9, 1969. - S. 3-11.)
7. Петрушевский И.П. Земледелие и аграрные отношения в Иране XIII-XIV веков М.-Л.: Издательство Академии наук СССР, 1960. – 494 с. (Petrushevsky I.P. Agriculture and agrarian relations in Iran XIII-XIV centuries M.-L .: Publishing house of the Academy of Sciences of the USSR, 1960. - 494 p.)
8. Соболев Л.Н. О постепенном движении песков к г.Бухаре // Туркестанский сборник. Т-83. – С.38. – С. 37а-38. (Sobolev L.N. On the gradual movement of sands to Bukhara // Turkestan collection. T-83. - P.38. - S. 37a-38.)
9. Хафиз Таниш ибн мир Мухаммад Бухари Шараф-нама и шахи. (книга шахской славы) факсимиле рукописи D 88 перевод с персидского, введение, премечания и указатели М.А. Салехиддиновой часть 1. – Москва: Наука, 1983. – 543 с. (Hafiz Tanish ibn Mir Muhammad Bukhari Sharaf-nama and Shahi. (book of the Shah’s glory) facsimile of manuscript D 88 translation from Persian, introduction, prizes and indexes by M.A. Saleksiddinova part 1. - Moscow: Nauka, 1983. - 543 p.)
10. Қосимов Ф. Темурийлар даврида Бухоро. – Бухоро, “Бухоро” нашриёти. 1996. – 91 б. (Kosimov F. Bukhara during the Timurids. - Bukhara, Bukhara publishing house. 1996. - 91 p.)

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

# РАНГ – ЎЗБЕКИСТОН КОРЕЙСЛАРИ МАДАНИЯТИДА СЕМАНТИКА ВА СИМВОЛИКА (ТЎЙ МАРОСИМЛАРИ МИСОЛИДА)

**Людмила Вячеславовна Пак,**
мустақил тадқиқотчи ЎзР ФА Тарих институти
paklyudmilav@gmail.com

**For citation:** Lyudmila V.Pak, THE COLOR - SEMANTICS AND SYMBOLISM IN THE CULTURE OF KOREANS OF UZBEKISTAN (ON THE EXAMPLE OF WEDDING RITUALS). Look to the past. 2021, vol. 3, issue 4, (71-79) pp.

DOI 10.26739/2181-9599-2021-3-9

## АННОТАЦИЯ

Ранглар ва уларнинг уйғунлиги ҳар доим барча этнослар маданиятида муҳим аҳамият касб этган. Уларнинг рамзий маъноси кундалик ҳаётда, турли диний ва касбий (деҳқончилик ва ҳунармандчилик) байрамларда, ҳаёт ва календарь даврийлигидаги маросимларда катта аҳамият касб этган. Аммо рангларнинг энг муҳим аҳамият тўй маросимларида намоён бўлади. Ушбу мақолада илк маротаба кенг манбаларни жалб қилган ҳолда Ўзбекистон корейсларини тўй маросимларидаги ранг семантикаси ва символикаси ёритилган. Муаллиф томонидан маълум бир рангларни қадрланиши сабаблари, келин либоси, тақинчоқлари ва тўйнинг турли босқичларида уларнинг функциональ аҳамияти ҳақида фикр юритади.

**Калит сўзлар:** анъана, афсона, семантика, символика, тўй маросимлари, мезон, олов, ўчоғ, бўтқа-паб, гуллар триадаси, интеграция.

---

# ЦВЕТ - СЕМАНТИКА И СИМВОЛИКА В КУЛЬТУРЕ КОРЕЙЦЕВ УЗБЕКИСТАНА (НА ПРИМЕРЕ СВАДЕБНОЙ ОБРЯДНОСТИ)

**Людмила Вячеславовна Пак,**
независимый исследователь Института истории АН РУз
paklyudmilav@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

Цвета, их сочетание всегда имели важное значение в культуре любого этноса. Их символическое значение играло огромную роль в бытовой культуре, в различных религиозных и профессиональных (сельскохозяйственных и ремесленных) культовых церемониях и обрядах жизненного и календарного цикла. Но наиболее важное значение они приобретали в свадебной обрядности. В настоящей статье впервые на широком материале рассматривается цветовая семантика и символика в свадебной обрядности корейцев Узбекистана. Автор рассматривает истоки почитания отдельных цветов, их функциональное значение в костюме и украшениях невесты и на различных этапах свадьбы.

**Ключевые слова:** традиция, миф, семантика, символика, свадебная обрядность, категория, огонь, очаг, каша-паб, цветовая триада, интеграция.

---

# THE COLOR - SEMANTICS AND SYMBOLISM IN THE CULTURE OF KOREANS OF UZBEKISTAN (ON THE EXAMPLE OF WEDDING RITUALS)

**Lyudmila V.Pak,**
independent researcher Institute of History AS RUz
paklyudmilav@gmail.com

**ABSTRACT**

The colors, their combination have always been important in the culture of any ethnic group. Their symbolic meaning played a tremendous role in everyday culture, in various religious and professional (agricultural and handicraft) ceremonies and rituals of the life and calendar cycles. But they acquired the most important value in wedding rituals. In this article the color semantics and symbols in the wedding rituals of Koreans in Uzbekistan are considered on considerable ground for the first time. The author examines the origins of veneration of distinct flowers, their functional significance in costume and bride's jewelry and at various stages of the wedding rite.

**Index Terms**: tradition, myth, semantics, symbolism, wedding ceremony, category, fire, hearth, porridge-pub, color triad, integration.

---

**1. Введение. Постановка проблемы:**

В культуре любого народа цвет и его символическое значение имели важное значение, и наделялись отрицательной или положительной семантикой. Практически в любой сфере жизнедеятельности человеческого общества - бытовой, социальной или религиозной цвета несут определенную нагрузку. Изучение роли цвета как маркера этнических предпочтений, генезис смысловых значений и представлений о нем, их трансформацию на разных этапах истории определенной этнической группы, составляют актуальную задачу современной этнологии. К значению цвета в бытовой культуре и обрядах обращались многие зарубежные и отечественные исследователи. Но, семантика и символика цвета в культуре корейцев Узбекистана практически не изучалась, хотя, как и в культуре других народов, цвета играют важную роль и нередко восходят к мифологическим представлениям корейцев.

В последнее время в культурологии стало выделяться особое направление — *цветоведение* или *хроматизм*, основной задачей которого является «междисциплинарное изучение человека в реальном цветовом окружении»[1]. Исследования показали, что часть информации, которую несёт цвет, человек, воспринимает на рациональном уровне (сознанием), а остальная её часть, которую формальная логика игнорирует, всё же воздействует на человека, через его подсознание, передавая сущностные *архетипические* идеи бытия посредством символов и их сознательной трактовки. Цвет и его символическое значение являются предметом изучения не только историков, но и социальных антропологов, поскольку интерпретация символов опирается на обыденный опыт людей и их представления, восходящие к религиозно-мифологическим архетипам.

**2. Методы исследования:**

Поскольку архаическому мышлению присуще, преимущественно ассоциативное, а не причинно- следственное восприятие окружающего мира, то, и каждый конкретный цвет даже в пределах одной традиции обычно «указывал» на разные свойства и качества, состояния и признаки объекта.

В данной статье автору хотелось бы выделить цвет и рассмотреть его определенное символическое значение (архетипов по Юнгу). А учитывая субъективную и объективную сторону цвета, проследить использование цвета, цветовой гаммы, как своеобразного «языка», и традиционного способа передачи, стереотипов культурного кода корейского общества.

Применение системного подхода, помогает собрать цвет в единую картину, состоящую из взаимосвязанных символических элементов и семантических единиц. Немаловажным представляется применение метода историзма, раскрывающего роль цвета в его развитии на разных исторических этапах, а также историко – ретроспективный и диахронный методы.

Как отмечалось, символика цвета присуща каждой этнической культуре. Она играет

важную роль и в силу особой значимости выделяется как категория. Цвета в традиционной свадебной обрядности корейцев не выступают как отдельные элементы, скорее их функции неоднозначны, вторичны, и призваны усилить значение того или иного символа. Поэтому цветовая символика находит выражение в первую очередь на предметах материальной культуры: в их монохромной или полихромной окраске в декоре вещей, в цветовом оформлении одежды, и в элементах интерьера, используемых в корейской свадебной обрядности.

Поскольку все объекты видимого внешнего мира обладают атрибутом цвета, цветовые различия всегда представляют собой удобное средство для классификации. Но в один цветовой класс обычно попадает безграничное разнообразие вещей, поэтому социальные метафоры цвета всегда потенциально многозначны. Поэтому каждый случай должен быть исследован в его специфическом контексте[2].

**3. Результаты исследования:**

В жизни любого народа цветовая символика присутствует в обрядах жизненного цикла, от рождения до похоронного. Но, особую значимость она придавала традиционной свадебной обрядности. Она присутствует в восприятии цвета в целом как положительного так и отрицательного начала, как увеличивающая значимость того или иного элемента и придающая ему особую направленность. В последнем случае цветовые элементы либо сами выстраиваются в определенной синтагматической цепочке, либо подстраиваются к ней, усиливая её значение. Но, в тоже время, именно на примере этой категории наиболее ярко проявляется сущность традиционности, когда применение их как элементов символики идет по умолчанию, т.е. согласно обычаю. В тоже время само понятие цветовой гамы и её восприятие отражают как свое прямое значение, так и вспомогательное[3].

На всем протяжении традиционной свадебной обрядности корейцев широко используются красный, белый, синий, зелёный, жёлтый и чёрный цвета. По мнению В. Тэрнера, в традиционных обществах красный, белый и чёрный цвет представляют собой универсальную цветовую триаду, выступающую в виде некой изначальной классификационной трихотомической схемы, которую он считает более ранней, чем дихотомическая. Эти три цвета представляют собой «сокращенные или концентрированные обозначения больших областей психобиологического опыта, затрагивающих как разум, так и все органы чувств и связанных с первичными групповыми отношениями»[4].

В классификационной системе цветовой символики, которая присутствует в традиционной свадебной обрядности корейцев, важен порядок их расположения и значения, т.к. он отражает значимость как индикатор знаковости обряда.

Наиболее весомой ролью и богатством специфических оттенков на всем протяжении свадебной обрядности, обладает красный цвет. Это цвет в своей архетипической форме, в свадебном ритуале обладает двойственностью, амбивалентностью и одновременными противоположными значениями. Согласно традиционным представлениям на природу вещей красный цвет ассоциировался с мужским и женским началом. Это цвет жизни, праздничности, жизненной силы, здоровья и молодости. Его считали самым счастливым и связывали с жизнью, благополучием, энергией. И именно в этом качестве он выступал символом династии Шу. Этот цвет также воспринимался как приносящий свет и тепло и одним из времен года – летом, где в пространственно – временной ориентации он ассоциировался с югом. В традиционном представлении корейцев ему отводилась определенная роль. Вероятно, поэтому в традиционной свадебной обрядности корейцев присутствует много элементов красного цвета. Так, на набеленное лицо невесты наносились три ярко-красных пятна: одно – посередине лба и по одному на щеках[5]. Наряду с защитной функцией эти красные пятна символизировали солнце, что характерно для восточной традиции и находит архаические истоки в мифе. Культ Солнца как показывает сказание «Девушка Тангым»[6], был в корейской культуре общей моделью по которой выстраивалось не только функционирование космоса в целом, и жизнь отдельного человека, но и также – растения (риса).

Присутствие красного цвета в элементах одежды: красная юбка, красные ленты, красная яшма на головном уборе невесты отражает значимость цвета и связанные с ним представления о даровании новой жизни, радости, счастья. В этом случае образуется синтагматическая цепочка *красный цвет = кровь = жизнь = радость*.

Вся эта своеобразная цепочка цветовых символов и создают гармонию, которая, в свою очередь была призвана наделить новобрачных (молодых) материальными благами, благодатью и плодородием в будущем. И в данном случае знаком социальной сплоченности и традиции, и символом вообще всего явного, очевидного и открытого является белый цвет. Вероятно, это объясняется физической природой белого цвета, его способностью поглощать все остальные цвета и оттенки.

Белый цвет – это абсолютный цвет света и поэтому является символом чистоты, истины, невинности, жертвенности и божественности. Применение этого цвета в свадебной обрядности корейцев символизировало бракосочетание, переход в иное состояние или новообращение неофита. В самой свадьбе белому цвету отведена столь же сакральная роль. Этот цвет олицетворял собою счастье и благополучие, чистоту и благородство, честность и добро, почёт и высокое положение в обществе.

Сакральное отношение к белому цвету связано с традиционным для корейской культуры, особым отношением к рису. Это важный компонент не только основного питания корейцев, но и своеобразный медиум. Поэтому неудивительно, что рис ассоциируется с достатком (плодородие, богатство), но, и соответствует жертвенной пище для божеств, духов и душ предков. Неслучаен обычай приготовления невестой рисовой каши - *паб,* где элемент обряда «рис» выступает в роли жертвенной пищи, предназначенной духам предкам рода мужа. В данном обряде моделируются сакральные ритуальные действия. Все это можно вычленить как символико - синтагматическую цепочку: «невеста – рис – огонь – очаг - дух предков». Аналогичная ситуация наблюдается и в похоронно-поминальной обрядности, где происходит механизм воздействия на сакральные силы.

Символическое значение белого цвета несут некоторые элементы свадебного наряда невесты. В их число входит белое шелковое полотенце, расшитое птицами и иероглифами, символизирующими «соединение двух фамилий» Этим полотенцем невеста прикрывает себе руки и лицо[7]. Ритуальный смысл полотенец раскрывается в обрядовом действии невесты, где белый цвет выступает как своего рода занавес, ширма, защита от злых магических сил, т.к. именно в лиминарный[8] период она становится более уязвимой. А белый цвет ткани усиливает символическую нагрузку, и выступает как символ богатства, благосостояния, плодородия, всех высших ценностей, свойственных для любого традиционного общества.

Показателен и такой элемент свадебного обычая, письмо в конверте белого цвета с согласием девушки, которое отец относил в дом жениха[9]. Даже такой казалось бы малозначительный элемент как белый конверт, наделяется определенным символизмом. Его обворачивали красной и синей лентами, что символизировало согласие на брак, а также соединение мужского и женского начала. Семантика белого цвета здесь выступает в тесной взаимосвязи с этими цветами. В целом этот элемент обряда подтверждал не только действия на брак, но и символически означал счастливое, доброе, светлое начало молодоженам. Следует отметить, что каждый цветовой оттенок, выступающий в традиционной свадебной обрядности корейцев, не только нёс свое назначение, но и дополнял другой на всем протяжении обряда. Так, обряд с конвертом, связанный с жизненным переломом, свидетельствует о тесной связи с белым цветом, где преодолевается лиминарное состояние в следующий период социальной жизни. Белый цвет или «чистота» оказывается идентичной законному признанию социального статуса.

Белый цвет – это и символ воспитания. Он также символизировал преемственность между поколениями и связан с вскармливанием – материнским молоком.

Таким образом, с символикой белого цвета в свадебной обрядности связаны представления о гармонии, чистоте, невинности, законной легитимности брака, что для традиционного корейского общества играло немаловажную роль.

Вместе с тем красный цвет мог нести и негативное значение как символ зла, ярости, пролитой крови, и даже смерти. Его иногда связывали со злом, особенно в египетской мифологии, где красный цвет, был цветом богов Сета и Хаоса[10]. Отсюда следует, *красный цвет = несчастье = зло.*

В этой связи наиболее интересен анализ взаимоотношений красного и белого цветов. Эти цвета образуют бинарную оппозицию между собой, но вместе встают в оппозицию к черному цвету. Черный, напротив, ассоциируется с выделениями тела и нечистотами. Но в тоже время эти цвета имели неравнозначное значение. Как бинарная оппозиция белое и красное

символизируют активное состояние. В традиционном представлении корейцев красный цвет ассоциировался и символизировал продолжение рода, воспроизведение потомства. Согласно представлениям корейцев, кровь отождествлялась с душой. Соответственно в символике свадебной обрядности красному цвету придавалась магическая значимость одушевленности и силы, тогда как белый цвет в традиционном представлении больше был связан с жизнью растительного мира, т.к. являлся цветом рисовых зерен и муки. Но, между белым и красным цветом имеется ещё одно важное различие. Красный цвет – символизирует сохранение и продолжение жизни, в тоже время белый цвет – это цвет зимы и старости, отнятие жизни, траур. Поэтому в традиционной культуре Кореи белый цвет символизировал старость, печаль и смерть. Аналогичные представления о белом цвете встречаются у японцев, китайцев, вьетнамцев и других народов Дальнего Востока[11]. Хотя в настоящее время под влиянием глобалистических (европоцентристских) тенденций белый свадебный наряд невесты призван символизировать её чистоту и невинность.

Как видно красный цвет и белый формируют в символическом плане единый смысл «жизни». Когда цвет ассоциируется с чистотой, его представляют как кровь, жизнь, переданную в другие руки для продолжения рода. Следовательно, красный цвет становится не только дополнением к белому цвету, но и в некоторых контекстах свадебного обряда также антитеза белого.

*Красный цвет = жизнь : белый цвет =смерть.*

Человеку свойственно мыслить в терминах диадных (бинарных) отношений. И в этом плане важно понимание исходной цветовой символики, выступающей как триада, основная цветовая гамма в традиционной культуре[12].

Таким образом, когда белый и красный цвета рассматриваются как дополнительные цвета, а не антитетические, можно предположить существование троичного отношения, в котором черный цвет, тоже присутствуя в элементах свадьбы, но выступает как «нулевой». Поэтому не зря в традиционном представлении корейцев черный цвет символизировал скрытость, тайность, неизвестность, и возможно, противоположность к действительному. А соединение белого и красного цветов, образующих пары в разных проявлениях мужского и женского начала, совместно символизируют «жизнь»; оба цвета в свадебной обрядности противопоставляются черному как смерти и отрицанию. Отсюда следует:

*Красный = белый цвет = жизнь, радость: черный цвет = смерть, печаль*

Классификационным партнером белому цвету в бинарной оппозиции выступает не только красный цвет, но и черный. Вместе с тем, он не играл доминирующую роль, за исключением тех случаев, когда маркировал статус жениха, его принадлежность к чиновничеству. В традиционной свадебной обрядности корейцев черного цвета была шляпа жениха, которая символически возвышала в статусе, но и связывалась также с открытой любовью, тайной, нечто сокровенным и желанным. Бинарность оппозиции черного и белого цвета проявляется и в символике *ян-инь*. Хотя в других культурах черный цвет воспринимался с темнотой, злом и несчастьем. А у ндембу он символизировал брак и любовь[13]. Отсюда следует:

*черный цвет = смерть: черный цвет = брак = любовь*

*белый цвет = жизнь = радость: черный цвет =смерть =печаль.*

Сопоставление белого и черного цветов показывает, что когда эти цвета рассматриваются в отвлечении от ритуального контекста свадьбы, они понимаются как антитеза. Однако в контексте свадебной обрядности белое и красное проявляются в тесной связи друг с другом, между тем как черное редко бывает выраженным. В абстракции от действительных ситуаций красный цвет, по-видимому, имеет некоторые свойства, общие с черным и белым. Но в действительных контекстах красный цвет образует пару с белым[14].

Важную роль в свадебной обрядности корейцев отводилось и синему цвету. Синий цвет символизировал Небо и в этом его прерогатива. С символикой этого цвета также были связаны бесконечность, истина, вечность, преданность, вера, чистота и целомудрие. Эти ассоциации возникли во многих древних культурах мира, и выражают общую мысль, что синий цвет наиболее спокойный из всех цветов. Согласно традиции у корейцев этот цвет символизировал образованность и счастливый брак. Символика синего цвета у корейцев имеет общие архаические корни с тюркскими народами и восходит к единой архаической мифологеме. Это мнение широко распространено в научном мире. Присутствие синего цвета в одежде жениха (плащ) и невесты, на крыше паланкина и в элементах на всём

протяжении свадебной обрядности вносил существенные дополнения и осмысливался как мужское начало, триграмма Ли. Вероятно применение одежды и украшений такого цвета, было стремлением быть в гармонии с окружающим миром, местностью, в которой они проживают. А прохождение свадебного церемониала с присутствием синего цвета уравновешивает баланс между «своими» и «чужими» не только во внутреннем пространстве, но и создает гармонию за её пределами. Поэтому неудивительно, что для традиционного общества, чем оно ближе к природе в целом, тем более естественны, чистые и яркие цвета, которые символизируют благодать и плодородие для молодых супругов. Схожее восприятие синего цвета существовало в средневековой Европе, где он символизировал верность, играл большую роль в религиозных и этнических представлениях разных народов[15].

Не менее значима в свадебной обрядности и символика зелёного цвета, который символизировал женское начало. В традиционном представлении этот цвет ассоциировался с жизнью растений, молодостью, обновлением, свежестью, надеждой и плодородием, одно из важных пожеланий новобрачным. Это цвет весны, цвет молодых всходов и развернувшейся листвы. Он хорошо выражает сущность стихии Дерева – Му, т.е. растительности. Весна – начало года, Восток – место, где рождается новый день, поэтому не зря зелёный цвет символизирует Восток, рождение, молодость и сияние. Традиционно его символизм важен в обрядности, где он выражался эмоциональным состоянием и способностью отождествлять новую жизнь, продолжение рода, все земные блага, а в особенности плодородие. Олицетворение зеленого цвета с женским началом находит аналогию в представлениях малийцев и китайцев[16]. Помимо этого зелёный цвет в обрядности символизировал силу и магическую власть, защищающую жениха и невесту от зла.

Заколки из нефрита зелёного цвета на головном уборе невесты в традиционном представлении символизировало совершенство, силу, бессмертие и пожелание долгих лет жизни. Именно в этом плане выделялась символика нефрита в традиционной культуре народов Востока.

В противоположность новой жизни и расцвету, в английской идиоматике зелёный цвет символизирует незрелость, зависть и ревность. Этот цвет также связан с потусторонним миром. Иногда сатану изображают зеленым, возможно из-за того, что зеленоватый оттенок имеет нездоровая кожа. Отсюда следует:

*Зеленый цвет = новая жизнь = рассвет: зеленый цвет = зависть = ревность.*

Вообще в мировой символике зеленый цвет имел особое значение и был связан с растительным обновлением природы, с расцветом. Именно эта символика приобрела огромное значение в традиционной культуре корейцев.

Особое значение в символике цвета играл и желтый цвет, связанные с ним ассоциации и семантика в свадебной обрядности корейцев. Этот цвет пользовался исключительным почетом и символизировал культ Центра, т.е. Земли. Немаловажно и то, что желтый (золотой) цвет соответствует идеи изначальности всего сущего и повсеместно связывается с солнцем. Представления о женщине - Солнце и миф о её творении пронизывал корейскую культуру древности и средневековья, проявляясь не только в аграрной обрядности, но и в свадебном ритуале.

Примечательно, что в свадебной обрядности можно увидеть древнейшую мифологему, где женщина, т.е. невеста, уподобляется Солнцу, подобно богине Аматэрасу[17].

Представления о Солнце были распространены в корейской культуре наряду с представлениями о женщине как о «ногах» облика социально значимого лица[18]. В данном случае, в обрядности жених является «руками», а невеста «ногами»[19], и всякое отторжение пресекалось, чтоб не нарушать гармонию. Ноги являлись существенным ритуальным признаком женщины наряду с головой и ртом. В процессе ритуала их надо было «привести в движение», чтобы обеспечить зачатие и рождение. Таким образом, присутствие жёлтого цвета в свадебной обрядности корейцев и его ассоциации с Солнцем, имеет архаические корни, связанные с основной функцией женщины – воспроизводить потомство[20].

Другое значение жёлтого цвета было связано с золотом, как высшая ценность, начало начал, никогда не теряющее своего блеска. Весьма характерно сохраняется и устойчивая связь золота (жёлтый цвет) с женским началом, а серебро – с мужским, хотя в фольклоре они взаимодополняют друг друга. Жёлтый цвет в корейской мифологии обладает высшей ценностью. В сущности это универсальный космический символ, с которым связано

появление земли и первого человека, предков правителей и самих правителей, понятие вечности, нетленности, а его применение в свадебной обрядности символизировало прочность и истинность брака.

Золото было распространенным символом в разных древних и средневековых культурах Старого и Нового Света, где жёлтым цветом (золотом) связан сложный комплекс символов и ассоциаций, в котором можно вычленить тетраграмму золото – солнце – огонь.




Интересен факт, что аналогии в восприятии жёлтого цвета с золотом у культур Старого и Нового Света определяются общечеловеческим, психологическим архетипом. Именно этим объясняется, то высокое и центральное место, которое занимает золото даже в системе средневековой алхимии[21].

Примечательно, что все цвета, несущие в себе положительное эмоциональное и нравственное начало соотносятся с определенными камнями, а иногда и металлами, считающимися воплощениями их свойств: синий – с бирюзой и сталью, желтый – с золотом и янтарем, белый – с жемчугом и серебром, красный – с рубином, кораллом, медью. Все эти виды камней в сочетании с золотом и серебром образуют основной материал, из которого изготовлялись женские украшения (головные, нагрудные), а также и для мужчин, в виде поясов, трубок, шкатулок и ларцов.

Таким образом стремление носить одежду, украшения и окружать себя цветовой символикой в период свадебной обрядности ассоциируется с благопожеланиями благодати, плодородия и счастья образовавшейся новой семье. Традиционное общество всегда было близко к природе и поэтому неудивительно, что предметы материальной культуры и их сочетания естественны, ярки, представляют собой архаическим моделированием природных процессов при прохождении ритуала.

Теснейшим образом с цветовой символикой связаны орнамент одежды и свадебной утвари. В орнаменте цвет и узор слиты в неразрывном единстве, превращающем этот орнамент в символ, за которым стоят общечеловеческие и этнические образы и понятия с их ритмическим и симметричным повторением одинаковых мотивов. Символика орнамента выражает образ единства в многообразии и наоборот, образ оформления материи; с ними также связывают соразмерность, симметрию, игру форм. Его применение в свадебном наряде невесты и жениха олицетворяло творение и обновление, взаимосвязь процессов, единение противоположностей. Каждому из элементов орнаментации отводилось строго определенное место и придавалось четкое значение. Так, вышитые на белом полотнище невесты птицы и буквы (иероглифы) являют идею переплетения и соединения двух жизней и судеб, вечности и единства бытия. Переплетенные растения символизируют идею молодости и плодородия. Завитки растения говорят о цикличности и ритме природы, смене времен года и суток, а их зелёный цвет выступает индикатором новой жизни, весны, произрастания. Вероятно, в этом образе растения, как и в образе мирового дерева, передается понятие макрокосма, соответствующего общей системе мироздания. В основном орнаментом растительности выбирался персик, который являлся символом, дающим бессмертие и выполняющий функцию оберега. А персиковый цвет символизировал женское начало. Именно цветущую ветвь персика преподносили невестам.

Цветовая символика в свадебной обрядности дополняется зооморфной, например изображением птиц, чаще всего фазанов. Фазан связан с астральной символикой и может выступать как олицетворение мужского начала *ян.* Он связывается с плодородием

и бессмертием. Недаром его помещают рядом с растительностью, что подчеркивает символику пожелания невесте изобилия и плодородия. Парное симметричное изображение фазанов по обеим сторонам, вероятно, происходит из древней Персии, которое олицетворяло двойственность и превосходящее её единство.

Фазан также связывался с громом, который производил хлопаньем своих крыльев, а по яркости оперения был птицей императора, подобно павлину на Ближнем Востоке[22].

Следующим элементом - орнаментом следует назвать пару аистов, вышитых на плаще жениха. Аист на Востоке изображался как эмблема долголетия, а в даосизме - бессмертия. Он символизировал дочернюю и сыновнюю преданность, из-за поверья, что аисты кормят своих родителей, как и своих детей. Эти представления о заботе и новой жизни выступали пожеланием родителей сыну иметь обильное потомство и ухаживать за своими родителями, когда они будут в преклонном возрасте. Возможно, эти поверья легли в основу представления на Западе, что аисты приносят младенцев[23].

**4. Заключение:**

Таким образом, рассмотрение элементов традиционной свадебной обрядности корейцев, показывает, что в традиционной культуре этого народа широко распространена цветовая символика. Восприятие цвета и наделение отдельных цветов устойчивыми символическим коннотациями восходят к архаическим архетипам, образующими широкие, но, в тоже время, четко очерченные семантические поля, показывающие универсальность и культурное разнообразие. Причем в свадебной обрядности корейцев все эти цвета наделены символикой и семантикой благодатных и жизнеутверждающих функций.

Сложившись в глубокой древности, категории цвета развиваются вместе с этносом и принимают весьма сложные формы, обрастая в развитых обществах с их сложными системами философской подоплекой, где на архаические представления наложились влияния конфуцианства и цветовосприятия буддийской традиции. Вместе с тем, категории цвета, рассмотренные в традиционной корейской свадебной обрядности, интересны тем, что с одной стороны они отражают общие тенденции в развитии культуры человечества на разных этапах. С другой – показывают специфику и своеобразие традиционной культуры корейцев. Немаловажна тенденция сохранения традиционного цветовосприятия в современной свадебной обрядности корейцев Узбекистана, которое, однако, воспринимается не только как дань старинным обычаям, а как один из элементов самоидентификации.

## Иқтибослар / Сноски / References

1. Serov N.V. Simvolika tsveta. Strata, 2015; Bazima B.A. Psixologiya tsveta: teoriya i praktika. Izdatelstwo: Rech, 2005.
2. Leach E.R. Kultura i kommunikatciya. Logika wzaomoswyazi simwolow. Moskwa, 2001. S.72.
3. Terner V. Simvol i ritual. M.Nauka, 1983. S.143.
4. Terner V. Simvol ritual. M.Nauka, 1983. S.102-103.
5. Tsoy E.G., Yan W.S. Koreyskiye obichai I traditsii. A-A. Sansam, 2007. S.57.
6. Nikitina M.I. Drewnyaya koreyskaya poeziya v swyazi s mifom I ritualom. M.Nauka, 1982. S.154.
7. Tsoy E.G., Yan W.S. Koreyskiye obichai I traditsii. A-A. Sansam, 2007. 81.
8. Gennep A. Van. Obryadi perexoda. M.Wost. lit-ra., 2002. S.15.
9. Ionowa Yu.V. Obryadi I ix sotsialniye funktsii v Koree ser.XIX – nach.XX vv. M.Nauka, 1982.
10. Tresidder Dj. Slowar simwolov. M. Fair – Press, 1999. S.168.
11. Djarilgasinowa R.Sh. Koreyskaya natsionalnaya odejda v kollektsiyax MAE. Genskaya odejda // Odejda narodov zarubejnoy Azii. L.Nauka, 1977. S.149.
12. Terner V. Simvol i ritual. M.Nauka, 1983. S.93.
13. Isxodnoy gammoy yawlyaetsya triada, no cheloveku swoystwenno triadniye otnosheniya. Terner V. Simvol i ritual. M.Nauka, 1983. S.86.
14. Terner V. Simvol i ritual. M.Nauka, 1983. S.86.
15. Tresidder Dj. Slowar simwolov. M. Fair – Press, 1999. S.334.
16. Tresidder Dj. Slowar simwolov. M. Fair – Press, 1999. S.108.
17. Djarilgasinowa R.Sh. Etnogenez i etnicheskaya istoriya koreytsew («Stella Kwanngetxo -

wana»). M.Nauka, 1979. S. 105.

18. Nikitina M.I. Drewnyaya koreyskaya poeziya v swyazi s mifom I ritualom. M.Nauka, 1982. S.161.

19. Nesluchayno assotsiatsiya newesty s nogami. Sm. Nikitina M.I. Drewnyaya koreyskaya poeziya v swyazi s mifom I ritualom. M.Nauka, 1982. S.73.

20. Chesnow Ya.W. Istorisheskaya etnografiya stran Indokitaya. M.Nauka, 1976.

21. Iwanov Wyach.Ws. Istoriya slawyanskix I balkanskix metallov. M.Nauka, 1983. S.10-11.

22. Tresidder Dj. Slowar simwolov. M. Fair – Press, 1999. S.387.

23. Aist pochitalsya ne tolko na Vostoke, no i na Zapade. Tresidder Dj. Slowar simwolov. M. Fair – Press, 1999. S.9.

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

# ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИДА ҲОКИМИЯТ РАМЗЛАРИ

**Дилорам Хужамқуловна Сангирова,**
Гулистон давлат университети доценти
dsangreal@mail.ru
**Лутфия Батировна Қодирова,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви Академияси доценти
lutfiyaqodirova@rambler.ru

**For citation:** Diloram Sangirova, Lutfiya Qodirova, SYMBOLS OF THE POWER OF THE UZBEK STATE. Look to the past. 2021, vol. 3, issue 4, (80-90) pp.

DOI 10.26739/2181-9599-2021-3-10

**АННОТАЦИЯ**

Мақола ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда муҳим манба бўлган ҳокимият белгилари ҳамда рамзларининг вужудга келиши ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини турли манбалар асосида таҳлил қилишга қаратилган. Ўзбек давлатчилиги тарихининг турли даврларида қўлланилган ҳокимият рамзларини тадқиқ этиш, уларнинг келиб чиқиши, ҳуқуқий мустаҳкамланиши, ривожланиши ва улардан фойдаланиш тажрибаларини тадқиқ этиш орқали давлатчилик тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** ҳокимият ва давлат рамзлари, тамға, туғ, туғчи, танга, байроқ, алам, ялов, герб.

---

# СИМВОЛЫ ВЛАСТИ УЗБЕКСКОЙ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ

**Дилорам Хужамкуловна Сангирова,**
доцент Гулистанского государственного университета
**Лутфия Батировна Кодирова,**
Доцент Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан

**АННОТАЦИЯ**

В статье на основе различных источников анализируется возникновение знаков и символов власти, являющихся важным источником в изучении истории узбекской государственности, и их особенности. На основе изучения символов власти, используемых в разные периоды истории узбекской государственности, их происхождения, правового закрепления, развития и опыта их использования, рассматриваются особенности становления государственности.

**Ключевые слова:** символи власти и государства, тамга, туг (бунчук), тугчи, монета, знамя, флаг, стяг, герб

---

# SYMBOLS OF THE POWER OF THE UZBEK STATE

**Diloram Sangirova,**
Associate professor of Gulistan state University
**Lutfiya Qodirova,**
Associate professor, of Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

## ABSTRACT

Based on various sources, the article analyzes the emergence of signs and symbols of power, which are an important source in the study of the history of Uzbek statehood, and their features. Based on the study of the symbols of power used in different periods of the history of the Uzbek statehood, their origin, legal consolidation, development and experience of their use, the author considers the peculiarities of the formation of statehood.

**Index Terms:** symbols of power and state, tamga, bunchuk, coin, banner, flag, coat of arms.

---

**1. Долзарблиги:**

Муайян бир давлатнинг миллий суверенитетини ифодалайдиган, тарихан таркиб топган алоҳида, энг муҳим белгилари – давлат рамзлари ҳисобланади. Герб, байроқ ва мадҳия нафақат давлат рамзи, балки ўзида давлатнинг ва унда истиқомат қилувчи халқларнинг тарихий, ҳарбий, маданий анъаналарини, бошқа давлатлар билан алоқаларини, анъана ва маданиятларнинг халқларaро алмашинувини акс эттирувчи ўзига хос тарихий манба сифатида ҳам қимматлидир.

Давлат рамзлари ижтимоий – сиёсий феномен сифатида ўзида жамиятнинг, тарихий даврнинг, маълум бир вақтнинг табиатини мужассам этади ҳамда тарихий ўтмишни ранг-барангликда ўрганиш имконини бериб, халқнинг маданияти, сиёсий ҳокимиятнинг хусусиятини кўрсатиб беради. Шу жиҳатдан ўзбек давлатчилиги тарихининг турли даврларида қўлланилган ҳокимият рамзларини тадқиқ этиш, уларнинг келиб чиқиши, ҳуқуқий мустаҳкамланиши, ривожланиши ва улардан фойдаланиш тажрибаларини ўрганиш давлатчилик тараққиёти тарихининг ўзига хос жиҳатларини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

**2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола илмий мушоҳада, қиёсий-мантиқий таҳлил методлари, тарихийлик, холислик принциплари асосида ёритилган бўлиб, ўзбек давлатчилигининг ҳокимият белгилари ҳамда рамзларининг вужудга келиши ва тараққиётини ўрганишга бағишланади. Тадқиқот юзасидан олиб борилган кузатувларимиз, масала геральдик нуқтаи назардан ўрганилмаганлиги кўрсатади. Археологик, нумизматик ва ёзма манбалар асосида турли даврларда қўлланилган ҳокимият белгилари ва рамзларига оид айрим хориж ва маҳаллий тадқиқотлар мавжуд. Хусусан, нумизматик материаллар, яъни тангалар бўйича олиб борилган тадқиқотларда давлатчилик рамзлари - тамға ва сулола белгилари акс этган бир мунча маълумот берилган [1].

Дастлаб хусусий мулк ва уруғ-оила белгиси бўлиб хизмат қилган айрим белгилар кейинчалик умумий қарашларни уйғунлаштирган ягона ҳукмдорлик рамзига айланиб бориш жараёни тамғаларнинг шаклий ва мазмуний ўзгаришларида кузатилади [2]. Жаҳон тарихининг қадимги даврида давлатчилик рамзларидан бири бўлган туғлар ва байроқларнинг вужудга келиши ва тараққиёти айрим тадқиқотчилар томонидан ўрганилган [3].

Мавжуд манбаларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўзбек давлатчилигининг узоқ тараққиёти даврида *тамға, туғ, байроқ, тахт, тож, муҳр* ҳамда *ноғора (табл*) каби асосий ҳокимият рамзларининг мавжудлиги узоқ ўтмишимизнинг шонли саҳифаларидан дарак беради.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Европа давлатларидан фарқ ўлароқ, қадимги Шарқда давлатлар жамоа мулки асосида шаклланган. Бундай хусусият жамоа танлаб олган ҳукмдор жамоа ер-мулкининг эгасига айланганишини таъминлаган. Бунда ер-мулк ҳукмдор шахсига эмас, балки ҳукмдор лавозимига тааллуқли бўлган. Табиийки, бундай шароитда давлат мулкини ажратиб турувчи расмий белгиларга эҳтиёж сезилган.

Марказий Осиё туркий халқлари наслдан наслга қолувчи мулк, давлат нишони, давлат рамзи ва белгисини билдирувчи белгиларни “тамға” деб аташган. *Тамға* – турк-мўғул чорвадор қавмларда хусусий мулкнинг кенг тарқалган белгиси бўлиб, дарахтларга, қурол-яроғларга, тери (ҳайвон териси) ва бошқаларга қўйилган. Масалан, чорвачиликда қорамол, отларга ва паррандаларга махсус белги (нишон) босилган [4].

Маҳмуд Қошғарийнинг луғатида тамға сўзи қабилаларнинг хусусий мулклари бўлмиш чорва молларига қўйиладиган мулк белгиси; давлат нишони, белгиси сифатида олтин тангларга урилган тамға; қулдорларнинг ўз қулларига босадиган хусусий тамғаси ҳамда ҳукмдорларнинг авлоддан авлодга қолувчи хонлик, ҳукмдорлик белгиси, давлат, сулола рамзи каби маъноларида келтирилган [5].

Ҳар қандай белгилар тизими сингари тамғалар ҳам ахборот етказиш вазифасини бажарган, ёзувнинг пайдо бўлиши билан унинг қўлланилиш соҳаси торайиб борган. Тамғаларнинг кейини эволюцияси геральдика (тамға – ўзига хос “герблар”), диний (тамға-муқаддас тимсоллар), ҳуқуқий (тамға – “факсимиле”, мансубликни, эгаликни тасдиқлаш белгиси) ва анъанавий – маиший (тамға – нақш элементи) соҳалар билан боғлиқ бўлиб ривожланди [6, Б.75-86].

Тамғаларнинг дастлабки кўриниши содда геометрик шакллардан (доира, квадрат, учбурчак, бурчак ва ҳ.к.), пиктограммалар, ҳайвон ва қушлар тасвирларидан иборат бўлган. Кўпчилик тамғаларга тотемистик ҳайвонлар тасвири туширилган.

Одатда, маълум уруғ авлоди ўз аждодларидан тамғани мерос қилиб олган ва унга қўшимча белги қўшган ёки уни ўзгартирган. Тамғалар уруғнинг умумий мулки бўлган уй ҳайвонлари ёки уруғ вакиллари ишлаб чиқарган буюмларга босилган.

Маълумки, қадимда кўчманчи ҳамда ярим кўчманчи халқлар от, туя ва йирик шоҳли молларга тамға босганлар, ҳар бир қабиланинг махсус тамғаси бўлган. Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида келтирилишича, тамға афсонавий Ўғузнинг ўғли Кунхон даврида жорий этилган. Кунхоннинг вазири Арқил хожа Ўғузнинг йигирма тўрт набирасининг ҳар бирини алоҳида ўлкага тайинлаб, уларга лақаб ҳамда бошқаларникидан ажратиб ола билиши учун чорвасига босадиган тамғалар белгилаган [7, Б.54]. Абулғози Баҳодирхон ўзининг “Шажарайи тарокима” асарида Ўғузхон набираларининг тамғаларида акс этган тотемлар - шунқор, бургут, укки, қарчиғай, турунбой, лочин, хумой, туйгун, қарға кабилар ҳақида маълумот берган [8, Б.36-37].

Бироқ тамғалар фақатгина хусусий мулк белгиси бўлибгина қолмасдан, уруғ-оила белгиси сифатида ҳам хизмат қилган. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, “Турклар аслида йигирма қабиладир. ...Ҳар бир қабиланинг саноқсиз аллақанча уруғлари бор. Мен буларнинг асосини, яъни она уруғларини ёздим, шахобчаларини ташладим. Фақат ўғуз туркманларининг майда уруғлар ҳам, уларнинг молларига қўйилган белгиларини ҳам ёздим, чунки одамларда буларни билишга эҳтиёж бор эди” [5, Б.69]. Олим ўз асарида жами йигирма битта қабиланинг тамғаси ҳақида маълумот келтиради ва бу тамғалар уларнинг моллари ва подаси белгиси бўлиб, моллари аралашиб кетганда ҳар қабила ўз молини шу тамғалардан айириб олишини таъкидлайди [5, Б.91].




**Қадимги турк тамғалари**

Уруғ ёки қабилавий мансублик белгиси бўлган тамғалар ва тамғасифат белгилар ўз хусусиятига кўра, муҳим тарихий манбалар сифатида ўрин тутади. Ўзбек давлатчилиги тарихида баъзи қабилаларнинг босиб ўтган йўлини ўрганиш ва уларни компонент сифатида у ёки бу халқнинг шаклланишида қатнашганлиги ва ролини аниқлашда тамға белгилари катта тарихий аҳамиятга эга. Хусусан, ўрта асрларда ўзбек халқининг сиёсий ва этник жараёнларида муҳим рол ўйнаган қанғарларнинг ҳам тамғалари бўлган. Манбаларда айтилишича, қанғлиларда икки хил тамға бўлиб, биринчиси, тўғри чизиқдан (/) иборат бўлган ва “қовурға”, “косов” ёки “алиф” деб аталган. Бу хилдаги тамға ўзбек ҳамда қорақалпоқ халқи таркибидаги қипчоқларда ҳам бўлган. Қанғлиларнинг иккинчи тамғаси “қўш алиф”, “икки қовурға” ёки “қўш тамға” (//) деб номланган. Ана шу хилдаги тамға бошқирд қанғлиларининг ҳам тамғаси ҳисобланган. Қорақалпоқларнинг қўнғирот ва ўзбек қанғли уруғларидан бирининг номи “қўштамғали” деб аталган [9, Б.131-132]. Бу этнонимлар ўз номларини тамға белгисидан олганлигини кўрсатди.

Давлатчилик тараққиёти тамғаларнинг ҳукмдор лавозими белгиси сифатида аҳамиятини таъминлади. Тамғалар турли давлатларда байроқ, давлат муҳри, танга пуллари, давлат ёрлиқлари, давлат уловлари ва бошқа жойларда тасвирланиб, давлатга тегишлилик жиҳатларини англатиб борди. Шунинг учун ҳам “тамға” атамаси туркий халқларда давлат муҳри, давлат ҳисобига ундириладиган солиқ, уловларга қўйиладиган тамға [10, Б.1003-1004] ва бошқа давлатга тегишлилик маъноларида қўлланилган. Маҳмуд Қошғарий туркий тиллар луғатида тамғанинг расмий маъноси, яъни ҳукмдор хонлик тамғасига эга деган

тушунчани, “тамға”- шоҳ ва бошқаларнинг тамғаси, муҳри” деб баён қилган [5, Б.400]. Муаллиф хоннинг тамғаси, давлат нишони, давлат белгиси маъносини билдирувчи туғраɣ сўзини ҳам келтириб, унга “хоннинг муҳри” деб изоҳ берган.

Тамға ёрдамида давлат ҳокимиятининг ягоналиги ва мустақиллиги расмий ифодаланган. Тамғалар, кейинчалик, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар даврида рамзий белгилар сифатида хизмат қилди.

Мирзо Улуғбекнинг “Тарих-и арбаъ улус ” асарида келтирилишича, қадим битикларда турк – мўғул миллатларининг афсонавий волидаси, дея тилга олинувчи Аланқува авлодидан бўлган Туминахон подшоҳнинг Қўйлу ва Қочувли исмли эгизак фарзандлари бўлган. Фарзандлари хоҳишига кўра, *Туминахон* Қўйлу авлоди хон ва Қочувли авлоди лашкар амири бўлишини васият қилади. “Бу васият қилинган қонун бўлади. Авлодларга ва наслларга, улар авлоддан-авлодга ҳар кишики, туғилгай шу йўриққа риоят қилмоғи лозим. Шу мазмунда бир фаслни уйғур хати билан у борада рақам қилдилар. Ҳам шаҳзода ўз имзосини унга қўйишди. Уни Туминахон сулоласи тамғаси билан муашшаҳ этилиб, хазиначига топширдилар” [7, Б.75-76].



**Гуюкхоннинг муҳри**



Рис. 108. Медные хорезмийские монеты. Топрак-кала.

**Хоразм мис тангалари. Тупроққалъа**

Асарда бу ҳужжат *“Туминахон ол тамғаси”* деб аталади. Мирзо Улуғбекнинг маълумот беришича, Чингизхон ўзи хонлик қилган барча ҳудудларни тўрт улусга ажратиб, ўғли Чиғатойни Мовароуннаҳр ва бир қатор бошқа ҳудудлар ҳукмдорлигига тайинлаб, Қорачор нўённи лашкарбошиликка қўяди. Шунингдек, ўғли Чиғатойга “Туминахон ол тамғаси”га риоя этишни тайинлайди [7, Б.200].

Бу ўринда ол тамғани қизил муҳр, яъни олий ҳукмдор муҳри сифатида таърифлаш жоиз. Гуюкхон томонидан Рим папаси Иннокентий IV га юборилган мактубда эски уйғур тилида битилган муҳр айнан шундай кўринишда бўлган [11].

Ҳукмдорлар рамзи бўлган тамғаларни турли даврларда зарб этилган тангаларда ҳам кўришимиз мумкин. Ўрта Осиё давлатларида зарб қилинган тангаларда ҳокимият белгиси бўлган – тамға ва сулола белгиларининг кенг ёйилиши давлат ҳокимиятининг барқарор ва анъаналарга эга бўлган хусусиятидан далолат беради [12, Б.51]. Жумладан, Хоразмда давлат рамзи бўлган танганинг орқа томонида отлиқ суворий тасвири ва лотинча “S” ҳарфига ўхшаш Сиёвушийлар тамғасининг берилиши бу ерда сулолавий бошқарувнинг анъанавий бўлганлигини кўрсатади.

Суғд, шу билан бирга турк – суғд бронза тангаларида акс эттирилган тимсоллар ўзининг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Илк ўрта асрларда Зарафшон дарёси ҳавзасидаги Самарқанд, Панч, Маймурғ, Иштихон, Кабудон, Кушония ҳукмдорликлари ҳамда Қашқадарё дарёси ҳавзасидаги Кеш ва Нахшаб ҳукмдорликларини ўз ичига олган Суғд конфедерацияси таркибидаги ҳукмдорликлар ўз ички бошқарувида ўзаро нисбий мустақил бўлишган. Уларнинг ҳар бири ўз бошқарув маркази – пойтахти, ҳукмдор сулоласи, ташқари ҳокимият рамзлари (танга, тамға ва ҳ.к.), қўшини каби ҳокимият хусусиятларига эга бўлишган [12, Б.68-69]. Суғд конфедерацияси ҳукмдорликларининг қарийб барчасида танга зарбининг йўлга қўйилиши нафақат иқтисодий зарурият билан боғлиқ бўлмай, балки ҳамма даврларда бўлгани каби пул зарб қилиш маълум маънода давлат мустақиллигини ҳам ифодаларди. Айнан шу сабабли илк ўрта асрларда мамлакатимиз ҳудудида зарб қилинган тангаларда ҳар бир ҳукмдорнинг ўзига хос белгиси – тамғалар акс этган. Нафақат воҳа ҳукмдорликлари, ҳатто конфедератив шаклдаги ҳукмдорликлар таркибидаги майда ҳокимликлар ҳам ўз тамғаларига эга бўлиб, улар нафақат тангаларда, балки сопол ва металл буюмлар сиртида ҳам ўз аксини топган.

Шулардан бири м.а. V-VI асрларда Самарқанд ҳокимларининг тангаларига туширилган

ва илмий адабиётларда “самарқанд” белгиси ёки “Y -сифат” белги, S 2 тамға деб ном олган рамздир. Ушбу тамғанинг бир оз ўзгартиришлар киритилган турли вариантлари бир неча асрлар давомида Суғд тангаларида зарб этилган.



Аслида майян бир тамға бирор бир ҳукмдорликни ифодаловчи рамзий белгига айланган бўлса-да, уларни бирон-бир мамлакат ёки ўлканинг қадимдан ўзгармай келган анъанавий нишони (герби) деб бўлмайди. Чунки минтақадаги сиёсий вазият билан боғлиқ ҳолда ҳар бир даврда ўзига хос рамзий белгилар бўлиб, бир-биридан фарқ қилган. Ҳусусан, Кушон салтанати ва Қанғ давлати давридаги тамғалар билан илк ўрта асрлардаги тамғалар орасида анча фарқлар бор. Илк ўрта асрларга келиб, воҳалардаги ҳар бир ҳукмдорлик ўзига хос тамғага эга бўлган. Бу даврга хос тамғаларни бирор-бир давлатнинг эмас, у ерни бошқариб турган сулоланинг рамзий белгиси сифатида баҳолаш мантиқан тўғри ҳисобланади [13, Б.70]. Муайян ҳукмдорликда мавжуд сулола вакили ўзидан олдин ҳукмронлик қилган аждодидан ҳокимиятни мерос қилиб олар экан, анъанавий тамғага бирор-бир қўшимча белги илова қилгани кўзга ташланади. Бу асосан илк ўрта асрларда Суғд ихшидлари, Панч ҳукмдорлари тамғаларига хос.

Қадимдан ҳокимият рамзларидан бири сифатида *туғ*лар жуда муҳим рол ўйнаган. Туғ – мусулмонларнинг ёғоч дастага ўрнатилган қўтос, ҳўкиз ёки от думидан ва ярим ой тасвиридан иборат байроқсимон белгиси (қадимдан Шарқ мамлакатларида ҳукмдорлик, беклик ва ҳ.к. белгиси ҳисобланган) [14, Б.224].

Баъзи этимологлар туғ атамасининг илдизини tuğığ “тикик, тикилган” деб талқин қилади, баъзилар эса хитойча ва мўғулча этимонлар қидиради. Туркий тилларда “bonçuq” атамаси ҳам мавжуд бўлиб, хон чодирида турадиган, ҳокимиятни ифодалайдиган расмий ҳокимият рамзини англатган. У одатда узун ёғоч бошига осилган от думидан иборат бўлган. Думлар сони биттадан тўққизтагача бўлган (тўққиз муқаддас сон ҳисобланган). Ушбу атама Салжуқийлар даврида кенг қўлланилиб, улардан Европа халқларига “бунчук” тарзида кириб келган. Ҳозир у “мунчоқ” шаклида (бошқа маънода) ўзбек тилида ишлатилади.

Энг қадимги туғ тахминан м.а. 3000 йилга оид бўлиб, 1972 йилда Кхабис (Эрон)да топилган. Ушбу туғ 23х23 ўлчамли металлдан тайёрланган бўлиб, унда бургут, иккита шер, илоҳа, учта аёл ва ҳўкиз тасвирланган [15, Б.13].

Таниқли олим А.П. Окладниковнинг фикрича дашт қабилаларининг илк байроқлари (туғлари) Олд Осиёдаги сингари ёғоч даста тепасига илинган бирор жонивор тасвирланган учликдангина иборат бўлган [16, Б.148]. Бу учликлар (тожи туғ) мис ёки бронзадан тайёрланган.

Анъанавий қадимги туғлар узун таёққа маҳкамланган от думи ёки бир тутам от ёлидан иборат бўлган. Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида (Тибет ва унга туташ ҳудудлар) қўтос думи ҳам қўлланилган. Кейинчалик туғларга қўшимча равишда турли ҳажмдаги мато парчалари, тасмалар илинган.

Манбаларда қайд этилишича, суворий от чоптириб бораётиб туғни кўтарганда ҳаво махсус ясалган тешикдан ўтиб, бўри увиллашига ўхшаш овоз чиқарган. Туғга илинган мато хитойликларга ўхшаб, енгил матодан тайёрланган ва ҳаво билан тўлганда туғни учиб бораётган аждарга ўхшатган.




**Қозоғистондаги Тамғали (1,2,3,9), Эчкиўлмас (4,5), Ой-ййлов (6,7) петроглифларидаги байроқдорлар тасвири**

Бўри бошли турк туғларига ўхшаш байроқлар Рим императори Флавий хизматида бўлган қадимги юнон тарихчиси ва географи Арриан томонидан 135 йилда тасвирлаб берилган: “Скиф ҳарбий белгилари мутаносиб узунликдаги таёқларда ҳилпираб турган аждар кўринишидадир” [17, Б.14]. I асрда рим шоири Валерий Флакк ўзининг “Аргонавтика” поэмасида скифларнинг аждар тасвири туширилган ўзига хос ҳарбий белгиларини тилга олган.

Бўри бошли туғлар бўрини ўз тотеми – илк аждоди деб ҳисоблаган кўплаб туркий давлатлар ва халқлар томонидан қўланилган. Жумладан. олтиндан ясалган бўри калласи тамғаси туркларнинг байроғида ўз аксини топган. Н.Я. Бичурин туркларнинг келиб чиқиши ҳақида келтирган иккита ривоятда ҳам урғочи бўри тилга олинган [18, Б. 220-221]. Ғарбий Хун хонадонининг душманлар ҳужумидан сўнг тирик қолган ягона бола ва урғочи бўридан тарқалган авлоди вакили Ашина “ўзининг келиб чиқишидан хотира сифатида ўз қароргоҳи дарвозасига бўри калласи туширилган байроқ тиклаган”. Байроқлардаги тасвир туркийлар ўзларининг илк аждодини ўзга олам – осмон билан боғланганликлари рамзидир [19, Б.16].

Қадимги турклар туғларни уруғнинг руҳи, янада аниқроғи руҳнинг макони деб ҳисоблашган ва уни муқаддас тимсол сифатида эъзозлашган. Туғлар кўчманчилар ҳарбий анжомларининг ажралмас қисми саналган, ҳар бир уруғ ўз туғига эга бўлган. Масалан, жужанларда ҳарбий ва маъмурий бирлик– минг кишидан иборат бўликда ҳар юз киши ҳисобига биттадан, жами ўнта туғ бўлиб, ҳар бир туғнинг ўз бошлиғи бўлган [20, Б. 15].

Туғлар туркий халқларда ҳукмронлик рамзи саналган. Маҳмуд Қошғарийнинг маълумот беришича, Қорахоний ҳукмдорлар “тўққиз туғлиқ хон” ёки хоқон унвони билан улуғланган. “Хоннинг юқори мартабаси тўққиз билан фаол қилинади, яъни қарамоғида шаҳар ва ўлкалар ошиб кетса ҳам, туғ тўққиздан оширилмайди. Хон туғлари тўқ сариқ, рангли шоҳи ёки ипак матодан қилинган” [5, Б.440]. “Тўққиз туғли хон” ҳақида гап кетганда энг қудратли хонлар тушунилган [21, Б.90].



«Бобурнома»га ишланган миниатюра

Туғлар ҳарбий бўлинмаларда ҳам қўлланилиб, ҳар қайси ҳарбий қисмнинг махсус тамғалари билан ифодаланган. Шунга кўра қуйидаги лавозимлар вужудга келган: туғлуқ- “туғ эгаси”, тўқсоба – “ўз туғига эга бўлган ҳарбий қисм бошлиғи” [22, Б.86].

Туғлар ҳокимият рамзи сифатида хизмат қилган. Афросиёбдан топилган Самарқанд ихшиди Вархуман (Аврхуман)нинг VII асрга оид саройи деворидаги суратлардан бирида подшо тахтиравонда ўз аъёнлари, унга тобе ихшид ва ихшидликларнинг ҳокимлари билан элчиларни қабул қилаётгани тасвирланган. Тахтиравон яқинида ўн битта туғ тасвирланган, улар Вархуманга тобе 11 ҳокимлик ёки қўшин бўлинмаси рамзи деб тахмин қилинади [23, Б,77]. Суратлардаги кўпчилик суворийлар ҳам қўлларида туғлар билан тасвирланган.

Академик А.Асқаровнинг фикрича, суратда Вархуман атрофида унинг яқинлари, унга тобе 11 та рустак ихшидлари ва уларнинг туғлари (байроқлари) тасвири чизилган. Бир қатор қилиб, тик териб қўйилган 11 байроқ дасталари қизил лента билан бир-бирларига рамзий боғлаб қўйилган. Ушбу манзара Марказий Суғдда 11 та ихшидликлар бўлганлиги ва уларнинг Самарқанд ихшиди (подшоси) Вархуман бошчилигида “Суғд давлат конфедерацияси” тузилганлигидан далолат беради [24, Б. 369].

Мўғулларда туғ илоҳийлик касб этган. Чингизхоннинг тўққизта қўтос думи боғланган

оқ туғи император аймоғи, олтин аймоқнинг қўриқчи-руҳи - сулденинг рамзи ва макони саналган [25, Б. 245]. Джованни Плано Карпинининг ҳамроҳи, поляк монахи Бенедикт 1246 йилда Чингизхоннинг невараси Гуюкхоннинг тахтга ўтириш маросимини таърифлар экан, ҳоқон эълон қилингач, йиғин устида кўтарилган тўққиз туғли оқ байроқ "*сулде*" ва унинг атрофидаги пастроқ яна саккиз туғ ҳақида маълумот беради [26, Б. 774-779].

Мирзо Улуғбек ҳам Чингизхоннинг оқ туғи ҳақида қуйидагича маълумот беради: "Соҳибқирони Темучин амри билан унинг даргоҳига коҳину аслзодалар йиғилди. Шоҳ қурултойига келдилар. Ҳар томонда сипоҳийлар саф тортишди. Кўрага сози ва буғчи дамидан, туғчи кафидан (туғ) тушиб кетди. Оқ туғ тўққиз поя юқори кўтарилди. У нур сочувчи офтобдек дарвозадан товланади. Бахти бедор Темучин саодатли тож кийиб тахтга ўлтирди" [7, Б.98-99].

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг дунёга машҳур "Бобурнома" асарида туғлар билан боғлиқ қизиқарли мўғул одати тасвирланган: "Мўғул дастури била туғ боғладилар. Хон оттин тушти. Тўққуз туғни хоннинг олдида турғузуб, бир мўғул бир ўйнинг ўрта илигига бир узун оқбўзни боғлаб, илигига тутубдур. Яна уч парча узун бўзни уч туғнинг тутасидан қуйироқ боғлаб, туғнинг йиғочининг остидан олиб келтуриб, бир бўзнинг учини хон босиб турди. Яна бир туққа боғлағон бўзнинг учини мен босиб турдим. Яна бир бўзнинг учини Султон Муҳаммад Хоника. Ул мўғул бўз боғлағон ўйнинг ўрта илигини илигига олиб, мўғулча нималар деб туққа боқиб ишорат қиладур, хон ва тамом турғонлар туғ сорига қимизлар сочадурлар. Нафирларни ва нақораларни бир йўли чаладурлар. Бўлғон ясолда турғон черик эли бир йўли сурон соладурлар. Уч навбат ушмундоқ қиладурлар. Андин сўнг отланиб, сурон солиб ушмунча черик даврин чопадурлар" [27, Б.90]. Бу мисол мўғул ва турклар анъаналарида туғнинг муқаддаслиги ва халқнинг ҳамда қўшинининг ҳимоячиси сифатидаги аҳамиятини кўрсатади.

Қадимда қўлланилган туғлар кейинчалик давлат байроқларига, тамғалар давлат гербларига асос бўлган. Баъзан уларнинг уйғунлашган ҳолда биргаликда қўлланилганлигини кўриш мумкин. Масалан, *Амир Темур* тамғасидаги уч халқа тасвири унинг байроғида ҳам акс эттирилган.

Жуда қадимги даврлардан бери қўлланиб келинаётган рамзлардан яна бири байроқлардир. *Байроқ* - ёғоч ёки металл дастага, сим ёки чилвирга мустаҳкамланган, бир ёки бир неча рангли, давлат, ташкилот, уюшма, ҳарбий қисм ва ш.к. ларга қарашлиликни ифодаловчи герб, эмблема ва бошқа рамзий белгилар, безаклар тсвири туширилган муайяан ўлчамдаги мато [28, Б.143]. Улар турли даврларда туғ, алам, ялов каби номлар билан атаб келинган ва турли кўринишларга эга бўлган.

Бугунги кунда кенг қўлланилаётган "байроқ" сўзининг қадимги шакли – batraq/batruq, "ботмоқ, ботирмоқ" ўзагидан келиб чиққан. Туркияда худди шу тушунчани ифодалайдиган бошқа сўз – санжоқ сўзи қўлланилган. Унинг ўзаги ҳам "санчмоқ" сўзидан келиб чиққан [29, Б.212-214]. Демак, байроқ, санжоқ жанг чоғида кўтариб юрилган ва ғалаба қозонилиши билан тикиб қўйилган. Ялов атамаси эса "yalmaq", яъни ҳилпирамоқ сўзидан райдо бўлган. У одатда жангларда кўтариб юрилмаган, узун найзага илинмаган, калта таёққа мустаҳкамланиб, ўтовлар ва бинолар тепасига осиб қўйилган.

Илк байроқлар м.а. III-II минг йилликлардаёқ вужудга келган. Байроқлар энг кўп қўлланилган соҳа - ҳарбий соҳа бўлган. Улар ҳарбий тўқнашувлар чоғида қўшин жойлашувининг ва кемалар мансублигини англатишнинг визуал воситаси сифатида кенг қўлланилган. Байроқлар ёрдамида хабарлар берилган, дўстларни душмандан ажратишган, эгаларининг мавқеи ва даражасини аниқлашган. Ҳарбий байроқлар тасвирларини қадимги санъат ёдгорликларида акс этган жанг саҳналарида учратиш мумкин. Масалан, бугунги кунда Эрмитажда сақланаётган VI-VIII асрларга оид Хоразм кумуш идишидаги қасрни қамал қилаётган қўшин тасвирида турли байроқлар ва туғларни кўриш мумкин [32, Б. 216].

Байроқ – муқаддас рамз, сиёсий ва ҳарбий бирлик тимсолига айланган. Мўғулларнинг қарашларига кўра, агар байроқ ўғирланса, душманга қарши туришнинг иложи бўлмаган. Арабларда эса байроқ шайхнинг чодирида сақланган, байроқнинг ўғирланиши шайх ҳокимиятининг қулашига тенг бўлган. Тан ва илк Сун сулоласининг ҳарбий қонунлари тўпланган "У цзин цзун яо" хитой ҳарбий трактатига кўра байроқ ёки ноғоранинг йўқотилиши ёки уларнинг душман томонидан эгаллаб олиниши учун бутун бўлинма қатл этилган [33, Б.91].

Ўрта Осиёда ҳам байроқларнинг пайдо бўлиши жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Юртимизда вужудга келган энг қадимги давлат бирлашмаларидан бири бўлмиш Бактрия (Бахди) “Авесто”нинг “Видевдот” қисми 1-фрагардида “минг туғли - минг байроқли (хазаҳра драфша)” деган таъриф билан тилга олинган [30, Б.10]. Бундан ташқари “Авесто”да “шамолда ҳилпираган байроқлар –“гаоš драфšа-“, “қонли ва кенг яловин баланд кўтарган қўшин”, “ёвнинг туғи” кабилар тилга олинган [31, Б.11, 81]. “Авесто” да “драфšā-” , суғдча “рδ’šп” ва бақтрийча “λрафо” эквивалент сўзлар сифатида байроқ, туғ маъносида қўлланилган.

Давлатчилик асосларининг ривожланиб, мустаҳкамланиб бориши билан байроқлар ҳокимият рамзларига айланиб борган. Давлат мустақиллигини ифодалашда давлат байроғининг муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини тарихий манбалар тасдиқлайди. Жумладан, Хитой манбаларида ёзилишича, Турк хоқонликларининг кучайиб бораётганлигидан хавотирга тушган Хитой императори уларни ўзаро уруштириш мақсадида Шарқий Турк хоқони вассали ҳисобланган Ғарбий Турк хоқонига олий ҳокимият рамзи – учида олтин бўри боши ҳайкалчаси туширилган байроқ дастасини совға сифатида юборади ва уни Шарқий хоқонликка вассал бўлмаган суверен давлат бошлиғи сифатида тан олганлигини рамзий эълон қилади [34, Б.196-197]. Хитойнинг туркий давлатлар бирлигини бузишга қаратилган ушбу сиёсати икки хоқонлик ўртасида урушни келтириб чиқаради. Охир - оқибат узоқ давом этган урушлардан кейин ҳолдан тойган Шарқий хоқонлик кучсизланиб, Хитойга қарам мустамлакага айланиб, Ғарбий хоқонлик мустақиллигини сақлаб қолган бўлса-да, заифлашган эди.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида темирчи Кова ўзининг чарм пешбандидан қилинган байроқ остида халқни мустабид ва золим Заҳҳокка қарши курашга кўтарганлиги ва у кейинчалик Каёнийлар байроғига айлангани баён этилган. Унда темирчи Кованинг байроғи “шоҳ байроқ аталиб, зардан безалгани, гавҳару олмосдан мунчоқ қадалгани, иқбол туғининг бир томони сариқ, кўк, бир ёғи қизил рангда” эканлиги қайд этилган [35, Б.105-107].

Сомонийлар давлатида ҳам ҳокимият рамзи сифатида байроқдан фойдаланилган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида Бухоро аҳлининг Самарқандга Наср ибн Аҳмад ибн Асад ас-Сомонийга Бухорога амир юборишини сўраб мурожаат қилганликлари баён этилган. Наср ибн Аҳмад ўз биродари Исмоил ибн Аҳмадни Бухорога юборади. Амир Исмоил Карминага етгач, бир неча кун у ерда туриб, Бухорога, Бухоро амири Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Хаворижийга элчи юборади ва амир Исмоил Бухорога амир, Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Хаворижийнинг эса унга халифа бўлишига қарор қилинади. Амир Исмоил Хаворижийни ўзига халифа тайин қилганлиги ҳақида фармон билан байроқ ва сарпо юборади. Хаворижийни шу байроқ ва сарпо билан Бухоро шаҳрида айлантирадилар [36, Б. Б.148]. Асрий давом этиб келган давлатчилик анъаналари кейинги ўрта асрлар тарихининг ривожланган босқичларда янги кўриниш ва мазмун билан бойитилиб борилган.

**4. Хулосалар:**

Мавзу юзасидан масалани ўрганиш натижаси бир қатор хулосаларга олиб келди:

• қадимда эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи мулк ва мулкчиликнинг бир неча шакллари пайдо бўлган, кузатувларимиз ўз навбатида ушбу эгалик ҳуқуқини акс эттирувчи белги сифатида қўлланилган тамғаларнинг турли хил бўлганлигини кўрсатади.

• ўрта асрлар даврига келиб иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар туғларнинг ранг баранг бўлишини таъминлаши билан бир қаторда, жамиятда туғдорларнинг ўрнини мустаҳкамланиб боришига таъсир кўрсатди, туғ эгаларининг давлат бошқарувидаги вазифалари алоҳида белгилаб берилди ва саройнинг муҳим лавозимларига айланди.

• кенг қўлланиган ҳарбий соҳадаги байроқлар қўшин жойлашувининг ва ҳаракатларининг визуал воситаси вазифасини ўтаганлиги ва манбаларда қайд этилган ҳарбий бирлик тимсолига айланганлиги намоён этилди.

• давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши оқибатида тамғалар, туғлар ва байроқлар бири иккинчисидан фарқ қилиб бориб, ҳукмдорларнинг авлоддан авлодга қолувчи ҳукмдорлик белгиси, давлат, сулола рамзилари шаклан ва мазмунан янгича тус олганлиги кузатилди.

• геральдик нуқтаи назардан ўрганилган давлат рамзий белгиларининг таркибий тузилиши ва унинг моҳияти ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб

хизмат қилади, кичик белги бўлиб кўринган тамға, туғ ва байроқ тарихий кечмишимиздан гувоҳлик бериши билан бир қаторда, мавжуд бўлган давлатларнинг сиёсий жиҳатдан мустақиллигини ва мустаҳкамлигини белгиловчи муҳим омил эканлигини кўрсатди.

**Иқтибослар/ Сноски/References:**

1. Lane-Pool S. Catalogue of the Oriental Coins in the British Museum. Vol. 8. L., 1877; Masson M.E. Istoricheskij etyud po numizmatike Dzhagataidov (Po povodu Talasskogo klada monet XIV v.) //Trudy Sredneaziatskogo Gosudarstvennogo universiteta. Arkheologiya Srednej Azii. Vyp. IV. – Tashkent, 1957. S. 41–108; Smirnova O.I. Dvugorbyj verblyud na sogdijskikh monetakh // Strany i narody Vostoka. Vyp. XXV. Geografiya. Etnografiya. Istoriya. – M.: Nauka, GRVL, 1987. – S. 142– 148; Smirnova O. I. Zagadochnaya nadpis` na monetakh iz Varakhshi // Pis`mennye pamyatniki i problemy istorii kul`tury narodov Vostoka. XVI godichnaya nauchnaya sessiya LO IV AN SSSR (doklady i soobshheniya). Chast` 2. - M.: Nauka, GRVL, 1982. S. 143—145; Nastich V.N. Hudozhestvennoe oformlenie musul`manskik monet: narushenie zapreta? // Gorodskaya khudozhestvennaya kul`tura Vostoka. – M, 1990. – S. 129–149; Nastich V.N. Svidetel`stvuyut monety (byl li v islame zapret na izobrazheniya zhivykh sushhestv?). Chast` 2 //Sovremennyj islam. – M., 2012, №2. - S. 48 – 51; Kamyshev A.M. Klady mednyh monet Timuridov i Shejbanidov. – Samarkand: MICAI, 2013; Tuhtiev I. Temur va temurijlar sulolasining tangalari. – Toshkent: U`zbekiston, 1992; G‘oyibov B. Ilk o‘rta asrlarda Sug‘d konfederatsiyasining ayrim xususiyatlariga doir // Sharqshunoslik, 2014. №2. – B. 68-69

2. Shoniyozov K. Qang‘ davlati va qang‘lilar. –Toshkent: Fan, 1990; Ol’hovskij V.S. Tamga (k funkcii znaka)// Istoriko-arheologicheskij al’manah. №7. – Armavir, 2001. – S. 75-86; Radlov V.V. Tamga // Opyt slovarya tyurkskih narechij. T.3. CH. 1. – S.Pb, 1905. – S. 1003-1004

3. Okladnikov A. P. Kon’ i znamya na Lenskih pisanicah // Tyurkologicheskij sbornik. Vyp. 1. – M., 1951. – S. 143-154; Mahmudov Q. Turkiy bayroqlar ramzi // Fan va turmush, №12, 1989. – B. 20-21; Dmitriev S.V. Znamya v voenno-politicheskoj kul’ture tyurko-mongol’skih kochevnikov // Zhurnal sociologii i social’noj antropologii. 2001. T. IV. №4. – S.89-102; Stepanchenko A. Boevye znamena kochevnikov severnogo Prichernomor’ya// https://islam.in.ua/ru/istoriya; Terleckij N.S. Nekotorye drevnie atributy musul’manskih mest palomnichestva i pokloneniya (k voprosu o funkciyah i simvolizme tuga)// Elektronnaya biblioteka Muzeya antropologii i etnografii im. Petra Velikogo (Kunstkamera) RAN //http://www.kunstkamera.ru.; Sovetova O.S., Muhareva A.N. Ob ispol’zovanii znamen v voennom dele srednevekovyh kochevnikov (po izobrazitel’nym istochnikam) // Arheologiya Yuzhnoj Sibiri. Sbornik nauchnyh trudov, posvyashchennyj 60-letiyu so dnya rozhdeniya V.V. Bobrova. – Kemerovo: Kuzbassvuzizdat, 2005. – Vyp. 23. – S. 92–105.

4. O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi. T.8. - Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2004. – 704 b.

5. Mahmud Qoshg‘ariy. Turkiy so‘zlar devoni (Devonu lug‘otit turk). T. 1. - Toshkent, 1960. – 450 b.

6. Ol’hovskij V.S. Tamga (k funkcii znaka)// Istoriko-arheologicheskij al’manah. №7. – Armavir, 2001. – S. 75-86

7. Mirzo Ulug‘bek. To‘rt ulus tarixi. – Toshkent: Cho‘lpon, 1993. – 224 b.

8. Abulg‘oziy Bahodirxon. Shajarayi tarokima. Nashrga tayyorlovchi: Q.Mahmudov. - T., 1995. – 167 b.

9. Shoniyozov K. Qang‘ davlati va qang‘lilar. –Toshkent: Fan. 1990. – 167 b.

10. Radlov V.V. Tamga // Opyt slovarya tyurkskih narechij. T.3. CH. 1. – S.Pb, 1905. – S. 1003-1004.

11. https://wikipedia.org/wiki/Imperatorskaya_pechat’_Mongolii

12. Rtveladze E.V., Saidov A.X., Abdullayev Ye.V. Qadimgi O‘zbekiston sivilizatsiyasi: davlatchilik va huquq tarixidan lavhalar. – T.: Adolat, 2001. – B. 51

13. G‘oyibov B. Ilk o‘rta asrlarda Sug‘d konfederatsiyasining ayrim xususiyatlariga doir // Sharqshunoslik, 2014. №2. – B. 68-69

14. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. To‘rtinchi jild. – Toshkent: “O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti, 2007. – 372 b.

15. Spatkaj L. Gerby i flagi stran mira. Aziya. – Minsk: Amalfeya, 2017. – 418 s. [16] Okladnikov A. P. Kon’ i znamya na Lenskih pisanicah // Tyurkologicheskij sbornik. Vyp. 1. — M., 1951. - S. 143-154

17. Arrian. Takticheskoe iskusstvo. / Per., komm., vstup. st. A. K. Nefyodkina. - SPb.: Fakul'tet filologii i iskusstv SPb GU; Nestor-Istoriya, 2010. – 286 s.
18. Bichurin N.YA. (Iakinf). Sobranie svedenij o narodah, obitavshih v Srednej Azii v drevnie vremena. I. M.–L., Izd. AN SSSR, 1950. – 484 c.
19. Ashirov A. O'zbek xalqining qadimiy e'tiqod va marosimlari. – Toshkent: A.Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007. – 276 b.
20. Gumilev L. Qadimgi turklar. – Toshkent.: Fan, 2007. – 500 b.
21. Bartol'd V.V. Dvenadcat' lekcij po istorii tureckih narodov Srednej Azii, - Almati: Jalin, 1993. – 192 c.
22. Abduraimov M.A. Ocherki agrarnyh otnoshenij v Buharskom hanstve. T. 2. - Tashkent: Fan, 1966. – 284 s.
23. Al'baum L.I. Zhivopis' Afrasiaba. –Tashkent: Fan, 1975. – 160 s.
24. Asqarov A. O'zbek xalqining kelib chiqish tarixi. –Toshkent, 1914. – 670 b.
25. Grusse R. Imperiya stepej. Attila, CHingiz-han, Tamerlan. Perevod X. Hamraeva. – Almaty, 2006. – 592 s.
26. Recueil_de voyages et de memoires de la Societe de Geographie de Paris. – Paris, 1839. – Vol. IV. – P. 774-779.
27. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. –Toshkent: Yulduzcha, 1990. – 368 b.
28. O'zbek tilining izohli lug'ati. 1-jild. – Toshkent: "O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi" davlat ilmiy nashriyoti, 2007. - B.143
29. Mahmut Enes Soysal. Tarihsel süreçte bayrak ve sancaklarimiz // A. Ü. Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi [TAED] 42. – Erzurum, 2010. – S.209-239
30. Avesta: "Videvdot" kitobi / M. Ishoqov tarjimasi. –Toshkent: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti, 2007. – 100 b.
31. Avesto. Yasht kitobi. /M.Ishoqov tarjimasi. –Toshkent:Sharq, 2001. – 127 b. [32] Tolstov S.P. Drevnij Horezm. - Moskva: Izdanie MGU, 1948. - 216 s.
33. Dmitriev S.V. Znamya v voenno-politicheskoj kul'ture tyurko-mongol'skih kochevnikov // Zhurnal sociologii i social'noj antropologii. 2001. T.IV. №4. – S.89-102.
34. Arsal S.M. Tyurkskaya istoriya i pravo. - Kazan', Fen, 2002. – 412 s.
35. Abulqosim Firdavsiy. Shohnoma. Birinchi kitob. –Toshkent: G'ofur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1975.
36. Abu Bakr Muhammad ibn Ja'far an-Narshaxiy. Buxoro tarixi/ "Meros" turkumi. –Toshkent: Kamalak, 1991. – 336 b

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

# АЁЛЛАР САВОДСИЗЛИГИНИ ТУГАТИШ МАСАЛАЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА

**Муҳайё Ғанижновна Эргашева,**
Андижон давлат университетининг
стажёр-тадқиқотчиси
sciencehub@mail.ru

**For citation:** Mukhayyo G.Ergasheva, ELIMINATION OF FEMALE ILLITERACY ON THE EXAMPLE OF THE NAMANGAN REGION. Look to the past. 2021, vol. 3, issue 4, (91-94) pp.

DOI 10.26739/2181-9599-2021-3-11

## АННОТАЦИЯ

Мамлакатимиз ҳудудида олиб борилган СССР нинг таълим соҳасидаги туб ислоҳотлари натижаси юртимиз тарихи ва келажаги учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Зеро биргина Наманган вилояти мисолидаги аёллар саводсизлигини тугатиш жараёни ҳам муҳим жиҳатлар билан ажралиб туради. Таълимдаги аёллар масаласининг алоҳида ўрганиш масаласига етарли эътибор зарурлатини беради. Саводсизликнинг тугатиши муҳим масала сифатида ўрганилиши, бу ўша вақтнинг давлат сиёсатига тегишли муҳим масалалардан бири эканлиги билан бўглиқ.

**Калит сўзлар:** Кадрлар масаласи, ўқитиш тизими, миллий таълим, рус-тузем мактаблари, курслар, тўгараклар, аёллар саводсизлиги.

---

# ЛИКВИДАЦИИ ЖЕНСКОЙ НЕГРАМОТНОСТИ НА ПРИМЕРЕ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

**Муҳайё Ғанижоновна Эргашева,**
Стажер-исследователь
Андижанского государственного университета
sciencehub@mail.ru

## АННОТАЦИЯ

Результат радикальных реформ, проведенных в образовательной сфере СССР на территории нашей страны, послужил важным фактором для истории и будущего нашей страны. Ведь процесс ликвидации неграмотности женщин на примере единственной Наманганской области также характеризуется важными аспектами. Адекватное внимание уделяется вопросу отдельного изучения вопроса о женщинах в образовании. Ликвидации неграмотности может быть изучен как важный вопрос, с тем, что это один из важных вопросов, связанных с государственной политикой в то время.

**Ключевые слова:** кадровый вопрос, система подготовки кадров, народное образование, русско - туземные школы, курсы, кружки, неграмотность женщин.

---

# ELIMINATION OF FEMALE ILLITERACY ON THE EXAMPLE OF THE NAMANGAN REGION

**Mukhayyo G.Ergasheva,**
Trainee researcher of Andijan State University
Republic of Uzbekistan, Andijan
E-mail: sciencehub@mail.ru

## ABSTRACT

The result of the radical reforms carried out in the educational sphere of the USSR on the territory of our country served as an important factor for the history and future of our country. After all, the process of eliminating women's illiteracy on the example of the only Namangan region is also characterized by important aspects. Adequate attention is paid to the issue of a separate study of the issue of women in education. The elimination of illiteracy can be studied as an important issue, since it is one of the important issues related to public policy at the time.

**Index Terms:** personnel issue, personnel training system, public education, Russian-native schools, courses, clubs, women's illiteracy.

---

**1. Долзарблиги:**

Тараққиётнинг асоси бўлган таълим барча даврлар учун муҳим аҳамиятли долзарб масала ҳисобланган. Мавжуд таълим жараёнини янги тузумга ўзгартириш масаласи эса барча халқлар томонидан ҳам доим қаршиликлар асосида кутиб олинган.

**2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:**

Туркистон аҳолисининг Россия мустамлакачилик даврининг илк умумий қамров даври оғир даражадаги мажбурлов ёҳуд камситиш даври билан бошланди. Эркаклар орасидаги эски тузум мактабларининг ўрнини янги рус-тузем мактаблари билан алмаштириш жараёни аёллар саводсизлигини битириш масаласи билан авж олди. Биргина Наманган округи мисолида кўрадиган бўлсак 1904 йил жами аҳоли 64934 киши бўлиб, улардан 31742 киши аёллар ҳисобланган [1].

**1. Асосий натижалар:**

Туркистоннинг барча ҳудудларида 1921 йилдан янги усул мактабларини очилиши аҳолининг ижтимоий ҳаётига алоҳида таъсир кучига эга бўлди. Туркистон аҳолисининг анъанавий қорихона ва мадрасаларидан фарқли жиҳатдан фақат ўғил болалар эмас, қиз болалар ҳам таълимга кенг жалб этилиши янги усул мактабларининг ўзига хос хусусиятларидан бири эди. Даврий нашрларда "Мамлакатда гражданлар уруши давом этаётган ва очлик, вайронгарчилик қамраб олган оғир шароитда 1919 йил 22 декабрда В.И. Лениннинг имзоси билан "Саводсизликни битириш тўғрисидаги Декрети" эълон қилинди" деб ёзилади [2]. Декретга биноан 8 ёшдан 50 ёшгача бўлган аҳолини жинсидан қатъий назар ўқиш ва ёзишни билмагунга қадар савод ўргатиш ва ўрганиши мажбур этиб белгиланган эди. Бу жараёнда аёллар масаласига алоҳида эърибор қаратилганлиги қизлар мактаби фаолиятини фаоллаштирилганига гувоҳ бўламиз. Аҳолининг орасида хотин-қизлар салмоғи кўпгина бўлгани сабабли уларнинг уйдаги юмушлар билангина эмас, балки жамият ва давлат ишларидаги салмоғини яратиш ҳамда ошириб бориш масаласи кўтарилди. Октябрь тўнтарилиши натижасида том маънодаги янгича руҳиятли мустамлакачилик жараёнига асос солинди. Бу жараён асоси аввало хотин–қизлар саводсизлигини тугатиш билан авж олди, зеро уларнинг маълум тоифасини дастлаб жамият ҳаётига дахлдорлик ҳиссини савод чиқариш масаласи билан уйғунлаштиришга киришилди. Ушбу даврда Туркистон Вақф мулклари тасарруфидаги мактабхона, қорихоналар, миллий илм масканлари ўрнида ҳудуддаги Вақф мулклари тасарруфидаги рус–тузем мактабларига асос солинди. Шу ўринда ушбу рус–тузем мактабларининг аёллар бўлимлари ташкил этилди. Ўзбекистон округларининг барча ҳудудларида ташкил этилган аёллар бўлимларнинг фаоллари аёллар саводсизлигини тугатиш масаласи юзасидан кенг тарғиботчига айлантирилди.

Октябрь революцияси даврида Туркистонда 3 турдаги мактаблар мавжуд эди.

1. Эски диний мактаблар-эски усул мактаблари, диний йўналишдаги мадрасалар
2. Янги усул (жадид) мактаблари

3. Рус–тузем мактаблар

Ушбу жараёнда марказдан алоҳида буйруқ ва кўмак билан қўллаб қувватлангани рус–тузем мактаблари бўлиб, улар фаолиятига доим масус қарор ва фармонлар ҳам эълон қилинди. Барча мустамлака миллатларнинг умимий рус ғояси остида бирлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Таълим жараёнига аёлларнинг жалб этилиши миллий менталитетга доир муоммоларни юзага келтирган бўлсада, Ленин бошчилигидаги болшевиклар сиёсати раҳнамолари бутун ўлка бўйлаб ишчилар синфини оширишга ҳаракат қилди. Жадидчиликнинг янги усул мактаблар фаолияти ҳудуд бўйлаб кенг тарқалган бўлсада, хотин–қизлар масаласида рус-тузем мактаблари сингари ўқув қўлланма ва кенг тарқалган тарғибот материалларига эга эмас эди.

Наманганда 1914 йил халқ таълими бўлимида очилган мактабларнинг қарийб 3/1 қисми хотин-қизлар саводсизлигига қаратилган эди. Хотин – қизлар саводсизлигини битириш юзасидан фаолият 3 босқичда амалга оширилди

1. Эски илми бўлган хотин-қизларга савод ўргатиш
2. Чала савод бўлган хотин-қизларга савод ўргатиш
3. Мутлақо саводсиз бўлган хотин-қизларга савод ўргатиш

Ушбу жараён алоҳида–алоҳида гуруҳларда мутлақо ўхшашликсиз иш режа асосида умумий рус мафкурасини сингдириш жараёни билан ташкил этилган. Баъзан аёллар иш фаолиятини савод масаласи билан боғлиқлиги устунлик қилгани боис маҳаллий Туркистон аёллари бундай курслага қатнашдан бош тортмадилар.

Ушбу 3 турли саводсизликни тугатиш жараёнида турли қисқа муддатли курслар, маъруза шаклидаги семинарлар, тўгараклар ҳамда маданий тадбирлар каби машғулотлар ташкил этилган. Айнан аёлларнинг саводсизлигини тугатиш масаласи барча давлат ташкилотларининг муҳим масаласи сифатида ўрганилган. Муҳитнинг долзарб масаласи юзасидан олиб борилган ишлар натижасида 1914 йилга келиб Наманган шаҳрида хотин-қизлар гимназияси очилди, унинг йиллик ҳаражати учун 6000 (олти минг сўм) маблағ сарфланди [3]. Мамлакат аҳолисини тўла саводли қилиш жараёни авж олган 1914-1915 ўқув йилида Наманган округида таълим соҳасидаги ҳаракатлар тез суръатлар билан ривожланди. Таълимнинг эски усул мактабларидан узоқлаштириш ва янги рус-тузем мактабларининг фаолиятини кенг кўламда ёйиш билан маълум маънода бўғиб қойиш сиёсати билан изоҳлаш мумкин. Бу уларда таълим берувчи ўқитувчиларнинг оладиган ҳақларидаги фарқ билан ҳам яққол кўзга ташланади. Шу сабабли Қорихона, Мадраса, Отинойи мактаблари муаллимлари баъзан таълим жараёнини ўз уйларида олиб боришиб етарли жиҳоз ва адабиётларга эга бўлишмаган. Бу эса улар фаолиятини кескин камайишига яна бир сабаб бўлди. Қуйида биз такидлаган жараён архив маълумоти асосида таҳлил этилади.

***1-жадвал***

**Наманган вилоятидаги мактаблар фаолияти**

| **Т/Р** | **Мактаблар** | **Мактаблар сони** | **Ўқитувчи сони** |
|---|---|---|---|
| 1. | Эркаклар мактаби (рус -тузем) | 68 | 1388 |
| 2. | Мадраса | 21 | 1168 |
| 3. | Қорихона | 9 | 92 |
| 4. | Аёллар мактаби ( рус- тузем) | 29 | 600 |
| 5. | Европа стилидаги мактаб | 1 | 71 |
| 6. | Янги типдаги училиш | 1 | 122 |
| | **Жами:** | **98/31** | **2648/793** |

1925 йилга келиб кундузги умумий таълим мактаблари билан биргаликда 32 та кечки курслар ҳам ташкил этилди. Уларда 1046 киши ўқиб, улардан 72 таси хотин–қизлардир [4]. Мамлакатнинг бошқа ҳудудлари сингари Наманган округида ҳам барча имкониятлар даражасида аёллар саводсизлигини тугатиш масаласи учун урунишлар авж олди. Барча соҳа сингари саводсизлик клублари учун ҳам шаҳар молия бўлимидан алоҳида маблағ ажратилди. Бу маблағларнинг сарфланиши курслар ва тўгараклар учун фойдаланадиган газета ва журналлар ва дарслик масалаларини ҳал этиш ва курс ташкил этувчи ўқитувчилар иш ҳақига сарфланган. 1929- йил 31- июлдаги Қарорга мувофиқ шаҳар молия бўлимидан

саводсизлик тўгараклари фаолияти учун 30 та штат ва улар учун 2250 рубль ойлик маош, уларнинг баъзи ҳаражатлари учун 23 рубл ҳақ тўлаш белгиланди [5].

1937 йил 25 ноябрда Наманган шаҳар хотин-қизлар клубида Шарофат Пўлатова раислигида, Дадабоева котибалигида йиғилиш бўлиб ўтди кенг кўламда ташкил этилган йиғилишда 7 ёшдан 40 ёшгача аёллар савод ўргатилишига қарор қилинди. [6]. Наманган шаҳар Ф. Энгельс номидаги 16-ўрта мактабнинг очиши ҳам 1926 йил янги бино қурилишидан бошланди. Мактаб биноси 2 қаватли бўлиб 12 та ўқув хонасига мўлжалланган. Мактабда нафақат ўғил болалар, балки хотин-қизлар учун ҳам алоҳида ўқув хоналари мавжуд эди. Дастлабки қизлар синфи очилганда 8 нафар қиз таҳсил олиб улардан Мухсинова Мукаррам Педагогика инстититути аспирант, Умархонова Ханифа шаҳар савдо бўлими бошлиғи вазифаларигача кадр бўлиб шаклланди [7]. Яъни барча соҳа учун менталитет тушунчасини олиб муносиб кадр деб тайинланган рус ғояси тарғиботчилари учун узоқ бўлмаган вақтда туб бурилишга асос солиш қийин кечмади. Хотин–қизлар саводсизлигини тугатиш масаласининг долзарб масала сифатида баҳолангани қарийб бир неча аср давомида олинган туркий ва араб ҳарфларидаги савод эндиликда саводсизлик деб қаралиб, аҳолининг энг муҳим сиёсий муоммосига айланди [8].

**4.Хулосалар:**

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, миллий бирликнинг фаолиятига турли маънавий ва мафкуравий тазйиқларнинг таъсири, жамият негизи бўлган аёлларнинг “саводсизлигини йўқотиш” деб номланган жараён билан изоҳланади. Миллий кадрларни рус-тузем ғоясига солиш ва умумий қараш орқали миллийликни сиқиб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Namangan Davlat arxivi Fond-796, opis- 1, ish varoq-43. A, sahifa-1
2. Ziyomuhammedova M.M. Xotin-qizlar savodsizligini bitirish tarixidan// Sovet maktabi – 1978 – № 5 – B-70
3. Namangan Davlat arxivi Fond-796, opis- 1, ish varoq-43. A, sahifa-1
4. Namangan Davlat arxivi Fond-796, opis- 1, ish varoq-43. A, sahifa-2
5. Namangan Davlat arxivi Fond-12, opis- 1, ish varoq-12, sahifa-93
6. Namangan Davlat arxivi Fond-15, opis- 1, ish varoq-36, sahifa-2
7. Namangan Davlat arxivi Fond 796 opis-1 Jild-32, sahifa-5
8. Namangan Davlat arxivi Fond-796, opis- 1, ish varoq-43. A, sahifa-2
9. Namangan Davlat arxivi Fond-12, opis- 1, ish varoq-14, sahifa-93
10. Namangan Davlat arxivi Fond-15, opis- 1, ish varoq-46, sahifa-26
11. Namangan Davlat arxivi Fond-796 opis-1 Jild-22, sahifa-57

ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

# ЎРТА ОСИЁДА ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТГАН СИЁСИЙ ОМИЛЛАР

**Бахтиёр Эргашевич Юлдашев,**
Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедрасининг доценти,
тарих фанлари номзоди
baxtiyor.yoldoshev@inbox.ru

**For citation:** Bakhtiyor E.Yuldashev, POLITICAL FACTORS INFLUENCING RAILWAY CONSTRUCTION IN CENTRAL ASIA. Look to the past. 2021, vol. 3, issue 4, (95-100) pp.

DOI 10.26739/2181-9599-2021-3-12

## АННОТАЦИЯ

Муаллиф ушбу мақолада Туркистон ўлкасининг биринчи геннерал - губернатори, генерал К. П. фон - Кауфман, рус тадқиқотчилари М. П. Федоров, И. Я. Вацлик, Кавказ ҳарбий округ қўмондони, князь Михаил, рус шарқшуноси, профессор Н. И. Веселовский ҳамда муҳандис В.А.Панаев маълумотлари асосида чоризмнинг XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкасини Россиянинг марказий ҳудудлари билан боғловчи темир йўл тармоқларини қуришдан кўзлаган сиёсий мақсадларини таҳлил қилади ва унинг мазмун – моҳиятини очиб беради. Масаланинг ушбу жиҳати бевосита Ўзбекистон тарихини ўрганишга қўшимча материал сифатида хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** Россия империяси, Туркистон генерал-губернаторлиги, генерал К. П. фон-Кауфман, Ўрта Осиё темир йўли, Ахалтегин экспедицияси, М. П. Федоров, И. Я. Вацлик, князь Михаил, профессор Н. И. Веселовский, муҳандис В.А.Панаев.

# ПОЛИТИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ОКАЗАВШИЕ ВЛИЯНИЕ НА СТРОИТЕЛЬСТВО ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГИ В СРЕДНЕЙ АЗИИ

**Бахтиёр Эргашевич Юлдашев,**
доцент кафедры «Общественные дисциплины»
Ташкентского государственного транспортного университета
baxtiyor.yoldoshev@inbox.ru

## АННОТАЦИЯ

Автор данной статьи на основе информации первого генерал-губернатора Туркестанского края генерала К.П.фон-Кауфмана, русских исследователей М.П.Федорова, И.Я.Вацлика, командующего Кавказским военным округом, князя Михаила, русского востокаведа, профессора Н. И. Васеловского и инженера В.А.Панеаева анализирует политические цели строительства железных дорог соединяющие Туркестанский край с центральными экономическим регионами России и раскрывает сущность и содержание.

**Ключевые слова:** Российская империя, Туркестанская генерал– губернаторство, генерал К.П.фон-Кауфман, Среднеазиатская железная дорога, Ахалтекинская экспедиция,

М.П.Федоров, И.Я.Вацлик, князь Михаил, профессор Н.И.Веселовский, инженер В.А.Панаев.

---

## POLITICAL FACTORS INFLUENCING RAILWAY CONSTRUCTION IN CENTRAL ASIA

**Bakhtiyor E.Yuldashev,**
Tashkent State Transport University Associate Professor of
"Social Sciences" Candidate of Historical Sciences
baxtiyor.yoldoshev@inbox.ru

**ABSTRACT**

The author in this article is the first Governor-General of Turkestan, General K. P. background - Kaufman, Russian researchers M. P. Fedorov, I. Ya. Vatslik, Commander of the Caucasus Military District, Prince Mikhail, Russian Orientalist, Professor N. I. Based on the data of Veselovsky and engineer V.A. Panaev, he analyzes the political goals of tsarism in the second half of the XIX century from the construction of railways connecting Turkestan with the central regions of Russia and reveals its essence. This aspect of the issue directly serves as additional material for the study of the history of Uzbekistan.

**Index Terms:** The Russian Empire, Turkestan General Government, General K.P. fon-Kaufman ,Central Asian Railway, Akhal-Teke expedition, M.P. Fedorov, I.Y. Vatslik, Prince Michael, professor N. I. Veselovskiy, engineer V.A. Panaev.

---

**1. Долзарблиги:**

Россия империяси йигирма йилдан зиёд вақт мабойнида олиб борган даҳшатли, қирғин-барот урушлари Туркистон халқларини ниҳоятда оғир аҳволга солди. Бу урушлар оқибатида Россия 1583255 кв. км.дан иборат, ёки Франция, Германия, Австро-Венгрия ҳудудларини бирга қўшиб ҳисоблаганда тенг келадиган ерларни эгаллаб олди[1]. Туркистонда миллий давлатчиликка барҳам берилиб, ўлкада 1867 йилнинг 11 июлида Туркистон генерал–губернаторлиги таъсис этилди. Унинг раҳбари генерал К. П. фон – Кауфманга Россиянинг Осиёдаги давлатлар билан ўзаро муносабатларга таълуқли бўлган "...барча сиёсий, чегара ва савдо ишларини ҳал этиш, чегарадош ерларда музокаралар юритиш, аҳдномаларни, шартномаларни ва қарорларни имзолаш учун ишончли кишиларни юбориш"[2] каби ваколатлар берилди. Ўлкада чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати даври бошланди. Мавзунинг ўрганилиши чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати моҳиятини ёритишда долзарб аҳамият касб этади.

**2. Методлар:**

Ушбу мақола тарихий методлар-тарихийлик, танқидий, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Мақолада Ўрта Осиёда темир йўл қурилишига таъсир кўрсатган сиёсий омиллар ёритиб берилган.

**3. Тадқиқот натижалари:**

Туркистонда чоризмнинг ҳарбий-маъмурий бошқарув тизими ўрнатилгандан кейин Россия Туркистонда муқим ўрнашиб, мустаҳкамланиб олиши учун Туркистон ўлкасини Россиянинг марказий ҳудудлари билан ҳарбий, сиёсий-маъмурий ва савдо-иқтисодий алоқаларни амалга ошириш учун қулай ва арзон замонавий транспорт воситалари зарур эди. Замонавий транспорт алоқаларининг ривожланиши бир томондан, Европа бозорларидаги рақобатга дош бера олмаётган маҳсулотларини Ўрта Осиё ва у орқали Шарқ мамлакатлари бозорларига чиқариш, ривожланаётган тўқимачилик саноати учун арзон хом ашё манбаига эга бўлиш, ўлка миллий бойликларини империянинг тобора ошиб бораётган саноат эҳтиёжлари йўлида тўлиқ ўзлаштириш ва фойдаланиш, унинг табиий ҳамда иқтисодий бойликларини тезроқ марказга ташиб кетиш, иккинчи томондан, чор Россиясит қўшинларига ҳали забт этилмаган халқлар, жумладан, Каспий ортида жанг олиб бораётган туркман қабилаларини бўйсундириш, шарқ мамлакатлари билан чегараларни мустаҳкамлаш, учинчи томондан, минтақада Россиянинг имериявий мавқеини мустаҳкамлаш ва ўлка халқларини доимий

назорат остида тутиб туриш, зарурият туғилганда зудлик билан ҳарбий қўшинларни тегишли ҳудудларга кўчириб келтириш, ўлка халқларининг янги режимга қаршилик кўрсатишнинг барча шаклларини ҳарбий йўл билан бостириш ва бу халқларни зўрлик билан мустамлакачилик тизимига мослаштириш имконини берарди. Шунинг учун ҳам Туркистон генерал-губернатори генерал К. П. фон-Кауфман "Россияни Туркистон билан боғлаб турувчи транспорт алоқасининг яхшиланиши Туркистон ўлкасини Россия империясининг таъсир доирасига киритишда ўта муҳим воситалардан биридир" деб бежиз қайд этмаган эди[3].

Лекин Туркистон ўлкасини Россиянинг марказий ҳудудлари билан боғлаб турувчи, улар ўртасидаги ҳарбий, сиёсий-маъмурий ва савдо-иқтисодий алоқаларни амалга ошириш учун қулай ва арзон замонавий транспорт воситаларнинг йўқлиги кўзланган сиёсатни амалга оширишга тўсқинлик қилар эди. Шунинг учун ҳам янги савдо бозорлари ва хом ашё манбаларига, айниқса пахтага, эҳтиёж сезаётган рус савдо-саноат доиралари империя марказий ҳудудларини Ўрта Осиё билан боғловчи транспорт алоқаларини ривожлантиришни "умумдавлат аҳамиятига молик масала" даражасига кўтариш вақти келганлигини ҳамда Россиянинг "варвар давлатларга Европа - христиан маданияти ва цивилизациясининг барча ютуқларини"[4] тарқатувчи "миссия"сини кенг тарғиб эта бошладилар. Бировлар кема қатнайдиган сув йўллари билан Қора, Азов, Каспий ва Орол денгизларини бирлаштиришга чақирсалар[5], бошқалар Каспий денгизида ҳарбий флотилияни кучайтиришни, Орол денгизига йўл очиш, Амударё ва Сирдарё бўйлаб кемачиликни ривожлантириш[6], учинчи йўналиш тарафдорлари эса "Устюрт ҳудудлари бўйлаб темир йўл қуриш ва бу орқали Каспий ва Орол денгизларини ўзаро боғлашни"[7] таклиф қилар эдилар. Табиийки, бу сиёсатдан нафақат дворян-помешчиклар шу билан бир қаторда тобора ривожланиб кучга кириб бораётган рус буржуазияси ҳам манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам улар Туркистон ўлкасининг моддий бойликларини эгаллаш, ундан энг юқори даражада фойдаланиш учун маблағларини аямадилар. Ўша давр тадқиқотчиси М. П. Федоров таъкидлагандек, "Туркистонни тинч маданий йўл билан бўйсиндиришда хазинадан сарф бўлган миллионлар ортиғи билан қайтишини мустамлакачилар жуда яхши билардилар"[8].

Россия империяси Туркистон ўлкасини Россиянинг марказий ҳудудлари билан боғловчи транспорт алоқаларини йўлга қўйишни режалаштирар экан, узоқ мақсадни кўзлаб иш бошлади. Россия ҳукумати, энг аввало, сиёсий жиҳатдан, "Россиянинг олис Шарқдаги маънавий устуворлигига замин яратиш", унинг Туркистондаги мавқеини мустаҳкамлаш ва барқарорлаштириш, Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги халқлари устидан ҳукмронлигини қатъий ўрнатиш, зарурият туғилганда қисқа муддатда рус қуролли кучларини жадал суръатларда "Каспий денгиздан Орол денгизи ва унинг ирмоқлари томон сафарбар этишга имкониятлар яратиш", "...ҳеч қандай тўсиқларсиз бошқа Европа давлатлари қўллари етмайдиган ҳудудларда Россиянинг таъсирини кучайтириш" масалаларига алоҳида эътибор қаратди[9]. Кўриб турибмизки, Туркистон ўлкасида транспорт алоқалари тармоқларини қуришга Россия ҳукуматини ундаган сабаблар ортида биринчи навбатда чоризмнинг минтақада Россиянинг империявий мавқеини мустаҳкамлашга интилиши билан бевосита боғлиқ сиёсий мақсадлар ётарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим-ки, Россия империяси ўзбек хонликларини босиб олгунга қадар Хива хонлигига қарши бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирди. "Биз, Россия, - деб ёзган эди ўша давр тадқиқотчиси И. Я. Вацлик, - Ўрта Осиёнинг муҳим ва аҳамиятли минтақаларига олиб борувчи эски йўллар билан чекланганимизга мажбур бўлган даврлар ҳамон ёдимизда. 1717 йил князь Бекович-Черкаский, 1839 йил генерал Перовский, 1873 йил генерал Кауфман, 1879 йил генераллар Лазерев ва Ломакин каби тарихий шахслар бошчилигидаги самарасиз амалга оширилган экспедициялар натижасида бу йўлларда рус аскарларининг хоклари қолиб кетди"[10]. Дарҳақиқат, 1839 йилнинг қиш ойида Оренбург генерал-губернатори, генерал В. А. Перовский бошчилигидаги ҳарбий қўшиннинг Хива хонлигига қарши уюштирилган ҳарбий юриши муваффақиятсиз тугади. 1873 йилнинг ёз ойида рус қўшинларининг Хивага уюштирилган ҳарбий юриш вақтида полковник Маркозов раҳбарлигидаги ҳарбий қисм Қизилқумни кесиб ўтиш вақтида ҳавонинг иссиқлиги ва сувсизликдан катта талофат кўриб, қирилиб кетишга бир баҳя қолган бўлса, уларга ёрдам беришга отланган Чекишлардаги ҳарбий кучлар ўз мақсадларига эриша олмай Красноводскка қайтишга мажбур бўлишган эди. Жанговар кучларни уруш ҳаракатлари бўлаётган ҳудудларга ўз вақтида етказиш, уларни зарур қурол-

яроғ, ўқ-дори ҳамда ҳарбий заҳиралар билан таъминлашдаги муаммолар туфайли 1879 йили Чекишларга туширилган генерал Лазерев қўмондонлигидаги Ахалтегин экспедиция Кўктепа остонасида туркманлар томонидан мағлуб этилди. Туркистон генерал-губернатори фон-Кауфман рус қўшинларининг мағлубият сабабларига тўхталиб "Туркистон ўлкасида ҳарбий операцияларни амалга ошириш вақтида қуруқликдаги қўшинлар, дарё флотилияси, қалъаларни қурол-яроғ, ўқ-дори заҳиралари, кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш учун Орол ҳавзаси билан Эмба, Урал, Тобол ва Ишим оралиғида ястаниб ётган юзлаб верст узунликдаги сувсиз ва қақраб ётган чўлларда имиллаган туя карвонлари орқали ташиб келтиришдан ўзга чора йўқ. Бундай ибтидоий алоқа воситалари билан юкларни ўз вақтида ва келишилган муддатларда етказиб беришни тасаввур қилиш амри маҳол, уларнинг бутунлиги хусусида эса ҳеч қандай кафолат бериб бўлмайди. Бу эса, шубҳасиз тасодифан ёки вазият тақозаси билан жадал суръатда, вақтни бой бермасдан ҳарбий операцияларни ўтказиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас"[11], деб ёзган эди.

Кавказ ҳарбий округ қўмондони, князь Михаил 1880 йил 22 январда Россия ҳарбий вазирига тақдим этган хабарномасида "Биринчи ҳарбий экспедициянинг муваффақиятсизликка учраши Англиянинг Афғонистонга таъсирини янада кучайишига олиб келади. Англия Ҳиротни эгаллашга ҳаракат қилади, уни эгаллагач эса, шубҳасиз, Афғонистон Туркистонини ўзига бўйсундиради. Бунинг натижасида Россия Бухоро ва Хивадаги ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиши мушкуллашади",- деб баён қилган эди. У ўз фикрини давом эттириб, Россия биринчи Ахалтегин экспедициясидан тўғри хулоса чиқариши, уни қайта ташкил этишдан аввал рус қўшинларини қурол-яроғ, ўқ-дори ва озиқ-овқат ҳамда транспорт билан таъминлаш масаласини атрофлича ўйлаб кўриш зарур деб уқтиради[12]. Шубҳасиз, иккинчи Ахалтегин экспедициясини орқага суриш Россия империясининг нафақат Каспийортида, шу билан бир қаторда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида тутган мавқеига салбий таъсир кўрсатар эди.

Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати, айниқса, Россия империясининг зўрлик билан қўшиб олган чекка ўлкаларида энг мудҳиш шаклларида намоён бўлди. Мазкур сиёсат буюкдавлатчилик шовинизми билан йўғрилган бўлиб, унинг бош мақсади Туркистон халқларининг тобе ва мустамлака ҳолатини абадий ушлаб туришга йўналтирилган эди. Чор амалдорлари маҳаллий аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмаган ҳолда биринчи навбатда Россиянинг ҳукмрон синфларига мос келадиган тартиб ўрнатишга ҳаракат қилишар эди. Бу борада рус шарқшуноси, профессор Н. И. Веселовскийнинг бир мулоҳазаси диққатга лойиқдир: "Биз бўйсундирилган осиёликларга тинчлик, хотиржамлик, хавфсизлик бердик, деган хаёлдамиз. Аммо яна бир олий, буларнинг ҳаммасидан юқорироқ турувчи эзгулик мавжуд. Бу миллат, миллийлик туйғуси. Бўйсундирилган мусулмонлар аҳволини ўзимизни улар ўрнига қўйибгина тушуниш мумкин. Сиёсий ўлим оғир, миллий жиҳатдан ўлмоқлик эса ундан ҳам оғирроқдир. Бизнинг ҳукмронлигимиз остида худди шу миллийлик туйғуси таҳқирланмоқда"[13] Шубҳасиз, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати маҳаллий аҳолининг ғазаби ва қаршилигини келтириб чиқаришга хизмат қиларди. "...мусулмонлар, - деб ёзган эди К. П. фон – Кауфман – ўзларини шу қадар совуққонлик билан тутиб, олий ҳокимият вакилларига шу қадар бепарво, ҳатто ҳурматсизлик билан муносабатда бўлмоқдаларки, бу борада қандайдир ўзаро келишув мавжуд бўлса керак деб тахмин қилиш мумкин...Мен ақл – идрокли кишиларнинг кайфияти яхши эмаслиги, рус ҳокимиятини ёқтирмаслигига асосланиб, бу ерда ундан холос бўлиш учун қулай фурсатдан фойдаланиб қолишга ҳозирлик ҳақақатдан ҳам мавжуд эканлигига аминман"[14].

Агар Россиянинг марказий минтақаларини Туркистон ўлкаси билан боғлаб турувчи темир йўл қурилмас экан, катта ҳудудни қўлда сақлаб қолиш мушкул бўлар эди. Чунки ўлкада миллий давлатчиликнинг тугатилиши, мустабид мустамлакачилик тартибларининг ўрнатилиши, бойликларнинг бегоналар қўлига ўтиши ҳамда босқинчиларнинг зўравонлиги маҳаллий халқнинг норозилигини уйғотмасдан қўймасди. Бундай пайтда Туркистон халқларининг янги режимга қаршилик кўрсатишнинг барча шаклларини ҳарбий йўл билан бостириш, халқларни зўрлик билан мустамлакачилик тизимига мослаштириш, уларни доимий назорат остида тутиб туриш учун ўлканинг исталган жойига зарурат туғилганда зудлик билан жанговар кучларни етказиб бериш, уларни ўқ-дори, кийим-кечак ва ҳарбий заҳиралар билан таъминлаш муаммосига дуч келинарди. Шуни назарда тутган ҳолда Туркистон генерал-губернатори фон-Кауфман шуни қайд этадики, Россиянинг марказий

ҳудудларини “Тошкент билан темир йўл орқали туташтириш масаласини ҳал этиш ўта муҳимдир. Албатта, ҳозирги пайтда тасарруфимиздаги Ўрта Осиё ҳудудлари учун мутлақо хотиржам бўлишимиз мумкин, чунки бизга мазкур ҳудудларда ҳеч қандай хавф – хатар йўқ. Аммо бундай ҳолат узоқ давом этади деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ва шу ўринда нафақат бизда шу билан бир қаторда Ҳиндистонда ҳам умуммусулмонлар ҳаракатининг эҳтимоллигини инкор этиш мумкин эмас. Бундай хавф – хатар бўган тақдирда бизнинг жонимизга фақатгина темир йўл аро кириши мумкин”[15].

**4. Хулосалар:**

Хулоса қилиб айтганда “Рус ҳарбий қўшинлари таркибида махсус темир йўл қисмини ташкил этиш, уларнинг ёрдамида қурол–аслаҳа, ўқ–дори, озиқ-овқат ҳамда заҳира кучларини қисқа вақт ичида ҳарбий ҳаракатлар бўлиб турган ҳудудларга зудлик билан етказиш учун темир йўллар қуриш, буларнинг нақадар муҳимлигини рус-турк уруши ва Ахалтекин экспедицияси яққол исботлаб берди”[16]. Албатта бу ҳолат Россия хукуматини, машҳур темир йўл муҳандиси В.А.Панаевнинг таъбирича “...темир йўл дабдаба учун эмас, балки ҳаётий зарурият”[17] эканлигини тан олишга, темир йўл қурилиши соҳасидаги сиёсатини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т., “Шарқ”, 2000, 182 – бет.//New history of Uzbekistan. First book. Turkestan during the colonial period of Tsarist Russia. T. ”Sharq”,2000, 182-page//

2. Кунавина Г. С. Формирование железнодорожного пролетариата в Туркестане (1881-1914 гг.). Т., «Фан», 1967, 15-16-бетлар.//Kunavina G.S.the formation of the railway proletariat in Turkestan.(1881-1914 years) T.,<<Fan>>,1967,15-16 pages//

3. Туркестанский сборник. Составляемый В.И.Межковым. О торговых путях в Среднюю Азию. Т. XXVI, СПб, 1870, 245-бет.//Turkestan collection.Composed V.I. Mezhkov. On trade routes to Central Asia. T.XXVI, SPb, 1870, 245-page.//

4. Халфин Н.А. Политики России в Средней Азии (1857 – 1856). М. Издательство восточной литературы. 1960, 38 – 39 бетлар.//Xalifin N.A. Russian politicians in Central Asia (1857-1856). M. Oriental Literature Publishing House. 1960, 38-39 pages//

5. Железные дороги в Среднюю Азию. Сборник статей и проектов по проведению железных дорог в Среднюю Азию. С 23 марта 1854 г. по 27 мая 1874 года. По предложению Виконта де Ориньи и других об устройстве сообщения от Кракова в Персию, Китай и Индию; началось 17 марта 1858 года, кончено 29 марта 1859 года, № 276. Туркестанская Публичная библиотека, 1874, 20 – 21 - бетлар.//Railways to Central Asia Collection of articles and projects on the construction of railways Central Asia .From March 23,1854 to May 27, 1874.At the suggestoin of the Viscount de Origny and others about the arrangement of communication from Krakow to Persia, China and India ; started on March 17, 1858, of course on March 29, 1859. Turkestan Public Library, 1874,4-5 pages.//

6. Ўша жойда. По записке князя Барятинского об устройстве железной дороги между морями Каспийским и Аральским; началось 19 июля 1856 года, кончено 9 февраля 1857 года, № 170 . Туркестанская Публичная библиотека, 1874, 4 - бет.//There on the note of Prince Baryatinsky on the construction of a railway between the Caspian and Aral seas; started 19 july 1856 year, of course 9 february 1857 year, № 170.//

7. Федоров М.П. Хлопководство в Средней Азии. СПб, 1898, 215-бет.//Fedorov M.P.Cotton growing of Central Asia. CPb, 1898, 215-page.//

8. Железные дороги в Среднюю Азию. Сборник статей и проектов по проведению железных дорог в Среднюю Азию. С 23 марта 1854 г. по 27 мая 1874 года. Дело Главного Управления Путей Сообщения Публичных Знаний, особенной канцелярия Главноуправляющего, по записке князя Барятинского об устройстве железной дороги между морями Каспийским и Аральским; началось 19 июля 1856 года, кончено 9 февраля 1857 года. № 170 . Туркестанская Публичная библиотека, 1874, 4-5 бетлар.//Railway to Central Asia. Collection of articles and projects on the construction of railways to Central Asia. From March 23 1854 to May 27, 1874. The case of the State Directorate of Public Knowledge Communications, a special office of the Chief Administrator, according to the note of Prince Baryatinsky about the construction of a railway between the Caspian and Aral seas, began on July 19, 1856, and ended on February 9,

1857. Turkestan Public Library, 1874, 4-5 pages.

9. Вацлик И.Я. Закаспийская железная дорога её значение и будущность.СПб, 1888, 22-бет.// I.Y.Vatslik. Transcaspian railway and its significance in the future. SPb, 1888, 22-page.

10. Железные дороги в Среднюю Азию. Сборник статей и проектов по проведению железных дорог в Среднюю Азию. С 23 марта 1854 г. по 27 мая 1874 года. По предложению Туркестанского Генерала-губернатора, генеал-адъютанта фон-Кауфмана. Дело Министерства Путей Сообщения, Департамента Общих Дел, по исследованию вопроса о преведении железных дорог в Среднюю Азию. № 54, Туркестанская Публичная библиотека, 1874, 35 - бет.//Railways to Central Asia. A collection of articles and projects on the construction of railways to Central Asia. From March 23, 1854 to May 27, 1874. At the suggestion of the Turkestan Governor-General, Adjutant General von Kaufmann. Case of the Ministry of railways, Department of General Affairs, on the investigation of the issue of relocating railways to Central Asia. №54 Turkestan Public Library, 1874, 35-page.

11. Ахмеджанова З.К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии (1880-1917 гг.). -Т.: "Наука", 1965, 33-бет.// Axmedjanova Z.K. To the story of the construction of railways in Central Asia(1880-1917 y.) "Science", 1965, 33-page.

12. Лунин Б.В. Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения. Историграфический очерк. Т., 1972, 145 – бет.// Luny B.V. Central Asia in the sciantific heritage of Russian oriental studies historical sketch. T, 1972, 145-page.

13. Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края. М., 1980, 29 – бет.// Kastelskaya Z.D. From the history of the Turkestan region. M. 1980, 29-page.

14. Ўз.Р. МДА. И -1 жамғарма, 16 – рўйхат, 833 – иш, 6 - 8 – орқа варақ. Протокол совещания от 3 января 1875 года.// Uz.R.MDA. I-1 fund, 16-list, 833-work, 6-8-back sheets. The protocol of the savage dated January 3, 1875.

15. Вацлик И.Я. Закаспийская железная дорога её значение и будущность.СПб, 1888, 20-бет.//I.Y.Vatslik. Transcaspian railway, its significance and future. SPb, 1888, 20-page.

16. История железнодорожного транспорта России. Т. 1, 1836-1917, С.-Петербург-Москва, 1994, 79-бет.//The history of Russian railway transport. T. 1, 1836-1917, St-Peterburg-Moscow, 1994, 70-page.

ISSN 2181-9599
Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР ЖУРНАЛИ

3 СОН, 4 ЖИЛД

# ЖУРНАЛЬ ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

НОМЕР 3, ВЫПУСК 4

# JOURNAL OF LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 4

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000